

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИГИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ**

**ЁШ ДАВРЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ**

**фанидан**

**маърузалар матни**

ТЕРМИЗ-2013

Ушбу маърузалар матни “ Maktabgacha ta`lim” kafedrasining 2013 yil 28 – avgustidagi №1-sonli yig`ilishida muhokama qilingan va foydalanishga tavsiya etilgan.

Tuzuvchi:

o`qit. F.M.Yo`ldosheva

Taqrizchi:

dots. v\b X.G`Sharofutdinova

## ЁШ ДАВРЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ёш даврлари психологияси фани предмети тўғрисида фикр юритилаётганда инсон умрининг турли ёш босқичларида кечиши, ёш ўсишига ва психик тараққиётга таъсир кўрсатувчи омиллар, турли таъсирлар туфайли турлича тарзда рўй берадиган психик ривожланиш характеристикаси назарда тутилади. Демак, ёш даврлари психологияси фанининг мавзу баҳси турли ёшдаги одамларнинг (болалар, ўқувчилар, катталар, эркалар, аёлларнинг (онтогенезда) туғилгандан умрининг охиригача) психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ҳамда ўзаро муносабати қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Ёш даврлари психологияси инсонда турли психик жараёнлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, унинг ҳар хил фаолиятини, эр ва аёлнинг жинс тафовутларини, шунингдек инсон шахсининг таркиб топишини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Ёш даврлари психологияси турли ёшдаги инсонларнинг психик ривожланиши, психик хусусиятлари ва уларнинг ўзига хос омиллари, мезонлари ҳамда механизмлари ҳақидаги фандир. Шунингдек у муайян ёшдаги инсонларнинг ёш ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади. Шунинг учун ижтимоий ҳаётда, таълим-тарбия жараёнида, гуруҳлар ҳамда жамоаларда, ишлаб чиқариш ва оилавий муносабатларда ёш даврлари психологияси алоҳида ўрин тутаяди. Инсон шахсининг таркиб топиши ва билиш жараёнларининг ривожланиши муаммосини инсон психикасининг ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олмай туриб оқилона ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги кунда «инсон омили» масаласи долзарб мавзуга айланди. Ёш даврлари психологияси инсон психикасининг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари ҳамда шу ривожланишнинг босқичларининазарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этади.

Ёш даврлари психологиясининг асосий вазифаси шахснинг камол топиши қонуниятлари ва турли ёш давридаги одамларда вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт шароитларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Ёш даврлари психологияси ана шу вазифаларни ҳал қилиш билан амалий мақсадларни руёбга чиқаради. Таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, миллатлараро муносабатларни яхшилашга, шахслараро мулоқотни тўғри йўналтиришга, жамоада ижобий психологик иқлим яратишга, узоқ умр кўриш сирларини очишга, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга ажралишларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, А.Навоий ва бошқа бир қатор алломалар ёш даврлари психологияси мавзусига доир ўз қарашларини билдирганлар.

Абу Наср Фаробийнинг инсон психикаси ҳақидаги ахлоқий-фалсафий фикрлари “Ҳикмат маънолари”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Жисм ва акциденцияларнинг шаклларига қараб бўлиниши” каби асарларида ўз аксини топган.

Абу Райхон Беруний кишиларнинг жисмоний тузилиши, умрларининг узун-қисқалиги кабиларнинг умумий ҳаёт хусусиятларидаги аҳамияти ҳақида ўзининг “Ўтмиш ёдгорликлари” деб номланган асарида баён қилган. Алломанинг фикрича, инсон узоқ умр кўришининг сабаблари биологик ва ирсий омиллар билан боғлиқ бўлади.

Ибн Сино инсон умри ва ёш ўсиши билан боғлиқ ҳолда кечадиган психик тараққиёт масалалари хусусида ҳамда инсон шахсини шакллантириш муаммоларини “Одоб ҳақида” рисоласи орқали баён қилган. Шунингдек Ибн Сино “Тиб қонунлари” номли асарида инсон организмнинг тузилиши, ундаги нерв толалари ва нерв йўллари, физиологик жараёнлар билан боғлиқ психик жараёнлар хусусида бир қанча маълумотлар келтирган.

Илмий психологик адабиётларда қайд этилишига кўра ёш даврлари психологияси фани 19-асрнинг бошларида вужудга келган, лекин дастлабки илдизи қадимги Юнон маданиятига бориб тақалади. Унинг предмети ва қонуниятлари тўғрисида жаҳон психологияси оламида турли қарашлар ва назариялар мавжуд. Уларнинг жуда кенг тарқалганлари биогенетик (В.Штерн), социогенетик (К.Левин) бихевиористик (Е.Торндайк)

психоаналитик (З.Фрейд) назарияларидир. Шунингдек, мазкур фан методларга асосланиб тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳам жуда кўп. Илмий психологик адабиётларда келтирилган эмперик маълумотлар асосида ёш даврлари психологиясининг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига қатор омиллар ва ҳолатлар сабаб бўлган деган хулосага келиш мумкин. Қуйида ана шу омиллар ҳақида баён қиламиз:

1. Барча фанлар негизига кириб борган эволюция ғоясининг (Ч.Дарвин) инсон психикасининг ривожланиш жараёнида ўрганиш зарурлиги;

2. Умуминсоний, умумпсихик қонуниятлар турли ёшдаги одамлар хатти харакатини, психик хусусиятларини ва болаларнинг ўсишига бирор бир фаолиятнинг таъсирини аниқлаш учун етарли эмаслигини эътироф этиш;

3. Ёш даврлари психологияси инсоннинг (туғилганидан умрининг охиригача) камолоти учун методологик ва назарий аҳамиятга эга эканлиги тан олинганлиги;

4. Турли ёшдаги одамлар (мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юр்தларининг талабалари, ишчилар, ходимлар қариялар ҳар хил психологик хусусиятларга эга эканлиги сабабли тарбия, ишлаб чиқариш, ижтимоий таъминот муассасалари, етимхоналар, болалар уйлари, колониялар, махсус мактаблар, интернатлар, психоневрология диспансерлар, қариялар уйлари, шифохоналар, ва бошқалар)нинг эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги;

5. Тиббиёт фани ва унинг тармоқлари ривожланиши психиатрия, психоневрология, психогигиена, нейрохирургия, болалар ва катталар патологияси, генетика, олий нерв фаолияти ва ҳокозолар бўйича комплекс тадқиқотларнинг вужудга келиши ҳамда психология биология, медицина, социология фанлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши;

6. Юридик психология ва унинг соҳалари ижтимоий ҳаётимизда сезиларли ўрин эгаллаётганлиги ҳамда ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг ортиб бораётганлиги (суд иши психологияси, криминал психология, вояга етмаган қонунбузарлар муаммоси ва жиноятнинг олдини олиш масаласи);

7. Амалий психологиянинг ижтимоий сиёсий тус олаётганлиги ва турмушнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши, шунингдек ўз ўрнини топаётганлиги (психологик консультациялар, маслаҳатлар ауто ва социал тренинглар, ишбилармонлик ўйинлари, профессиограмма, психодиагностика ва ҳокозоларга талабнинг ортиши);

8. Психология фани соҳаларининг инсон онтогенезидаги ўзгаришларига доир, билимларга эҳтиёжи ва талаби ортаётганлиги (ҳарбий, спорт, савдо, меҳнат, космик, инженерлик, ижод, авиация) психологияга аниқ маълумотларнинг зарурлиги;

9. Экология муаммолари, зоопсихология ва этология вазифалари, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, инсонпарварлик ғояларини турмуш тарзига олиб кириш масалаларининг долзарблиги;

10. Моддий ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноатда ва қишлоқ хўжалигида кишиларнинг ҳақиқий хўжайинлик туйғусини уйғотиш, ақлий ва жисмоний имкониятларни кидириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, “инсон-инсон”, “инсон-техника”, “ер-инсон”, муносабатларини изчил ўрганиш зарурлиги;

11. Оилавий муносабатларни яхшилаш, ажралишларнинг олдини олиш. Иноқ оила яратиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш, ўз жонига қасд қилиш ҳолларини бартараф этиш, оилада тенг ҳуқуқлилиқни қарор топтириш ва болалар тарбиясини яхшилиш вазифалари;

12. Инсон узоқ умр кўришининг сирларини – геронтопсихологик қонуниятларни очиш ва тарғиб қилиш, давлат муассасаларида психологик билимларлардан ўз ўрнида фойдаланиш, узоқ умр кўришга замин тайёрлаш, қариялар уйларида уларнинг руҳиятига мос муносабатда, одилонга мулоқотда бўлиш кераклиги ёш даврлари психологияси фанини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ёш даврлари психологияси фанини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ёш даврлар психологияси фани бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиши, бунда экспериментал биология ва генетика, медицина, социология каби фанларнинг хизмати катта бўлди. Ёш даврлари ва дифференциал психология фани диалектика принципларига,

олий нерв фаолияти қонунларига, дифференциал психофизиология қонуниятларига, психологлар тўплаган материалларга таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баҳс юритади. Ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларидаги амалий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этади.

Мазкур фан соҳаси ўзининг предмети ҳамда вазифасини умумий психологиянинг асосий тамойиллари ва қоидаларига таянган ҳолда белгилайди. Ёш даврлар психологияси куйидаги тамойилларга риоя қилади:

1. Психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ва ёки миянинг маҳсулидир. Одатда психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали инсоннинг миясига бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, сезги, идрок, тассавур, хотира тафаккур, нутқ хаёл каби билиш жараёнларида, шунингдек шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида диққати хис-туйғуси ва характер хислатларида, қизиқиши ва эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

2. Психиканинг негизида миянинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келадиган қўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош мия катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ходисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирнинг натижасида ҳосил бўлади. Бош мия пўстлоғида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари И.П.Павловнинг нерв жараёнларининг иррадиацияси, концентрацияси ҳамда ўзаро индукцияси қонунлари замирида руй беради. Бу қонунлар турли йўсинда муваққат боғланишлар, ассоциациялар қандай юз бераётганини, қандай шарт-шароитда тормозланиш ва қўзғалиш содир бўлишини, муваққат нерв боғланишларининг йўқолаётгани ёки пайдо бўлаётганини тушунтириш имконини беради.

Психофизиологик қонуниятларга биноан миянинг функцияси муваққат нерв боғланишларининг бирлашиш механизми ҳамда анализаторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади. Юқоридаги таълимотга кўра ҳар иккала механизм хайвонларнинг ташқи оламга муносабатини акс эттиради. Шунинг учун психик фаолият воқеликни акс эттиришдан, олий нерв фаолиятининг ташқи оламини тимсоллар сифатида ифодаланишидан иборатдир.

3. Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун онгли фаолиятини - унинг назарий ҳамда амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдан иборатдир. Одам зотининг онглилиги унинг турли туман фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ва амалий фаолият жараёнида таркиб топа боради. Бунда муҳит, ирсий белгилар, тарбия асосий омиллар ҳисобланади.

Инсон ўзи яшаб турган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларни ўзлаштириб боради, ижтимоийлашади, тарихан ўзгаради. Онтогенезда унинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқодлари, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, хохишлари, позицияси ҳам аста-секин ўзгариб боради.

4. Инсоннинг билиш фаолияти ривожланиши унга ўзини қуршаб турган борлиқни янада чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ ва аниқроқ акс эттириш имкониятини яратади ва у борлиқнинг асл моҳиятини, турли йўсиндаги ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлаир ва алоқаларини табора аниқроқ ёритади. Шу билан бирга мазкур жараёнларда шаклланиб келаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўзига муносабати вужудга келади.

5. Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи оламини фаол акс эттиришда намоён бўлади. Тарихий материализм таълимотига кўра, инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечираётган тузумнинг моддий асосигина эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний қиёфалари, эътиқодлари, дунёқарашлари, ижтимоий воқеликка муносабатлари, интилишлари, фаолиятлари, ижод маҳсуллари ва ҳатти-ҳаракатларининг мажмуасидир.

6. Инсоннинг борлиқни акс эттириши фаол жараёндир. Маълумки, инсон зотининг ривожланиши объектив борлиққа ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Боланинг катта ёшдаги кишилар ташкил қиладиган амалий фаолияти, масалан уйини, кузатиши,

меҳнати, ўқиши, адабий асарни мутоала қилиши ҳамда қизиқишининг барқарорлашуви, иқтидорнинг такомиллашиши ва бошқалар унинг психик ривожланишини ифодалайди.

Психологияда психик тараққиёт инсон шахсининг таркиб топиши жараёни сифатида қаралади. Психик тараққиёт бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ қатор босқичларда амалга ошади. Жумладан, бола ақл-заковатининг кўрсаткичи, сифати, характери унинг атрофдаги одамлар билан ўзаро кундалик муносабатлари ва у бажарадиган амалий фаолият жараёнида вужудга келади. Бундай ўзаро таъсирлар натижасида болада турли сифатлар таркиб топа боради. Масалан, савол-жавоб, бахс-мунозара таъсирида ақлнинг ижодий маҳсулдорлиги, тезлиги ва теранлиги орта боради. Кун сайин ривожланиб бораётган ҳозирги даврда шахс психик тараққиётини янада жадаллаштирувчи воситалар мавжуд. Шу туфайли болаларнинг ақлий ўсиш даражасини турли даражадаги мураккабликда тузилган тестлар билан аниқлаш мумкин.

Ёш давлари психологияси предмети таълим ва психик тараққиёт муаммосининг ўзаро муносабатини илмий асосда талқин этиб, бу икки жараён бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини эътироф этади. Мазкур муаммо юзасидан тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрича, таълим боланинг психик тараққиётидан олдинда бориб, уни ўз ортидан эргаштириши лозим (Л.С.Выготский, Б.Г.Ананьев ва бошқалар). Аммо ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил қилганимизда таълимнинг юқори босқичларида ўқувчи ва талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини мустақил ривожлантириш имкониятларини ишга солиши муаммога нисбатан бошқача қарашларни ҳам вужудга келтирмоқда.

Онтогенез-(юнонча, ontos-мавжудот, жонзот; genesis-келиб чиқиш, пайдо бўлиш)-индивиднинг пайдо бўлишидан умрининг охиригача психик ривожланиш жараёни.

Ёшнинг улғайиб бориши, психик жараёнларининг ривожланишидаги қонуниятлар, ундаги етакчи омиллар ҳамда инсон ҳаёт йўлининг турли босқичларида унинг шахсига хос хусусиятлар-ёш психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маълумки шахс таркиб топиши жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукамал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Ёш психологияси фани ҳам ўз навбатида ўзига тегишли масалаларни тор экспериментал равишда ўрганиш билангина чекланиб қолмай, балки ўз муаммоларини инсон ҳаёти ва фаолиятининг табиий шароитларида, болага бериладиган таълим ва тарбиянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўрганилса янада муваффақиятли ривожланиши табиийдир.

Табиат ва жамиятнинг қонунлари сингари камол топаётган инсон шахси ривожланишининг ҳам ўз қонунлари мавжуд. Бу қонунлар ёш психологияси фанининг турли тармоқларида ўрганилади. Булар: болалар психологияси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси, ўсмирлар психологияси, ўспиринлар психологияси, катта ёшдаги кишилар психологияси ва қариялар ( геронтопсихология) психологиясидир.

Ёш психологияси фанининг вазифаларни мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ёш психологияси фанининг назарий вазифалари ғоят муҳим ва мураккаб бўлиб, у шахснинг камол топиши қонуниятлари ва турли ёш давридаги одамларда вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларининг ўзаро таъсири хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

Ёш психологияси фанининг амалий вазифаларини эса психик жараёнларнинг намоён бўлиши ва тараққий этиши ҳамда инсон шахси психологик хусусиятларининг таркиб топиши қонуниятларини ўрганишда қўлга киритилган илмий далилларни таълим-тарбия соҳаларига тадбиқ қилиш ташкил этади.

Жамият аъзоси бўлган боланинг ривожланиши қонуниятларини, унинг психикасини, онгининг ривожланишини, умуман, боланинг туғилганидан бошлаб вояга етгунича бўлган психик ривожланишини психологиянинг алоҳида соҳаси бўлган болалар психологияси фани ўрганади.

Табиат ва жамият қонуниятлари ичида бола психикасининг ривожланиши қонуниятлари, ўсиб келаётган бола шахсининг ривожланиши қонуниятлари ҳам мавжуддир. Мана шу қонуниятлар умумий психологиянинг махсус тармоғи бўлган болалар психологиясининг предметини ташкил қилади. Ёш психологияси, боланинг психик хусусиятлари миқдор жиҳатидангина эмас, сифат

жиҳатидан ҳам ривожланади ва ўзгаради, деган қоидага асосланади.шу туфайли ёш психологияси боланинг психик ривожланиши қонуниятлари ва психиканинг намоён бўлиши хусусиятларини тараққиётнинг турли ёш босқичлардаги ҳолатини тадқиқ этади.

Шундай қилиб, ёш психологиясининг асосий вазифаси шахснинг камол топиши қонунларини ва турли ёш босқичларидаги боланинг ривожланишида вужудга келадиган психик фаолият хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш хусусидаги давлат ҳужжатлари таълимнинг турли босқичларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга, баркамол шахсни камол топтиришга қаратилган. Бу долзарб вазифани амалга ошириш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Бунинг учун эса таълим жараёни ва бола шахси тараққиётининг ўзига хос психологик қонуниятларини яхши билиш керак бўлади.

Бола жамиятнинг аъзоси, мукамал шахс сифатида муайян ижтимоий муҳитда камол топар экан, унинг бутун билиш жараёнлари ўзига хос хусусиятлари ва руҳий ҳолатлари, онги ҳам ривожланади. Ана шу ривожланиш натижасида унинг онги гўдакнинг дастлабки оддий акс эттириш (инъикос) тарздаги содда онгидан балоғатга етган инсонларга хос теварак-атрофни, борлиқни, одамларни аниқ, яққол тўла ва англаб акс эттириш даражасигача ривожланади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, агар умумий психология психика ҳақидаги, психиканинг зоҳир бўлиш ва тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги фан бўлса, ёш даврлар ва дифференциал психология турли ёшдаги болаларнинг ўқиш фаолиятини, уларнинг психик тараққиёти ва психологик хусусиятлари ҳақидаги фан бўлиб, ёш психологияси ва дифференциал психология шахснинг камол топиши жараёнида психик фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари тараққиёти, феъл-атворларини ва умуман шахсни камол топтирадиган шарт-шароитларини ҳам ўрганади десак муболаға бўлмайди.

## **2- Мавзу: Ёш даврлар психологиясининг илмий тадқиқот методлари**

### **Р е ж а :**

1. Ёшдаврлар психологиясида қўлланиладиган методлар.
2. Қиёслаш ва лонгитюд метод.
3. Биография методи ва бошқа ёрдамчи методлар.

Ёш даврлар психологияси ўрганадиган фактларни муайян психологик усуллар, методлар ҳамда қоидалар ёрдамида тадқиқ этади. Шахснинг онтогенетик тараққиётида рўй берадиган психик ўзгаришлар, янгилашлар, уларнинг кечиши, шарт-шароитларини тадқиқ этишда умумий психология методларидан кенг фойдаланади. Шунингдек ёш даврлар психологияси ўзининг махсус методларига ҳам эгаки, улар орқали психик ўсиш жараёнини узлуксиз, комплекс ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Ёш даврлар психологиясида умумий психологиянинг кузатиш, эксперимент, анкета, тест, сўров каби методлари ҳамда комплекс, биографик метод, лонгитюд метод, эгизаклар методи, фаолият махсулларини таҳлил қилиш каби махсус методлари қўлланилади.

Фан ва техника тараққиёти шахс психикаси тараққиётининг хусусиятларини экспериментал равишда ўрганиш учун мураккаб ва нозик асбобларни яратиш имконини берди. Экспериментал материаллар асосида аста-секинлик билан турли ёшдаги болалар психикаси тараққиётининг қонуниятлари аниқлана бошланди.

**Муаммоли савол: Ёш даврлар психологиясида психологик қонуниятларни текшириш қандай босқичларда олиб борилади?**

Ёш даврлар психологияси фани ҳам психология илмининг бошқа соҳалари сингари ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга. Психологик қонуниятларни муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар туфайлигина ҳолисона аниқлик киритиш мумкин. Психологик тадқиқотлар жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

**1. Муаммонинг қўйиши.** Ҳар қандай илмий-текшириш ишлари каби, психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган

муаммони аниқлашдан, шунингдек бу муаммо фанда қанчалик ёритилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур мавзуга оид илмий ва махсус адабиётларни таҳлил қилишдан бошланади.

**2. Тадқиқот методикасини танлаш.** Психологик тадқиқотлар турли методлар {бу методлар ҳақида қуйида батафсил фикр юритилади} билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жихатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

**3. Маълумотларни тўплаш.** Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаблар - бу уларнинг холисона, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони ҳар жихатдан тавсифлаб бериши керак,

**4. Маълумотларни қайта ишлаш.** Тўпланган маълумотларни математик ва мантиқий жихатдан ишлаб чиқиш умумийликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий маълумотлардан ажраташ имконини беради. Бунда тўпланган маълумотларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва хоказо), процентлари аниқланади, сонларга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланилади.

**5. Қонуниятларнинг ифодаланиши.** Бу тадқиқотнинг бир мунча мураккаб ва масхулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки, бу босқичда маълумотларнинг моҳиятига қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, олинган маълумотдан ҳар турли хулоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган хулосалар таъминий характерга эга бўлиб, кейинги текширишлар учун асос бўлади.

**6. Қонуниятни амалда қўллаш.** Аниқланган қонуниятлар маълум бир амалиёт соҳасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонуниятнинг тўғрилигига батамом ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Кўпинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида шахсий кузатишлари ва бошқаларнинг тажрибаларини умумлаштирадilar. Бирок, бундай умумлаштиришлар илмий жихатдан етарли асосланган бўлмайди, яъни, муаммо аниқлиги ва теранлиги билан ажралиб турмайди.

### **Муаммоли савол: Ёш даврлар психологиясининг махсус методлари қайсилар?**

Психолог Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўрт гуруҳга ажратиб, уларни ташкилий, эмпирик, (амалий), натижаларни қайта ишлаш ёки натижаларни шархлаш методлари деб номлаган. Бу гуруҳлар ўзининг мақсад ва вазифаси бўйича яна бир неча тоифа ҳамда турларга бўлинади. Қуйида мазкур методларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда қиёсий тавсифини келтирамыз.

Тадқиқот методларининг биринчи-ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз) комплекс (кўпёклама) деб аталган турларни олади. Қиёслаш методидан умумий психология социал психология (катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар бир тоифаларини) медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини) спорт психологияси (спортчиларнинг ҳолати, кучлилиги ва ишчанлигини) ўзаро таққослаш кабиларда унумли фойдаланилади.

Ёш даврлар психологиясида эса қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириши, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослиги кабиларни ўрганишда қўлланилади.

Ёш даврлар психологиясида қиёслаш методи билан бир вақтда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам қўлланилади. Унинг бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилар узоқ муддат, ҳатто ўн йиллаб текширишидир. Лонгитюд методидан фойдаланиб, немис олими В.Штерн, француз тадқиқотчиси Р.Заззо, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Хасан-Хусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Хасан-Зухра, Фотима-Хусан) эгизаклар кузатилган. Шунинг учун қатор тадқиқотларнинг «Она кундалиги» (Н.А.Менчинская, В.С.Мухина) деб номланиши бежиз эмас. Узоқ вақт бир шахсни кузатиш, унда пайдо бўлаётган янги фазилатларнинг ривожланиш динамикасини, ҳулқ-атворидаги иллатларни олдини олиш тадбирларини, мураккаб психологик муносабатларининг ички боғланиш



қонунияти ҳамда механизми тўғрисида мукамал ишончли барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Хозирги фан ва техника тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун (субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс дастур асосида бошқа фанлар ( медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, философия, логика ва ҳаказолар) билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни тақазо этмоқда. Амалий йўсиндаги илмий тадқиқот ана шу кўп қиррали ёндошишни талаб қилади.

Психология соҳаларида (психофизиология, космик психология, медицина психологияси, инженерлик ёки авиация психологияси) тадқиқот объектига системали ёндошиш принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи-назардан таҳлил қилинади ёки уларга турлича ёндошилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жихатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндошиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантиқий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, мантиқий жихатларини ёритишда хизмат қилади.

Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот натижаси илмий аҳамиятга эга бўлиб инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методикаларининг иккинчи гуруҳи эмпирик методларидан иборат бўлиб, бу гуруҳга кузатиш, эксперимент, тест, анкета, сўров, социометрия, суҳбат, интервю, фаолият жараёни ва унинг маҳсулини таҳлил қилиш, таржимаи ҳол қабилар қиради ва улар синаш, текшириш, диагноз ва прогноз вазифаларни бажаради. Инсонда туғилганидан умрининг охиригача содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ ва объективроқ тадқиқ этиш учун эмпирик методлардан навбати билан фойдаланиш яхши натижа беради.

#### **Муаммоли савол: Генетик метод нимани ва қандай қилиб ўрганади?**

Илмий тадқиқот методларидан 4-шархлаш гуруҳи генетик ва доналаш методларидан иборат. Генетик метод билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар яхлит ҳолда мақсадга мувофиқ йўсинда шархланади. Бу методдан фойдаланишнинг асосий мақсади синалувчида вужудга келаётган янги шахс фазилатларининг ривожланиши ва билиш жараёнининг ўзгаришига, тажриба натижасига суяниб таҳриф ҳамда тавсиф беришдир. Шунингдек унда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, пайтларга қўшимча шархлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар ирсият билан бевосита боғлиқлигининг илдизлари аниқланади.

Энди тажрибада энг кўп қўлланиладиган эмпирик методлар ҳақида кенгроқ маълумот берамиз. Кузатиш методи. Бу методнинг объектив ва субъектив кузатиш турлари мавжуд. Инсон психологиясидаги ўзгаришларни кузатиш учун куйидагилар амалга оширилади.

1. Кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади.
2. Кузатиладиган объект танланади.
3. Синалувчининг ёши жинси аниқланади.
4. Тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади.
5. Кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади.
6. Кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида амалга оширилиши тавсия қилинади.
7. Кузатишнинг шакли тайинланади.
8. Кузатиладиганларнинг қайд қилиб бориш воситалари тахт қилинади.

Кузатиш орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади. Аммо шахснинг ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак хиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақл заковатини тадқиқ этишга бу методнинг имконияти етмайди.

Психология фанида ўз-ўзини кузатишдан ҳам фойдаланилади. Кўпинча тажрибада психолог ёки юқори малакали мохир ўқитувчи ўзини кузатиш орқали илмий хулоса чиқара билади. Масалан; ўз тафаккурини кузатиб ўзидаги эмоционал ўзгариш ҳақида маълумот олади.

Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, мохияти ва қай тарзда, қандай тезликда, қай шаклда рўй беришини кузатади.

Шундай қилиб, кузатиш методининг қулай ва системали жиҳатлари билан бирга заиф томонлари ҳам мавжуд. Шу сабабли инсоннинг мураккаб психикаси бошқа методлардан фойдаланиб тадқиқ қилинади.

### **Муаммоли савол: Сухбат методи орқали нималар ўрганилади?**

Бу метод билан инсон психикасининг ўрганишда сухбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади. Сухбат ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан узвийлик боғлиқ савол жавоб тайёрланади. Сухбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Сухбат орқали турли ёшдаги одамларнинг тафаккури, ақл заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, зийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқарashi, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади. Сухбат методининг таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. Қайтариқ сўзлар «ғализ» иборалар, нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлилиги, муваффақиятсизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол жавобнинг бир хил шаклда эмаслиги синалувчида ўзига хос ишлаш услуби, ошкоралик етишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

**Фаолият махсули таҳлил қилиш методи.** Инсон хотираси, ақлий қобилияти ва хаёлини аниқлиш мақсадида бу метод ёш даврлари психологиясида кенг қўлланилади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантикий хотираси, тафаккури, техник, бадий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли юзасидан материаллар тўплаш мумкин. Мазкур методдан фойдаланишда махсулотни яратган шахс бевосита иштирок этмайди. Объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Ижодий фаолият махсуллари таҳлил қилиш орқали болалар ўқувчилар талабалар конструкторлар олимлар, хунармандлар, ишчилар, психик, хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондани психик ўзгаришлар, камол топиш ва уларнинг кечишини ифодаловчи материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи етмайди. Шунинг учун инсон психикасини ўрганиш мақсадида бошқа методлардан фойдаланиш маҳкул.

### **Муаммоли савол: Ёш психологиясида тест методидан қандай мақсадларда фойдаланилади?**

Тест методи. «Тест»-ингилизча сўздан олинган бўлиб, синаш текшириш деган маънони англатади. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятларини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масалали топшириқ, мисол, жунбоқлар тест деб аталади. Тест айниқса одамнинг касбий қобилиятини аниқлаш мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, истехдодлилар ва ақли заифликни аниқлашда, кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг махоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларнинг илмий таҳлил қила билишига боғлиқдир. 1905 йилда француз психологи А.Бинэ ва унинг шогирди А.Симон инсоннинг ақлий ўсиши ва истехдод даражасини ўлчаш имконияти борлиги ғоясини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўллана бошланди. Хозирги даврда нодир тестлар қаторига психологлардан Роршах, Розенцвейг, Кеттел, Векслер, Мейли, Айзенк, Анастаси, Равен ва бошқаларнинг ижодларини киритиш мумкин. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга етиш) тестлари (улар дарсликларда берилган билим ва малака даражаларини баҳолашга қаратилган) интеллектуал тестлар (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган) шахс тестлари (инсон эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси, ва хулқидан иборатдир.) шахс « лойиха » (проектив) тестлари (саволларга битта аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб шахс хусусиятларини «лоийхасини» ишлаб чиқилади) киради.

Тажриба (эксперимент) методи. Бу метод турли ёшдаги одамлар (чақалоқ, бола, ўсмир, ўспирин, балоғатга етганлар ва қарилар) нинг психикасини чуқурроқ, аниқроқ, тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади.

Эксперимент методи ёрдамида сухний тушунчаларнинг шаклланиши, нутқининг ўсиши, фавкулотда холатдан чиқиш, муаммолли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахсининг хис-туйғулари, характери, типологик хусусиятлари ўрганилади. Инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятлари, хоссалари, мураккаб, механизмлари текширилади. Бунинг учун эксперимент материалларини текширувчи синчиковлик билан танлаши объектив тарзда хар-хил холат ва вазиятларни яратиши бунда синалувчининг ёши, ақли, идроки, характери, хусусияти, хис-туйғулари, қизиқиши ва савиясига, турмуш тажрибасига кўникма ва малакаларига эътибор бериш лозим.

Эксперимент методи ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. Табиий метод психологик педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Бу методнинг илмий асосларини 1910 йилда А.Ф.Лазурский тахрифлаган. Табиий экспериментдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалари ходимларининг, ўқувчилар ,кексайган кишиларнинг ўзаро муносабатлари иш қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчилар (боғча болалари, мактаб ўқувчилари, ишчилар, дехконлар, ходимлар ва хокозолар) нинг ўзлари беҳабар бўлиши таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиши кундалик меҳнат тарзи доирасида амалга оширилиши завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Лаборатория методи кўпинча индивидуал шаклда синалувчилардан яширмай махсус психологик асбоблар, йул-йуриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Хозирги замон кишиси психикасидаги ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон хисоблаш машиналари, қурилмалар, мослама ва жихозлар мавжуд. Улар одамдаги психологик жараёнлар, холатлар, функциялар вужудга келаётган янги сифатларни қайд қилиш ва ўлчашда қўлланилади. Кўпинча дитекторлар, электрон ва радио ўлчагичлар, секундомер, хронорефлексометр, тахистоскоп, аудиометр экстезиомер электромиограмма, электроэнцефалограмма кабилардан фойдаланилади.

**Анкета методи.** Ёш даври психологиясида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва ходисаларга муносабатлари урганилади.

Анкета одатда уч турда тузилади. Уларнинг биринчи тури англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи турида хар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учунчи тур анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади, анкетадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян сохага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

**Социометрик метод.** Бу метод кичик гуруҳ аъзолари уртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни урганиш ва уларнинг даражасини улчашда қўлланилади. Унга америкалик социолог Джон Моренко асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги хар бир аъзонинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятида Ким Билан бирга катнашиши суралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади.

**Биография (таржимаи ҳол) методи.** Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти фаолияти ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари ўзгалар ижодига берган баҳолари, танбехлари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсталиклар овозлари, фотолавлалар, хужжатли филмлар, тақризлар ўрганилаётган шахсни тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи ҳол инсон психикасининг ўзгаришларини кузатишда унинг сухбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жихатларини очишда ёрдам беради. Масалан, мазкур маълумотлар орқали ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнлар: шехрият, мусиқа, нафосат, тасвирий санхат, техник ижодиётнинг нозик турлари ва кайфиятлари таффакурнинг ўзига хослиги, шахсининг маънавият, қадрият, қобилият, иқтидор, истехдод сингари фазилатларини ўрганиш

мумкин. Ёш даври психологиясининг болаларнинг таржимаи ҳоли асосидаги илмий тадқиқот, масалан Н.А.Ченская, В.С.Мухинанинг кузатишлари. Она кундалиги номи билан машхур. Шундай тадқиқотлар чет эл психологиясида ҳам кенг тарқалган.

### **3- Мавзу: Тараққиётнинг асосий масалалари**

#### **Р е ж а :**

1. Шахснинг психик тараққиёти масаласи.
2. Психик ривожланишнинг шарт-шароитлари.
3. Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари.
4. Тараққиёт назариялари.

Муаммоли савол: Шахснинг психик тараққиёти масаласи деганда нима тушунилади?

Давлатимиз томонида қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да шахсни камол топтиришдан иборат бўлган вазифалар белгилаб қўйилган.

Шахс бу ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, яъни индивид сифатида туғилган бола ўз атрофидаги кишиларнинг муносабатлари таъсирида ва ўзини англаш жараёнида шахсга айланади.

Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. А.Жомийнинг «Бахористон», «Тухфатул ахрор» ва бошқа асарларида илм, маърифат, таълим-тарбия, касб-хунар ўрганиш ҳақидаги фикрлар ифодаланган. А.Навоийнинг «Хазойинул-маоний», «Махбуб-ул қулуб», ва бошқа асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган.

Юқоридагилардан ташқари Бобур, Фарғоний, Машраб, Гулханий, Нодира, Увайсий, Муқумий, Фурқат, Бедил, Завкий, Ҳамза, Авлоний ва бошқаларнинг ёшлар тарбиясига, феҳлатвор, оилавий ҳаёт масалаларига, шахслараро муносабатларга доир қарашлари ҳам турли жанрлардаги асарларида баён қилинган.

#### **Муаммоли савол: Психологияда ривожланиш муаммоси қандай талқин этилади?**

Таълим-тарбия ишларининг усуллари, воситалари ва ташкилий формаларини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёни бошқаришнинг самарадорлиги ривожланиш масаласини ҳал қилиш билан боғлиқдир. Бу инсон психикаси ривожланишида бир томондан табиий, биологик, туғма хусусиятлар ўзаро муносабати муаммоси ривожланишидан ҳамда ташқи ва ички омилларнинг (ирсият ва муҳит) роли ва уларнинг ўзаро муносабати муаммосидан иборат.

Одамда туғма равишда ташкил топган хусусиятлар кўриш, эшитиш сезгиларининг айрим хусусиятлари билан бир қаторда ҳаёт шароитлари ва фаолиятларининг таълим тарбия таъсири остида ташкил топган ахлоқий сифатлар мавжуддир. Психологиянинг айрим намоёндалари психик хусусиятлар туғма пайдо бўлади, бола туғилмасдан шаклланади деган позицияда туради.

Англиялик генетик Ш.Аурэбах «Ҳар бир одам худди картабоз қўлига карта олиб ўйнагани каби ўз ҳаётини қўлига генларни олиб бошлайди» дейди. Унинг фикрича «Ақлий тараққиёт даражаси махсус қобилият, шахсий сифатлар буларнинг ҳаммаси генетик факторлар билан муҳит факторлари ўзаро муносабатининг натижасидан иботардир» деган фикрни илгари суради.

Австралиялик психолог К.Бюлер - «Болаларнинг фақат ақлий тараққиётигина эмас балки ахлоқий тараққиёти ҳам наслий томонидан белгилангандир» деб таъкидлайди.

З.Фрейд ва унинг издошлари инсон фаолиятини бошқарувчи инстинктларни туғма бўлган ва социал таъсиротга боғлиқ бўлмаган дастлабки онгсиз эхтиёжларни ҳамда майлларни шахс тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар деб билган.

Америкалик психолог ва педагог Д.Дьюи инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра ирсият табиатни белгилайди.

Айрим психологларнинг фикрига кўра муҳит, таълим тарбия табиат томонидан яратилган хусусиятларнинг намаён бўлиши ва ўз ўзича ривожланиши учун зарур бўлган шароитгина холос. Улар психик тараққиётда наслий факторларнинг ҳал қилувчи рольни бор деган фикрни асослашга интилади.

Психологлар В.Н. Колбоновский, А.Р. Лурия, А.Н. Мироновлар тажрибаси бошқа ахволни кўрсатади. Яъни бир тухумдан бўлган эгизаклардан бир хил табиий шароитда, таълим методларига қараб, ижодий (яъни комбинаторлик) фаолиятининг айрим турларида мутлақо ҳар-хил натижаларни олиш мумкин. Француз психологи Р.Заззо бир тухумдан бўлган эгизаклар устида шунга ўхшаш тажрибалар ўтказиб, психика хусусиятларнинг туғма характери назариясига қаттиқ зарба берди.

Психологлар ва педагоглар ихтиёрида бўлган жуда кўп фактлар ҳар иккала йўналишнинг ҳам чекланган ва бир ёқламалигини кўрсатади. Одамнинг генетик хусусиятлари бир маънода унинг психик хусусиятларини белгилайди деб ҳисоблаш ҳатодир. Аммо бунинг тескариси ҳам яъни психик тараққиётнинг табиий имкониятларидаги индивидуал фарқларни батамом инкор қилиш ва одамлардаги ғоят хилма-хил барча индивидуал психологик хусусиятларни фақат ташқи таъсиротлар натижасидир, дейиши ҳам нотўғридир.

Шундай қилиб ҳар бир айрим кишининг тараққиёти (туғилгандан бошлаб) организмнинг ўсишига боғлиқ ҳолда муҳит, таълим ва тарбиянинг таъсирида, фаол шахсий фаолият натижасида амалга ошади. Инсон ақлий хусусиятлари, иродаси шу йўсинда ривожланади. Шахснинг индивидуал хусусиятлари темперамент, характер, қобилиятлар ва қизиқишлар шу тариқа шаклланади ва тараққий этади.

**Маммоли савол: Психик ривожланиши шароитлари ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар нималардан иборат?**

Психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳақида сўз кетганда, аввало асосий омилни белгилаб олиш лозим бўлади. Аммо психик тараққиётни таъминловчи омил ягона эмаслигини, улар бир нечта эканлигини, шунингдек бу омиллар ўзаро узвий боғлиқликда мавжудлиги каби фактларни англаб етиш керак бўлади.

Психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар сифатида қуйидаги омилларни эътироф этиш мумкин; ирсий омиллар, ижтимоий омиллар, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, шахсий фаоллик. Уларнинг ҳар бири алоҳида бир олам бўлишига қарамасдан тараққиётни ўзаро ҳамкорликда таъминлайди. Масалан, агар таълим фаолияти аниқ мақсад асосида амалга оширилиши учун шарт-шароит тўлиқ бўлса-ю, аммо ўқувчида шахсий фаоллик етарли даражада шаклланган бўлмаса у ҳолда психик тараққиётда муаммо вужудга келади ва уни зудлик билан тўғрилаш зарурати қужудга келади.

Психик тараққиёт шароитлари ва психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳақидаги масалани тўғри ҳал қилишга шахс тараққиёти ҳақидаги таълимот ёрдам беради.

Шахснинг моҳияти ўз табиатидан ижтимоий характерга эгадир. Шахсдаги барча психик хусусиятларнинг, ижодий фаоллигининг ривожланиши манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлиқ ҳисобланади. Инсон шахси детерминлашган бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Мана шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатида юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир деган хулоса чиқариш мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, характери, иродавий хислатлари, қизиқишлари, майллари ва қобилиятлари таркиб топади.

Юқорида баён этилганларга асосланиб психологияда одамнинг психик хусусиятлари унинг ҳаёти давомида яъни онтегенетик тарзда юзага келади деган хулосага келинган. Бу хусусиятларнинг таркиб топиши ва ривожланишида одамнинг ижтимоий тажрибаси унинг ҳаёти ва фаолияти шароитлари, таълим тарбия етакчи, ҳал қилувчи рольга ўйнайди деб ўргатади.

Муҳит, маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия азалдан берилган генетик жиҳатдан қатъий белгиланган нарсадир. Муҳит психикани номаён қилиш учун шароитгина бўлиб қолмай, балки инсон психик хусусиятларини таркиб топтиради. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки жамият талабларига жавоб берадиган муайян шахсий сифатларни таркиб топтириш мақсадида катта авлоднинг ёш авлодга онгли, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёни сифатида таълим ва тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Биринчидан, одам муҳит таъсири остидаги пассив объект бўлмай, балки фаол мавжудотдир. Шунинг учун ташқи ҳаёт таъсири инсон психикасини тўғридан тўғри белгиламайди, балки одамнинг муҳит билан бўлган ўзаро таъсири орқали, унинг муҳитдаги фаолияти орқали белгилайди.

Иккинчидан, психиканинг ривожланиш оқибати, натижаси ташқи шароитларга боғлиқдир. Лекин бу ривожланишни бевосита ташқи шароитдан ва ташқи вазиятдан келтириб чиқариб бўлмайди. Бу шароитлар ҳамда вазиятлар ҳамisha одамнинг ҳаётий тажрибаси унинг шахси индивидуал психологик хусусиятлари ва психик қиёфаси орқали таъсир қилади. Мана шу маънода индивид ўзига хос психикаси ва шахсий тажрибасини ўз ички муҳити хусусиятлари орқали билвосита таъсир қилади. Ўз даврида И.М. Сеченов одамнинг ҳатти-ҳаракатлари ташқи таассуротлар орқали детерминлашгани ҳақидаги тезисни илгари сурганида ташқи таассуротларни фақат муайян пайтда таъсир этиб турган мавжуд таассуротлар каби содда равишда тушунмасликни, балки аслини олганда мазкур одамнинг ҳаётий тажрибасида мужассамлашган барча аввалги таассуротлар йигиндисини назарда тутиш кераклигини уқтириб ўтган эди.

Учинчидан, одам фаол мавжудот сифатида ўзи ҳам онгли равишда ўз шахсини ўзгартириши, яъни ўз-ўзини тарбиялаш жараёни теварак-атрофдаги муҳитдан ажралган ҳолда бормайди. Ўз-ўзини тарбиялаш муҳит билан мослашган ҳолда ва муҳит билан фаол ўзаро муносабатда содир бўлади. Шунинг учун ўзини-ўзи тарбиялашда ҳам муҳитнинг таъсири кўриниб турибди. Келтирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бир хил ташқи шароит, бир хил муҳит турли болаларга, ўсмирларга, йигит ва қизларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Мактаб ўқувчиларининг психик тараққиёти қонунлари шунинг учун ҳам мураккаб, психик тараққиётнинг ўзи мураккаб ва қарама-қарши ўзгаришлардан иборат жараённинг омиллари, шу жумладан таълим ва тарбия шароитлари хилма-хил ва кўп қирралидир.

Охирида шундай хулоса чиқариш мумкинки, одамнинг ташкил топган ва системалаштирилган фаолияти унинг воситаси ҳамда шартидир. Шу пайтгача одамга мавжудот сифатида қараб келинди, лекин одамнинг биологик моҳиятини инкор қилиб бўлмайди. Чунки одам бевосита табиий мавжудотдир. Ўз-ўзидан равшанки одамнинг психик ривожланиши учун табиий, биологик имкониятлар ниҳоятда зарурдир. Инсоннинг психик хусусиятлари нормал таркиб топиши учун муайян даражадаги биологик тузилишга эга бўлган инсон мияси, инсон нерв системаси бўлиши шарт. Инсоннинг табиий хусусиятлари психик ривожланишнинг ҳаракатга келтирувчи омиллар эмас, балки дастлабки шартларидир. Мия биологик тарзда ташкил топган орган сифатида онгнинг юзага келиши учун дастлабки шартдир. Онг эса инсон ижтимоий турмушининг маҳсулидир. Невр системаси теварак-атрофдаги оламни акс эттириш учун дастлабки шартдир. Онг эса инсон ижтимоий турмушининг маҳсули бўлиб, жуда катта имкониятларига эга. Лекин тегишли қобилият фақат ижтимоий шароитдаги фаолиятда таркиб топади. Қобилият куртакларининг янги нерв системаси ва мияда баъзи бир туғма анатомик-физиологик хусусиятларининг мавжудлиги қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур табиий шарт-шароитдир. Аммо шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳали қобилиятларнинг ривожланишини таъминламайди. Қобилиятлар ҳаёт ва фаолият шароитлари, одамга бериладиган таълим ва тарбия таъсири остида таркиб топади ва ривожланади.

### **Муаммоли савол: Психик тараққиётда табиий хусусиятларнинг ўрни қандай?**

Табиий хусусиятлар тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч эмаслигига қарамай психик тараққиётга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Биринчидан, табиий хусусиятлар тараққиётнинг турли йўллари ва усуллари белгилаб беради. Инсон нерв системасининг хусусиятлари ўз-ўзича шахснинг ҳеч қандай психик хусусиятларини белгиламайди. Ҳеч бир нормал бола дадил ёки кўрқоқ, иродасиз, меҳнатсевар ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Агарда тарбия тўғри ташкил қилинса, нерв системасининг исталган типи асосида характернинг барча ижтимоий қимматли хислатларини ҳосил қилиш мумкин. Масалан, сабот-матонат ва ўзини тута билиш хислатларини нерв системасининг типи шиддатли бўлган болаларда ҳам тарбиялаш лозим ва тарбияласа бўлади. Лекин биринчи ҳолдаги болаларни тарбиялаш иккинчи ҳолларни тарбиялашга қараганда қийинроқ бўлади. Ҳар иккала ҳолда керакли сифатларни тарбиялаш йўллари ва усуллари ҳам турлича бўлади.

Иккинчи табиий хусусиятлар одамнинг бирон бир соҳада эришган ютуқлари даражасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, қобилият куртакларида туғма индивидуал фарқлар

бўлади. Шу сабабли баъзи одамлар бошқа одамлардан маълум бир фаолият имконияти жиҳатидан устун туришлари ва шунинг билан бир пайтда бир фаолиятнинг турини эгаллаш имконияти жиҳатидан эса улардан олислик қилишлари мумкин. Масалан, ўзининг мусиқий қобилияти ривожланиши учун қулай табиий куртакка эга бўлган бола бошқа ҳамма шароитлар бир хил бўлишига қарамай мусиқий қобилиятини ривожлантириши учун табиий куртакка эга бўлмаган боладан нисбатан мусиқа соҳасида тез ривожланади ва нисбатан катта ютуқларга эришади. Мана шу маънода биз машҳур америкалик психолог Д.Брунернинг ҳар бир бола ўз тараққиётининг ҳар қандай материалларини тўла ўзлаштиришга қодирдир, - деган фикрлари билан ҳеч бир келиша олмаймиз. Бизнинг ўйлашимизча масалан, биринчи синф ўқувчисини қандай генеал педагог ва методистлар ўқитмасликлари етти ёшли боланинг мияси бошланғич дифференциал ва интеграл ҳисоблашларини ёки диалектик фалсафа асосларини билишга ҳали чиндан ҳам етилган эмас. Бироқ мия тузилишининг мавқеи маълум муҳитга, таълим тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатхий асосида содир бўлади деб бўлмайди. Муҳит, таълим тарбия ва тегишли машқ мия тузилишининг органик жиҳатдан етилишини таъминлайди ва муҳитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган ҳолда ўзининг қатхий биологик жиҳатдан қонунлари асосида содир бўлади деб бўлмайди.

**Муаммоли савол: Психик ривожланишнинг умумий тендетциялари, қонуниятларига нималар қиради?**

1. Психик ривожланишнинг нотекислиги.

Бу ҳар қандай шароитда ҳатто таълим-тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари психик функциялари ва психик хусусиятлари ривожланишининг битта даражасида тухтаб турмайди. Болаларнинг ривожланишидаги айрим даврлардаги психиканинг у ёки бу йуналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароит пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик ўткинчи характерда бўлади. Масалан мактабгача ёшда айниқса нутк, ўсмирликда, илк ўспиринликда мустақил таффакур жадал ривожланади.

Психика интеграцияси- инсон психикаси ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик бирлик, мустақамлик ва доимийлик хусусиятларини касб эта боради. Масалан: алоҳида предмет ва ходисаларни тўлиқ идрок қилиш асосида кузатувчанлик шаклланади.

Психик ривожланишдаги пластиклик ва компенсация имконияти. Баъзи функциялари камчиликларини бошқа функциялар билан тулдириш.

#### **4- Мавзу: Ёш даврларни табақалаш ва ёш инқирозлари.**

Бу саволга жавоб топиш инсон психик тараққиёти табиатини тушунишга боғлиқ. Бундай нуқтаи назарлардан бирида ёш даврининг ўзгармаслиги қайд этилади. Ёш ҳақидаги бундай тасаввур психика тараққиётини табиий биологик жараён сифатида тушуниш билан боғлиқ. Қарама қарши нуқтаи назарлардан бири ёш тушунчаси умуман рад этилади. Бундай ҳолларда тараққиёт билиш ва кўникмаларни тўплашдангина иборат деб қаралади. Ҳар бир ёш даври психик тараққиётнинг махсус босқичидир ва бола тараққиётининг маълум босқичида шахс структурасидаги ўзига хосликлар мажмуини ташкил этадиган ўзгаришлар тўплами билан характерланади. Л.С.Выготский ёшни тараққиётнинг маълум даври деб қараган. Унинг фикрича 1 ёш даврдан бошқасига ўтганда илгари ёш даврида мавжуд бўлмаган янги нарса пайдо бўлади, тараққиётнинг бориши ўзгаради ва қайта қурилади. Ёш хусусиятлари кўп шароитлар мажмуи билан белгиланади. Уларга ҳаётнинг маълум босқичида болага қуйиладиган талаблар системаси ҳам, муносабатлар ҳам, у эгаллайдиган фаолият ва билимлар типи ҳам бу билимларни ўзлаштириш усуллари ҳам қиради. Ёшнинг хусусиятини белгиладиган шароитлар мазмунига бола жисмоний тараққиётининг ҳар хил томонлари хусусиятлари ҳам қиради.

Шундай қилиб, ёш даври ҳаёт шароитлари ва тараққиётнинг маълум даврида болага қуйиладиган талаблар хусусиятлари ва унинг атрофдагилар билан муносабатлари, бола шахси психологик тузилишидаги тараққиёт даражаси билан унинг тафаккури ва билимлари тараққиёти даражаси ҳамда маълум физиологик хусусиятлар мажмуи билан характерланади.

Ёш даврини атрофдагиларга муносабат тараққиёт даражаси билан билимлар, усуллар, қобилият тараққиёти даражаси ўртасидаги алоқа белгилайди. Д.Б.Элькониннинг таъкидлашича, тараққиёт жараёнининг бу 2 турли томонлар ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши кейинги ёш

даврларда муҳим ички асосни ташкил этади. Масалан, гўдаклик даврида боланинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг катталар билан муносабати орқали амалга оширилади. Бола худди шундай муносабатлар системаси сифатида маълум малакаларни эгаллайди. Унда тасаввурларнинг содда босқичлари шаклланади. Катталар билан мулоқат усуллари кенгайди, нутқи ривожланади ва бошқалар. Буларнинг бари боланинг мустақил ҳаракат қилиш имкониятларининг кенгайиши учун асос яратди. Сўнгра атрофдагилар билан муносабат усуллари ҳам ўзгаради. Бу эса психик тараққиётнинг кейинги бориши шароитини ўзгартиради. Бундай вазият ўсмирлик даврида ҳам вужудга келади. Бунда олдинги тараққиёт ютуқлари мажмуи бола ҳаёт шароитлари ўзгариши боланинг атрофдагилар билан муносабат усуллариининг ўзгаришига олиб келади.

Психологлар томонидан ёш даврларнинг табақалашларнинг назарий масалалари ишлаб чиқилган. Улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса бўлиб қўшилади, амалий ва назарий муаммоларнинг ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда.

Кийинги йилларда болалар ва мактаб ўқувчиларининг жисмоний ва психик ривожланишида **акселерация** (лотинча - «тезланиш») ходисаси рўй бермоқда.

Олимлар акселерация ходисасининг ҳам биологик ҳам ижтимоий сабабларини кўрсатмоқда.

1. Биологик сабаблари оз миқдордаги ионлашган нурларнинг ва радио тўлқинларининг таъсири қишлоқ хўжалиги ва медицинада ўсиш ва ривожланишни, стимуллаштирувчи биологик фаол моддаларнинг қўлланилиши, инсон озуқасида ҳайвон оқсил моддалари миқдорининг ошиши.

2. Ижтимоий сабаблари-ҳаёт типининг кучайиши, ҳаёт тонусининг ортиши, телевидения, радио, кино орқали боланинг ўсмирлик чоғидан бошлаб миясига йиғиладиган ғоя кўп миқдордаги информациялар, маълумот оқимининг таъсиридан иборатдир.

Хозиргача балоғатга эришиш ва жинсий етилишнинг жадаллашиши тўғрисида бир бутун илмий назария мавжуд эмас. Шунинг учун ўсишдаги жадаллашиш, яъни акселерация бўйича ҳам муайян назария яратилмаган. Ана шу боисдан ҳар хил илмий асосдаги, бир-биридан фарқли эътирозли қатор назариялар пайдо бўлган. Қўйида психолог Э.Ф.Ғозиев томонидан санаб ўтилган акселерация муаммосига оид қарашларни келтирамиз:

**Гелиоген назария.** Ушбу назария 1936 йилда чет эл олимлари томонидан яратилган бўлиб, унинг асосий моҳияти акселерация ходисаси куёш нурунинг бевосита бевосита таъсири билан вужудга келади, деган ғоядан иборатдир. Бу ғоя тарафдорларининг фикрича, болалар кўп вақт офтобда бўлиши натижасида уларнинг ўсишида тезлашиш, яъни акселерация рўй беради, чунки куёш нури организмни зарур элементлар, моддалар, озуқалар билан таъминлайди. Аммо ҳозирги даврда акселерация ходисаси жанубий (куёш нурлари сероб) мамлакатларда ҳам, шимолий географик кенгликка жойлашган мамлакатларда ҳам бир текис рўй бермоқда. Иккинчи томондан, шаҳар муҳитидаги қизлар ва ўғил болалар қишлоқ болаларига қараганда тезроқ вояга етиши кўринмоқда, ваҳоланки, қишлоқ одамлари куёш нурида кўпроқ тобланадилар. Демак, ҳозирги даврда гелиоген назария зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Умуман офтобда тобланишни акселерация жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири дейиш нотўғридир.

**Гетерозия назарияси.** 19 аср охири 20 аср бошлардан буён ижтимоий ҳаётда, турмушда кескин ўзгаришлар содир бўлгани инсонлар ўртасидаги ижтимоий, диний, миллий, ирқий тафовутларнинг кескин камайишига олиб келди. Турли миллат вакилларининг аралаш никоҳга кира бошлагани бунга ёрқин мисолдир. Диний эътиқодлар, ирқий фарқлар, этник ва миллий хусусиятлар, характер, урф-одатлар ва хоқозолар аралаш никоҳга ҳеч қандай тўсиқ бўлолмади. Ҳаёт тарзи ҳар хил мамлакатларнинг халқларига хос хусусиятлар ҳам аралаш никоҳни тўхтата олмади. Мазкур назарияга мувофиқ психик дунёдаги қайта қуришлар наслий белгилар кескин ўзгаришига сабаб бўлди, натижада фарзандларнинг ўсишида кучайиш, жадаллашиш, акселерация ходисаси вужудга келди. Бироқ мазкур муаммони илмий жиҳатдан атрофлича асослаб бериш учун юқорида таъкидланган омиллар етарли эмас.

**Урбанизация назарияси.** Жамият ривожланишида шаҳарларнинг роли ортиши бу назарияга асос қилиб олинган. 19 асрнинг ўрталаридан бошлаб қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиши авж олди, яъни аҳоли орасида миграция ёки урбанизация ходисаси юзага келди. Шаҳарнинг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятлари, ахборот тармоқларининг кенглиги, маданият даражаси, фан-техника, транспорт, маиший хизмат каби омиллар болаларнинг ақлий, ахлоқий, жинсий миҳатдан эртароқ вояга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратди. Қишлоқ аҳолиси



билан шаҳар аҳолиси яшаш муҳити ва турмуш шароитларининг яқинлашиши акселерация жараёнига ижобий таъсир кўрсатди, лекин бу омилнинг ўзи акселерациянинг сабаби бўла олмайди.

**Нутритив назария.** Бу ғоянинг туб моҳияти шуки, ўсишдаги жадаллашиш одамларнинг овқатланиши яхшиланиши, истеъмол қилинаётган озукаларда дармондорилар миқдорининг кўпайиши сабабли вужудга келган.

Ёш хусусиятлари ёшнинг энг типик ва энг характерлик бўлган ҳамда ривожланишнинг умумий йўналишини кўрсатадиган умумий хусусиятлари сифатида мавжуддир. Ушбу ғоя намояндаларининг фикрича, В-6, В-12 дармондорилари ва фолиев кислотасини одамлар кўпроқ истеъмол қилиши мазкур ҳолат намоян бўлишининг асосий омили эмиш. Табиийки, инсон ўсишининг жадаллашувида дармондорилар маълум даражада ижобий таъсир этиши туткиш, лекин мазкур омилларнинг ўзи акселерация учун муҳим ва ягона омил бўла олмайди. Шунинг учун тиббиёт ходимлари гигиеначилар, биологлар, физиологлар психологларнинг айримлари бу ғояни қўллаб қувватлайди

**Нурланиш назарияси.** Бу назария намояндаларининг фикрича, ер юзидан рентген қурилмаларининг кўпайиши, атом, водород ва нейтрон бомбаларнинг портлаши натижасида инсонда радиоактив моддалар, радиация нурланиши даражасининг сезиларли даражада ортишига олиб келади. Ер қуррасига тарқалган зарядлар билан инсон организмнинг нурланиши ўсишни кучайтиради, яъни акселерация жараёни юзага келади. Шунинг учун бу назариянинг ҳимоячилари турли хусусиятга эга бўлган нурларнинг аниқ дозаси организмга таъсир этиши, тарқалиши емирилишга сабаб бўлмаса, инсоннинг жисмоний ўсиши жадаллашиши учун имконият яратади деб ҳисоблайдилар. Медицинадан маълумки, меъридан ортик рентген нуридан фойдаланиш ҳам организм учун зарарлидир. Ана шу мулоҳазага асосланиб организм айрим қисмларининг ривожланиши нурлар билан боғлиқ экан, деган хулоса чиқариш мумкин. Баъзи илмий манбаларда пайвандлаш учун қўлланиладиган аппаратнинг ёғдуси ҳам, чақмоқдан тарқаладиган нур ҳам организмга ижобий таъсир этиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Аммо муаммони мантиқан талқин этилганда том маънодаги акселерациянинг рўй бериши учун бундай омиллар бир зарра каби роль ўйнаши мумкин.

**Ижтимоий шароитнинг яхшиланиши назарияси.** Инсонларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитларининг яхшиланиб бориши, ҳуқуқ ва эркинлик ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши, тиббий-профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши, истеъмол қилинадиган маҳсулотлар сифатининг ортиши, ота-онадан фарзандга наслий белгиларнинг бир текис ўтиши каби омиллар акселерация жараёнини тезлаштиради, деган фикр турли мамлакат олимлари тадқиқотларида кенг тарқалган. Уларнинг талқинича инсонлар турмуш шароитининг яхшиланиши, улар учун яратилаётган қулайликлар, имкониятларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларнинг мавжудлиги психик тараққиётнинг тезлашишига замин ҳозирлаши мумкин. Ушбу назарияда муаммони ёритишга атрофлича ёндошилганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳақиқатдан ҳам кишилар учун ижтимоий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилса, унинг таъсир кучи янада ортиши муқаррардир.

**Ижтимоий акселерация назарияси.** Бу илмий назариянинг асосчиларидан бири, йирик физиолог олим А.А.Маркосяннинг таъкидлашича ҳозирги замон кишисида мавжуд билимлар, ва маълумотлар ҳажмини йигирманчи аср

Таълим-тарбия шароитларида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Яъни мазкур ёшдаги болаларнинг талабларига, имкониятларига, хусусиятларига мос келадиган педагогик иш формалари, методлари ва воситаларини қўллаш тушунилади. Лекин ёш схемаси ўз моҳиятига кўра, умумий характерга эга. Ана шунинг учун ҳам мазкур ёшдаги болага, мактаб ўқувчиларига нисбатан мақсадга мувофиқ таълим-тарбия тадбирларини танлашда ёш схемасининг бир ўзи етарли эмас. Ёш хусусияти билан бирга тарбияланувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак ва ана шу индивидуал хусусиятларига мос равишда ўқувчига нисбатан индивидуал муносабатда бўлиш лозим. Таълим ва тарбиянинг вазифаси болада, мактаб ўқувчисидан, биринчидан мазкур ёш босқичида юксак ривожланиш даражасини характерлаб берадиган ва иккинчидан болани, мактаб ўқувчисини

кейинги ёш босқичига, яъни психик ривожланишнинг янада юксакроқ даражасига қонуний равишда ўтишга тайёрлайдиган психик хусусиятларини, хислатларнинг ва сифатларни шакллантиришдир.

Тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омиллариغا, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларни ана шу иккала кўрсаткич нуктаи назаридан ўрганиши ҳамда шахс хулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуклик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклик фазаси 18-25 ёшларда, интеллектуал ижодий етуклик - 35 ёшларда шахснинг етуклиги 50-60 ёшларга келиб энг юқори нуктасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди.

### **Муаммоли савол: Шахс тараққиёти қандай даврларга бўлинади?**

Шу вақтгача шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификацияларидан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади. У қуйида берилган жадвалда келтирилган.

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1-10 кун	1-10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1-2 ёш	1-2 ёш
Болаликнинг 1-даври	3-7 ёш	3-7 ёш
Болаликнинг 2-даври	8-12 ёш	8-11 ёш
Ўсмирлик даври	13-16 ёш	12-15 ёш
Ўспиринлик даври	17-21 ёш	16-20 ёш
Ўрта етуклик даври		
Биринчи босқич	22-35 ёш	21-35 ёш
Иккинчи босқич	36-60 ёш	36-55 ёш
Кексалик даври	61-75 ёш	56-75 ёш
қарилик даври	76-90 ёш	76-90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Машҳур рус психологи Выготский 1920-1930 йилларда ўзининг олий психик функцияларининг ривожланиши назариясини эълон қилди. Выготский психика тараққиётининг умумий генетик қонунини қуйидагича аниқлайди: "Бола маданий ривожланишида ҳар бир функция 2 босқичда намоён бўлади. Дастлаб ижтимоий, сўнг психологик. Дастлаб интерпсихик категория сифатида бола ичида намоён бўлади. Ҳар бир олий психик функция ўз тараққиётида ташқи босқич орқали ўтиши керак.

Россия психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Выготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндашилиши нуктаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулоҳаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқдир.

Л.С.Выготский психологларнинг ёш давларини табақалаш назарияларини танқидий таҳлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишларга таяниб, ёш давларини қуйидаги босқичларга ажратади;

1. Чақалоқлик даври инқирози.
2. Гўдаклик даври - 2 ойликдан 1 ёшгача, бир ёшдаги инқироз.
3. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - 3 ёшдаги инқироз.
4. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - 7 ёшдаги инқироз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача - 13 ёшдаги инқироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача, ёшдаги инқироз.

Л.С.Выготский ўзининг ёш давларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг муҳим психик янгиланишлар ҳақида илмий ва амалий аҳамиятга молик мулоҳазалар билдирган. Умуман Л.С.Выготскийнинг ёш давларини табақалаш назарияси илмий тарихий аҳамиятта эга, унинг ривожланишни амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги мулоҳазали ва олга сурган ғоялари ҳозирги куннинг талабларига мосдир.

Д.Б.Элькониннинг таснифи етакчи фаолият (А.Н.Леонтьев) назариясига, ҳар қайси ривожланиш палласида бирор фаолиятнинг устунлик қилиши мумкинлигига асосланади. Етакчи фаолиятнинг инсон шахс сифатида камол топишидаги роли назариянинг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин ёш давларини қуйидаги босқичларга ажратишни лозим тошди:

1. Гўдаклик даври - туғилгандан 1 ёшгача - етакчи фаолият - бевосита эмоционал мулоқот;
2. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача - етакчи фаолият - предметлар билан нозик ҳаракатлар қилиш;
3. Мактабгача давр - 3 ёшдан 7 ёшгача - рольли ўйинлар;
4. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 10 ёшгача - ўқиш;
5. Кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан 15 ёшгача - шахснинг интим (дилкаш, самимий) мулоқот;
6. Катта ўсмирлик ёки илк успиринлик даври - 16 ёшдан 17 ёшгача; - етакчи фаолият - ўқиш, қасб танлаш даври.

Д.Б.Эльконин таснифини кўпчилик психологлар томонидан эътироф этилса-да, бироқ унинг бирмунча мунозарали томонлари мавжуд. Умуман Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса ёш давлари психологиясида муҳим ўрин тўтади.

Болалар психологияси фанининг йирик намоёндаси А.А.Люблинская инсон камолотини ёш давларга ажратишда фаолият нуктаи назаридан ёндашиб, қуйидаги давларни атрофлича ифодалайди;

1. Чақалоқлик даври - туғилгандан бир ойликкача;
2. Кичик мактабгача давр - 1 ойликдан 1 ёшгача;
3. Мактабгача тарбиядан аввалги давр - 1 ёшдан 3 ёшгача;
4. Мактабгача тарбия даври - 3 ёшдан 5 ёшгача;
5. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11, 12 ёшгача;
6. Ўрта мактаб ёши даври (успирин) - 13 ёшдан 15 ёшгача;
7. Катта мактаб ёши даври - 15 ёшдан 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намоёндаси Б.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик камолотини қуйидаги босқичлардан иборатлигини таъкидлайди:

1. Чақалоқлик (туғилгандан 10 кунликкача);
2. Гўдаклик (10 кунликдан 1 ёшгача);
3. Илк болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
4. Боғчагача давр (3 ёшдан 5 ёшгача);
5. Боғча ёши (5 ёшдан 7 ёшгача);
6. Кичик мактаб ёши (7 ёшдан 11 ёшгача);
7. Ўсмирлик (11 ёшдан 15 ёшгача);
8. Илк ўспиринлик ёки катта мактаб ёши (15 ёшдан 18 ёшгача).

Юқоридаги барча таснифлар уларга қандай нуктаи назардан ёндашилганлигидан қатъий назар инсон камолотини тўла ифодалаб беришга ожизлик қилади.

Мазкур назариялар инсоннинг шахс сифатида шаклланиши босқичлари ҳақида кўпроқ маълумот беради, холос. Уларда ёшлик, етуклик, қариллик даврларининг хусусиятлари, қонуниятлари тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар етишмайди.

Ҳозирги замон психологиясининг йирик вакили АВ.Петровский инсон камолотига, шахснинг таркиб топишига ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичларда амалга ошишини таъкидлайди:

1. Илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) -туғилганидан 3 ёшгача.
2. Болалик даври - 3 ёшдан 7 ёшгача.
3. Кичик мактаб ёши даври - 7 ёшдан 11 ёшгача,
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан 15 ёшгача-
5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

АВ.Петровскийнинг таснифи мукамал бўлса-да, камолотнинг оралик босқичларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаламайди. Ваҳоланки, ўсиш ижтимоий қоидаларга мувофиқми ёки аксинча, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар иккала йўналишнинг ҳам оралик жабҳалари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Маълумки, ҳар бир ёш давр, ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади, буларга: оилада ва мактабда бола ҳолатининг ўзгариши, таълим ва тарбия шакллариининг ўзгариши ҳамда боланинг янги фаолият турлари, организмдаги айрим хусусиятларнинг етилиши сингари жараёнларни киритиш мумкин.

Ҳозирги замон психологиясида ёш даврларини шу нуқтаи назардан табақалаш мақсадга мувофиқдир:

1. Илк болалик даври -туғилгандан 3 ёшгача;
2. Боғча даври - 3 ёшдан 6, 7 ёшгача;
3. Кичик мактаб ёши даври - 6, 7 ёшдан 10, 11 ёшгача;
4. Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик даври) - 10, 11 ёшдан 14, 15 ёшгача;
5. Илк ўспиринлик (коллеж ва лицей ўқувчилари) 14, 15 ёшдан 17, 18 ёшгача.

Умуман, психологлар томонидан ёш даврларини табақалаштиришнинг пухта, илмий-методологик негизга эга бўлган қатор назарияллари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда улар онтогенетик қонуниятларни ёритишга катта ҳисса қўшиб, унинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бироқ, шундай бўлсада, ҳозир онтогенезни тўла ёритишга хизмат қила оладиган назариясини яратиш зарурияти мавжуддир.

Америкалик психолог Э.Эриксон инсоннинг умрини ўзига хос бектакрор хусусиятларга молик 8 та даврга ажратади.

Биринчи давр – гўдакликда ташқи дунёга онгсиз “ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонқуярлигидир. Агар гўдакда ишончнинг негизи пайдо бўлмай, борлиққа ишончсизлик ҳисси туғилса, вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик вужудга келиши шубҳасиздир.

Иккинчи давр – илк болаликда ярим мустақиллик ва шахсий қадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг тескариси – уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши унга ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, бўлғуси шахс хусусиятларидан тартиб ва интизом, махсулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Учинчи давр – ўйин ёши деб аталади ва унга 5-7 ёшли болалар киради. Бу даврда ташаббус туйғуси, қандайдир ишларни амалга ошириш, бажариш майли таркиб топади. Мабодо боладаги хоҳиш-истакни рўёбга чиқариш йўли тўсиб қўйилса, бунинг учун у ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур даврда давра, яъни гуруҳ ўйинларга, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамият касб этади: бола турли рольлар бажариб кўришига, унинг ҳаёлотли ўсишига имкон яратади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр – мактаб ёши боладаги асосий ўзгаришлар: кўзлаган мақсадига эришиш учун интилиш, уздабуронлик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим кадрияти омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Бу ёш даврининг салбий жиҳатлари ҳам

бўлиб, улар ижобий ҳислатлари етарли бўлмаслиги, онг ҳаётининг барча қирраларини қамраб ололмаслиги ва ҳоказолар.

Бешинчи давр – ўспиринлик бетакрорлик ҳислати, ўзига хослиги бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади. У ижтимоий ҳаётда бажараётган рольларнинг кўлами кенгайди, лекин барчасини эгаллаш имкониятига эга бўлмайди. Шунингдек рольларда ўзини синаб кўриш билан чекланади. Вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген жараёнларни намоён бўлиши хосдир.

Олтинчи давр – ёшлик, бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобиляти ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Бунда айниқса жинсий майл алоҳида ўрин тутади. Бундан ташқари, ёшлик танҳоликни ёқтириш ва одамовилик каби ёқимсиз хусусият билан фарқланади.

Еттинчи давр – етуқлик даврида ҳаётининг фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатда, ижодиётда, ғамхўрликда пушт қолдиришда, тажриба узатиш ва бошқаларда) махсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади.

Саккизинчи давр – қарилик, инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, турмушнинг кенг қамровлигидан қаноатланиш туйғулари билан характерланади. Салбий хусусият сифатида эса ҳаёт фаолиятдан ноумидлилиқ, кўнгил совуш туйғулари хос. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлиш уларга хос энг муҳим хусусиятлардир.

Француз психологи А.Валлон нуқтаи назарича ёш давлари қуйидаги босқичларга ажратилади:

Хомиланинг она қорнидаги даври;

Импульсив ҳаракат даври – туғилгандан 6 ойгача;

Эмоционал (ҳис-туйғу) даври – 6 ойликдан 1 ёшгача;

Сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври – 1 ёшдан 3 ёшгача;

Персонологизм (шахсга айланиш) даври – 3 ёшдан 5 ёшгача;

Фарқлаш даври – 6 ёшдан 11 ёшгача;

Жинсий етилиш ва ўспиринлик даври – 12 ёшдан 18 ёшгача.

### **Ёш давлар инқирозлари**

Шахснинг камол топиши мураккаб жараён эканлигини унда ёш ўсиши билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган ўзгаришлар ва янгилианишларнинг хилма-хиллиги ҳамда ўзига хослигида кўриш мумкин. Маълумки ёш ўсиши билан бола фақат миқдор жиҳатлар эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсиб боради. Демак боланинг биологик жиҳатдан ўсиши унинг психикасида ҳам ўсиш ва ўзгаришларга сабаб бўлади. Аммо биологик ўсиш билан психик ўзгаришлар ҳар доим ҳам мутаносибликка эга бўлавермайди. Чунки психик ўсиш бир томондан индивидуаллик характериға эга бўлса, иккинчи томондан у маълум ижтимоий ва психик шарт-шароитларға ҳам боғлиқ бўлади.

Болада содир бўладиган психик ўсиш, ўзгариш реал ҳаётда ўз ўрни ва мавқеиға эга бўлиши бироз мураккаброқ кечади. Бунинг сабаби бир томондан болада ҳали етарлича тажрибанинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан катталарнинг боладаги эҳтиёж ва интилишлари ортида турган ривожланиш хусусиятларини тўлиқ англаб етмасликларидадир. Натижада эса болалар ва катталарнинг муносабатларида кескин вазиятлар вужудга келади. Бундай вазиятлар туфайли болалар ва катталарнинг бошдан кечирадиган психик кечинмалари, ҳолатлари психологик тилда **инқироз** тушунчаси билан ифодаланади. Демак, инқироз тушунчасининг мазмуни психик ўсишдаги зиддият, қарама-қаршилиқдан иборат. Бу жараёнда болалар билан катталар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади.

Инқироз болаларда хилма-хил эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши билан уларнинг қондирилиши имкониятлари ўртасида тўсиқ сифатида вужудга келар экан албатта унинг таъсирида у ёки бу томонға ўзгариш рўй беради. Масалан, маълум таракқиёт босқичида болада вужудга келган мустақил ҳаракат қилиш эҳтиёжи уни мустақилликка эришиши учун туртки бўлиб хизмат қилади ва бола муайян даражада мустақилликка эришади. Иккинчидан, катталарнинг бу жараёнда йўл қўйиши мумкин таълим ва тарбиявий ҳатолари оқибатида улар руҳиятида айрим салбий иллатлар пайдо бўлиши мумкин. Демак инқирозни на салбий ва на ижобий жараён деб

баҳолашга тўғри келади. Шу туфайли ота-оналар, тарбиячилар ва педагоглар бундан тўғри хулоса чиқарган холда болалар билан инқироз даврларида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Ёш даврлар психологиясида асосий инқироз даврлари сифатида болаларнинг 3 ёшли, 7 ёшли ҳамда ўсмирлик даври инқирозлари алоҳида эътироф этилади.

Уч ёшли болага тўғри тарбия бериш, таъсир ўтказиш, уларнинг ҳаракатларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали уларда мустақил холда овқатланиш, кийиниш, ювиниш, ўз ўрнини йиғиштиришга айрим топшириқ ва вазифаларни пухта бажаришга ўргатиш мумкин. Психолог олимларнинг таъкидлашича боланинг уч ёшгача ўсишида эришган ютуқлари унинг хулқ-атворини, билиш жараёнларини сифат жиҳатдан анча ўзгартириб юборади. Шунга қарамай, боланинг ўсишида катталарнинг таъсири, роли етакчилигича қолаверади, лекин аста-секин ўсиб бориши боланинг мустақилроқ бўлишини таъминлайди.

Боланинг мустақиллиги фақат унинг жисмоний ҳамда ақлий имкониятида, кучи етадиган жараёнга нисбатан ўз муносабатини катталарнинг кўмагисиз амалга оширишида эмас, балки ўзининг куч қуввати, қурби етмайдиган, муайян амалий кўникмаларини эгаллай олмаган турмуш муаммоларини ҳал этишда ҳам кўринади.

Психологлар Н.А.Менчинская, В.С.Мухиналарнинг таъкидлашларича, бу даврдаги зиддиятда болалардаги инжиқликларнинг бош омили атрофдаги одамларнинг улар шахсига адолатсиз, нотўғри, менсимай муносабатда бўлишидан иборатдир.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини ўрганган А.Н.Голубеванинг фикрича, ноқулай шароитда болага тарбиявий таъсир кўрсатиш унда ўжарликни пайдо қилади. Шунингдек бу ёшдаги болаларнинг ўжарлиги доимий бўлмайди, масалан ўз тенгдошларига нисбатан ўжарлик қилиш аҳён-аҳёндагини рўй беради. Улар асосан катта ёшдаги одамларга, шунда ҳам муайян тарбиячига ёки оила аъзоларининг бирортасига ўжарлик қиладилар. А.Н.Голубева болалардаги ўжарлик барқарор эмаслиги сабабли унинг олдини олиш мумкинлигини уқтириб ўтади.

А.П.Лариннинг тадқиқотларида эса ноқулай ва номақбул тарбиявий шарт-шароитларда қайсарлик жуда эрта, ҳатто уч ёшда ҳам пайдо бўлиши ифодаланган. Дастлаб бу хусусият баъзи-баъзида рўй беради, лекин у ҳеч қачон барча катта ёшдаги кишиларга қаратилган бўлмайди, яъни унинг объекти алоҳида шахс ҳисобланади.

Аммо бола характерининг бу сифати муҳитнинг нотўғри таъсири оқбатида бирор даражада барқарорлашса, кейнчалик кўпчиликка қаратилган, умумлашган шаклга айлана бошлайди. Ўжарлик бир гуруҳ одамларга йўналганлигини ҳам учратиш мумкин.

А.П.Лариннинг тўплаган маълумотларига кўра, ўжарликнинг асосий сабаблари – боланинг мустақиллигини чеклаб қўйиш, эркинлик туйғуси ва ташаббусни сўндириш ва унинг онгини (англаш суратини) камситишдан иборат.

Мазкур омиллар боланинг катталарга муносабати негизини ташкил қилади ва унинг психик ўсиши давомида муайян даражада ўзгариб боради. Уларнинг ўзгариши катталарнинг болага у эришган камолот босқичини ҳисобга олиб, оқилона муносабатда бўлишига боғлиқ.

Бола хулқида муайян шароитнинг таъсири билан пайдо бўлган ўжарлик ва ножўя қилиқлар мавжудлиги, унинг психикасида жиддий ўзгариш рўй берганини, энди болага унинг ҳозирги ўсиш даражасини ҳисобга олиб, муносабатда бўлиш зарурлигини билдиради.

Боланинг психикасида вужудга келадиган инқирознинг сабаблари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- катталар боланинг жисмоний ва ақлий имкониятларини ҳисобга олмасликлари;
- хоҳиш ва истакларини мустақил холда турмушда қарор топтиришга интилишларига тўсқинлик қилишлари;
- айрим кўзга ташланган қийинчиликларни бартараф қилишга ўринишларига йўл қўймасликлари;
- бола ўз холича иш тутишини чеклашлари.

Катталар болаларнинг раҳйига, мустақиллигига қарши турмасдан, мумкин қадар истагига, интилишига ёрдам берсалар, унинг шахсини шакллантириш жараёнидаги қийинчилик ўз-ўзидан барҳам топади, низо ёки ихтилофнинг олди олинади.

Оилада, мактабгача тарбия муассасаларида шахслараро муносабатлар илмий асосда курилиб, муайян қоидаларга суянилса ва педагогик одоб доирасидан четга чиқилмаса, юкорида айтилган зиддиятлар юзага келиши мумкин эмас.

Ўжарлик, қайсарлик, катталарга итоатсизликнинг вужудга келиши – боланинг катталарга қарамликдан қутулишга ўриниши ва кичик мактабгача ёш давридан мактабгача ёш даврига ўтишнинг ташқи ифодаси ҳисобланади. Мустақилликка интилиш мазкур ёш давридаги ўзгаришлар, янгиланишлар, яъни шахсий ҳатти-ҳаракатни ва “мен ўзим”ни англашнинг маҳсули сифатида юзага чиқади.

Кўпчилик психологларнинг тадқиқотларидан маълумки, болалар мазкур инқироз даврида бир нечта кўринишдаги қайсарликни намоён этади. Ана шундай кўринишларнинг биттаси биз назарда тутган 3 ёшли инқирозга тўғри келади. Шу даврда унинг руҳий дунёсида сифат ва миқдор жиҳатдан турли ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар унинг оламни бошқача кашф қилаётганига, психикаси маълумот ва ахборотлар билан кун сайин бойиб бораётганлигига боғлиқдир. Айти шу ёшда боладаўз иродасига ишонч ҳисси туғилади, у ўзлигини англай бошлайди. Ўзлигини англаш қарама-қаршиликларни, зиддиятларни енгиш билан амалга ошади.

Психик ўсишнинг бошқа даврларида рўй берадиган инқироз даври ҳам худди шундай тарзда кечади, аммо турли даврда инқирозларнинг сабаблари турлича бўлади. Жумладан: кичик мактаб ёшида содир бўладиган инқироз кўпроқ боланинг ўқув фаолияти жараёни ва унинг кечиши билан боғлиқ ҳолда кечади.

Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги аҳволни ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Таълим муайян даражада уюшқоқлик, интилиш, иродавий зўр бериш, фаоллик ва мақсадга мувофиқ фаолиятни талаб этади. Ихтиёрсиз ҳатти-ҳаракат ўрнини англашилган, режали, ақлий меҳнат эгаллай бошлайди. Таълим жараёнида ўқувчи олдига қўйиладиган талаблар тобора кўпайиб, мураккаблашиб бораверади.

Ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий хислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақазо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Ёш даврлар таракқиётида ўсмирлик даври алоҳида аҳамият касб этади. Ўсмирлик даври тақлидчанлиги, муқим нуқтаи назарнинг шаклланмаганлиги, ҳиссиётлиги, мардлиги, тантилиги билан фарқланади. Шунинг учун ташқи таъсирларга берилувчан ўсмир ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўсмирлик даврида болалик ҳолатидан катталиқ ҳолатига ўтиш содир бўлади.

Ўсмирнинг психик ўсишини ҳаракатга келтирувчи куч – унинг фаолиятини вужудга келтирган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасида қарама-қаршиликлар тизимининг намоён бўлиши ётади. Мана шу диалектик қарама-қаршиликлар ортиб бораётган жисмоний, ақлий ҳамда ахлоқий имкониятлар билан барқарорлашган, стеритипга айланган ташқи оламни акс эттиришнинг шакллари ўртасида содир бўлади. Вужудга келган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста секин йўқотиш мумкин.

Веналик психолог З.Фрейд ва унинг шогирдлари ўсмирлик даврини баҳолашда инсонга азалдан берилган қандайдир илк майл нишонаси сифатида вужудга келадиган ўз мавқеини белгилашга онгсиз интилиш деб ҳисоблайдилар.

Айрим психолог олимлар эса ўсмирликни биогенетик ўсишнинг биологик омилларига, яъни жинсий етилишга алоҳида аҳамият берадилар. Уларнинг фикрича, ўсмирнинг психик жиҳатдан инқирозга етакловчи, ҳаяжонга солувчи субъектив ички кечинмалари ўғил ва қиз болаларда ўзига хос ҳолатни юзага келтиради. Ўсмир учун характерли ҳисобланган норозилиқ, қўполлик, қайсарлик, шафқатсизлик, тажанглик, гинахонлик каби иллатлар жинсий етилишнинг

махсули, янги туйғулар, майллар, кечинмалар ўсмир хатти-ҳаракатларида хукмрон бўлиб, унинг хулқ атворини белгилайди деб хисоблайдилар.

Турли ёш даврларда рўй берадиган инқирозлар хусусида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ёш тараққиёти жараёнида содир бўладиган ҳар қандай инқироз бола руҳиятида у ёки бу психик ўсиш, янгиланиш ва ўзгаришларнинг сабабчиси ва рўёбга чиқарувчи воситаси сифатида намоён бўлади.

### **Ақлий қобилиятнинг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариши.**

Ақлий қобилиятларнинг индивидуал асослари ўртасидаги тафовутлар каби унинг ёш тараққиёти билан боғлиқ тафовутларининг мавжудлиги ҳам шубҳасиздир. Яъни инсон психикасининг онтогенездаги тараққиёти бир-бири билан боғланган бир ривожланиш босқичидан иккинчи сифат жиҳатдан фарқ қилувчи босқичга ўтиш жараёнини ифодалайди. Бу ўзгарувчан даврлар, тараққиётнинг босқиччилиги – узлуксиз жараённи шартли бўлиш натижаси эмас, балки бу объектив реалликдир.

Ақлий қобилиятнинг ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиши масаласи қатор психологлар томонидан қайд этилган. Аммо таълим амалиётида бу муаммо чуқур таҳлил этилиб, турли ёшда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб бориш бўйича ишларни талаб даражасида ҳал этилган деб айта олмаймиз. Ақлий қобилиятларнинг ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиши қонуниятларини билиш турли ёш даврларда ақлий қобилиятларни мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш имкониятларини очади.

Ақлий қобилиятларнинг ёшга боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича психология жуда бой тажрибага эга. Чет эл психологларидан Ж.Пиаже, Д.Келли, А.Валлон, Рус психологларидан Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович, В.А.Мухина, Э.А.Голубева, Н.С.Лейтес, ўзбек психологларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, З.Т.Нишанова ва бошқалар тафаккур ва ақлий қобилиятнинг ёшга боғлиқлигини турли йўналишларда ўрганганлар. Жумладан таниқли ўзбек психологи Э.Ғ.Ғозиевнинг «Тафаккур психологияси» номли асарида бу борадаги тадқиқотлар кенг ёритилган. Швецариялик психолог Ж.Пиаже интеллект муаммосига ўз шахсий нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндошган. Ж.Пиаже интеллект назариясини иккита муҳим жиҳатга, яъни интеллект функциялари ва интеллект даврларига ажратади. Ж.Пиаже мулоҳазасига кўра, интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш) киритилган бўлиб, улар интеллектнинг функционал инвариантлари деб юритилади. Шунингдек муаллиф интеллектнинг қуйидаги ривожланиш босқичларини ажратиб кўрсатади:

1. Сенсомотор интеллект даври (туғилгандан 2 ёшгача);
2. Операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача);
3. Конкрет (яққол) операциялар (ақлий ҳаракатлар даври 7, 8 ёшдан 11, 12 ёшгача);
4. Формал (расмий) операциялар (ақлий ҳаракатларни мақсадли амалга ошириш даври).

Ж.Пиаженинг фикрига кўра интеллектнинг ўсиши болада нутқ пайдо бўлишидан илгари бошланади. Интеллект (ақлий қобилият)нинг қуртаги боланинг дастлабки тартибсиз хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Кейинчалик мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар актини амалга ошириш натижасида интеллектнинг генетик илдизини ўрганиш учун муҳим имкониятлар яратилди. Ж.Пиаже конкрет операциялар даври предметлар билан алоқалар ўрнатишдан иборат эканлигини таъкидлаб, психология илмида олға силжиш ясади. Формал (расмий) операциялар даврига тасниф берилганда эса предметлар билан алоқа қилиш йўқолиб бориши қайд этилади. Шунингдек интеллектнинг ўсиши инсоннинг операциялар системаси билан қуролланишидан иборат, ҳамда интеллект даврининг ўзаро ўрин алмашилиши тафаккур ўсишини билдиради, даврнинг кетма-кетлиги эса ривожланишнинг ички қонуниятларини ифодалайди-деб таъкидлайди.

Таниқли рус психологи Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьевларнинг ишлаб чиққан концепциясига биноан инсоннинг онтогенезда тараққий этиши жараёнида ташқи фаолият (хатти-ҳаракатлар) аста – секин ички хатти-ҳаракатларга, яъни ақлий ҳаракатларга айланади. Бошқача сўз билан айтганда, ташқи аломатлар ички аломатларга ўтиши содир бўлади. Ташқи фаолиятнинг ички фаолиятга ўтиши шуни билдирадики, ўқувчи бу даврда жараённинг тузилишини ўзлаштиради, ташқи билимлардан қандай фойдаланиш қоидаларини эгаллайди.

А.Н.Леонтьев, Л.С.Выготский ғоясини ривожлантириб, мазкур ҳолатни тажриба йўли билан ўрганиб, ўқувчида янги ақлий ҳаракатни вужудга келтириш учун, энг аввало уни ташқи ҳаракат тузилиши билан таништириш зарур, фақат ана шундагина ушбу ҳаракатни бир



даврининг ўзида экстериоризациялаштиришни таъминлаш мумкин, деган хулосага келади. Ҳаракатни экстериоризациялаштирилган шаклда, унинг ёйик, ташқи шаклда тавсия қилинаётган ҳаракат шакллани бошлайди. Дастлабки ўзлаштиришдан кейин, ҳаракатни аста-секин ўзгариш жараёнининг натижасида умумлаштириш вужудга келади, уни амалга ошириш таркибларининг қисқариши ва даражасининг ўзгариши билан ажралиб туради. Демак у ички ҳаракатга айланиб, боланинг дилига батамом жо бўлади.

Ҳар бир ёш давр тафаккур ва ақлий қобилиятнинг намоён бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос объектив ва субъектив шарт-шароитларни юзага келтиради. Бу борада психолог С.Л.Рубинштейннинг «Инсон психикасининг ривожланиши ижтимоий, тарихий, биологик ва нейродинамик жиҳатдан шартланганлик характериға эға» деган фикри ўринлидир. Жумладан боланинг нутқни эгаллагунга қадар бажарадиган ақлий ҳаракатлари тафаккурнинг табиий ва ижтимоий-тарихий шартланган холда ўсишини ифодаласа, нутқни эгаллагандан сўнг содир бўладиган ақлий ўзгаришлар ва ақлий ўсиш ижтимоий шарт-шароит ҳамда мақсадға йўналтирилган таълим-тарбия махсули эканлигини характерлайди.

Маълумки тафаккурнинг мавжудлиги нарса ва ходисаларнинг мазмунини тушуниш билан изоҳланади. Илк болалик ёши даврида сўз билан предмет ўртасидаги алоқа, боғлиқликни тушуниш жараёни содир бўлади, яъни тушунишни энг қулай (сензитив) даври бир ёшдан бир ярим ёшгача бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда болалар предмет ва жисмларнинг номларини энгил ўрганиши учун шарт-шароит мавжуд бўлади. Илк болалик даврида амалий ҳаракат тафаккури шаклланади, жисмлар билан турли ҳаракатларни ўзлаштиришда улардаги муҳим ва ўзгармас аломатларни ажратиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Бу даврда болада «Мен ўзим» концепциясининг вужудға келиши шахсий фазилатлар билан бир қаторда ақлий имкониятларнинг ҳам юзага чиқиши учун шароит яратади.

Психолог Э.Ғозиев мактабгача ёш даврда ақлий ўсиш муаммосини таҳлил қилиб психолог Ж.Пиаженинг боланинг ўйинда жисмларға янги ном бериши омилини ақлий ўсишнинг рамзий маъноли тафаккур шаклланишининг таянчи сифатида қарашиға эътироз билдиради ва нарсанинг номини ўзгартириш билан болада тафаккур ва ақл заковат ўсишини кутиш мантиққа зид деб ҳисоблаб, аслида нарсаларни қайта номлаш эмас, балки ўйин ҳаракатларининг хусусиятини ўзгартириш боланинг ақлий ўсишиға сезиларли таъсир ўтказа олади деган хулосаға келади.

Ҳақиқатдан ҳам мактабгача ёш даврда ўйин фаолияти жараёнида болаларда ҳаракатнинг янги кўриниши, яъни унинг фикрий, ақлий жиҳати намоён бўлади. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки бу ёш даврда боланинг ақлий камол топишида ўйин фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айнан ўйин фаолияти билан шуғилланиш ақлий ўсиш учун шарт-шароит ҳисобланади.

Олимларнинг таъкидлашича кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккури таълим жараёнида жуда кўп ўзгаришларға учрайди.

Машҳур рус психологи Л.С.Выготский кўрсатиб ўтганидек, идрок ва хотира мактаб таълими бошланиши олдидан анчагина тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлади, кичик мактаб ёшидаги даврда эса интеллект (ақл) жадал тараққий этади. Тафаккурнинг ривожланиши идрок ва хотирани сифат жиҳатдан қайта ўзгаришға, уларни ихтиёрий ва бошқариладиган жараёнға айланишға олиб келади. Вўгосткийнинг кўрсатишича мактаб ёшиға бола идрок ва хотира функциясиға нисбатан кучсиз интеллект функцияси билан қадам кўяди. Бироқ интеллект шундай ривожланадики, на хотира ва на идрок бундай ривожланишни ўз бошидан кечирмайди.

Бу ерда таълим мазмуни ва мотивларининг стимуллаштирувчи роли, ўқитувчининг таълим-тарбия процессини ташкил қилувчилик роли хусусан яққол кўзға ташланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқув жараёни ҳар хил йўсинда ташкил қилинганда, таълим мазмуни ўзгартирилганда, ўқитишнинг турли усулларига қараб кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккури ниҳоятда хилма-хил характеристикаға эға бўлиши мумкин.

Кичик мактаб ўқувчиларида тафаккур операциялари ривожланиши конкрет нарса ва ходисаларнинг кўргазмали хусусиятлари ва сифатларига асосланган холда кечади, яъни бу даврда ўқувчилар тафаккури конкрет операциялар босқичида туради.

Шундай қилиб, кичик мактаб ўқувчиси таълим фаолияти жараёнида конкрет тафаккурга эга бўлиб боради, яъни нарса ва ходисаларни ташқи томондан билишдан аста секин уларнинг моҳиятини билишга, муҳим хусусият ва белгиларни тафаккурда акс эттиришга ўтади. Бу даврнинг яна бир муҳим жихати айнан шу даврдан бошлаб, яъни таълим фаолиятининг етакчилик ролидан фойдаланиб ўқувчилар тафаккури ва ақлий қобилиятларини таълим жараёнида мақсадли ривожлантириш ва жиддий психокоррекцион ишларни олиб бориш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлади.

Психологияда ўсмирлик ёшининг характеристикаси ҳақида сўз юритилганда асосан гап шахснинг ақлий тараққиёти ўтиш даври билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммолар юзасидан боради. Ўсмирлик ёшида билиш жараёнларининг тараққиёти ҳамда ақлий тараққиёт муаммоларига бағишланган ишлар мавжуд, ammo улар бармоқ билан санарли даражада бўлиб муаммони атрофлича ёритиб бериш учун етарли эмас.

Ўсмирлик даврида ақлий имкониятларнинг ўсишида уларнинг воқеа ходисаларга нисбатан онгли муносабатда бўлиши ҳамда ўқишга бўлган муносабатлари даражасининг кучайиши ҳам таъсир кўрсатади. Бу омил уларнинг ўқиш фаолияти мотивларининг мураккаблигида намоён бўлади, яъни ўсмирларнинг ўқиш фаолияти мотивлари таркибига кенг ижтимоий мотивлар (билим олишнинг ижтимоий жихатдан муҳим эканлигини англаш, мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрланиш учун ўқишнинг зарурлиги) билан муваффақиятга интилиш, иззат нафс билан боғлиқ бўлган билиш мотивлари ҳамда шахсий мотивлар (обрў қозонишга интилиш, раҳбарлик ролини ўйнаш ва хоқозо) бирга қўшилиб кетган бўлади.

Ўсмирлик даврида ақлий тараққиётда муҳим силжишлар юз беради. Бу даврда фикрлаш фаолиятининг асосий хусусияти абстракт тафаккур қобилиятининг ўсиб бориши билан бир қаторда воқеликни тўғри ва аниқ, мантқан акс эттириш учун тафаккурнинг конкрет образли тури ҳам тафаккурнинг умумий структурасида муҳим роль ўйнашда давом этади. Шунингдек бу даврда ақлнинг муҳим сифатларидан тафаккурнинг танқидийлиги сезилари даражада тараққий этиши характерлидир. Шунингдек психологик адабиётларда ўсмирлик даври актив, мустақил, ижодий тафаккурнинг таркиб топиши учун сензитив давр эканлиги таъкидланади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ўсмирлик даврида ақлий қобилиятларни ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улардан тўғри фойдаланиш бизнинг назаримизда бу даврда содир бўладиган айрим салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши табиийдир.

Тадқиқот ишимиз илк ўспиринлик ва ўспиринлик ёш даврида ақлий қобилият диагностикаси ва психокоррекциясига бағишланганлиги туфайли айнан шу ёш даврда ақлий қобилиятларнинг ўзига хос тарзда ривожланиши ва намоён бўлиши хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилишни лозим топдик.

Маълумки ўспиринлик ёш даврида болалар умумий таълим мактабининг юқори синфларида, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлирида таълим фаолиятини давом эттирадилар. Илк ўспиринлик даврида ўқувчининг мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчилик ҳисобланади. Бу даврда ўқувчи ақлнинг танқидийлиги вазиятга қараб ўзгарувчан характер касб этади. Бунинг асосий сабабларидан бири – воқеликнинг моҳиятини илмий жихатдан тўғри тушунмасликдир. Шунингдек ўспириннинг «ўз позицияси»да бўш келмаслиги, нарса ва ходисаларнинг асл моҳиятини англаб туриб, баъзан атайлаб «ўжарлик» қилиши ҳам бу ҳолатнинг бир кўриниши ҳисобланади. Э.Ғозиев таъкидлашича, «уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақлнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос типологик хусусиятларига, ақлий камолот даражасига, билимлари савиясига, мулоҳаза доирасининг кенглигига, нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқшининг хусусият ва даражасига, ақлий фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим».

Ўспирин ақлий қобилиятининг асосини тафаккурининг қуйидаги сифатлари ташкил этади: мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги. Тафаккур мазмундорлиги ўспирин онгида теварак атрофдаги воқелик бўйича мулоҳазалар, муҳокамалар

ва тушунчалар қанчалик жой олганлигига боғлиқ бўлади. тафаккур чуқурлиги эса моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, ўзаро боғланиши ва муносабатларининг фикрлаш жараёнидаги тўлиқ акс этиши тушунилади. Тафаккурнинг ташаббускорлиги ўспириннинг ўз олдига янги ғоя, муаммо ва вазифалар қўйиши, уларни амалга оширишда самарадор воситаларни қўллашида намоён бўлади. ўспирин тафаккурининг тезлиги берилган саволга тўлиқ жавоб бериш учун сарфланган вақт билан белгиланади ва у фикрлаш учун зарур материалларнинг хотирада мустаҳкам сақланганлигига, унинг тез ёдга тушира олишга, муваққат боғланишнинг тезлигига, турли хис-туйғуларнинг мавжудлигига, диққати ва қизиқишига, билим савиясига, қобилиятига, эгаллаган кўникма ва малакаларига боғлиқ бўлади.

Талабалик йилларида ўспирин биологик жихатдан баркамоллик, ижтимоий нуқтаи назардан етуклик, жисмонан бақувватлик босқичига кўтарилади. Бу даврда илк ўспиринлик даврида вужудга кела бошлаган тафаккурнинг мустақиллик, теранлик, ихчамлик, ташаббускорлик, танқидийлик сифатлари кун сайин такомллашиб, янги-янги сифат ва аломатлар билан бойиб боради. Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш ақл-заковатнинг муҳим жихатлари тараққиётнинг янги босқичига кўтарилади.

Талабалар тафаккури асосан ўқиш, амалий машғулот ва мустақил билим олиш фаолиятларида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Олий таълимдаги мустақил ишларнинг барчаси: конспект тузиш, реферат, аннотация, тезис, семинарга тайёргарлик, курс ва битирув ишлари ёзиш талабадан мустақилликни ижодий ёндошишни талаб этади. Бу даврда таълим жараёнида фикр юритиш жараёнларидан унумли фойдаланиш эвазига ҳар қандай мураккаб билимларни эгаллаш имконияти вужудга келади. Талабалар тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш)нинг функционал ва операционал жихатлари билан яқиндан танишадилар, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш учун барча интеллектуал, ақлий захираларини ишга солишга ҳаракат қиладилар.

Юқоридаги мулоҳазаларга қарамадан табалар тафаккурида субъектив-шахсий хусусиятга эга бўлган заиф жихатлар мавжуддир, яъни фикр юритиш фаолиятини назорат қилишда бу даврда қатор камчиликларга йўл қўйилади. Тафаккурнинг танқидийлик ва ташаббускорлик сифатларида айрим нуқсонлар учрайди. Шунингдек талабаларнинг интилиши билан ўз-ўзини баҳолаш ҳамда ақлий тараққиёт ўртасидаги муносабат мутаносибликка, ўзаро уйғунликка эга эмас (бу ҳолат бизнинг тадқиқотларимизда ҳам кузатилди). Шу туфайли имконият билан орзулар ўртасида зиддият вужудга келади, натижада оқиллик ўрнини ғайрлик эгаллай бошлайди. Бундай салбий, хиссий кечинманинг олдини олиш учун таълим жараёнида махсус тренинглardan фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Тадқиқот ишимизда илк ўспиринлик ва ўспиринлик ёш давридаги ақлий имкониятлар ва улардан самарали фойдаланишдаги номутаносибликларни таҳлил қилиш ҳамда улар ўртасида ўзаро мутаносибликни шакллантириш мақсадида психодиагностик ва психокоррекцион тадбирлар амалга оширилди.

### **ЧАҚАЛОҚЛИК ВА ГЎДАКЛИК ДАВРЛАРИ**

Боланинг она қорнидаги ўсиш даври онанинг организмга узвий боғлиқ ҳолда кечади. Чақалокнинг туғилиши сифат ўзгариши ижтимоий ривожланишнинг янги кўриниши бошланадиган нуқта эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли туғилиш табиатнинг чақалок организмни кучли ларзага келтирувчи мўжизасидир. Бунда она қорнидаги барқарор муҳитда яшаган жонзот фавқулотда янги шароитга, сон-саноксиз хосса ва хусусиятларга эга бўлган кўзғовчилар доирасига тушади.

Чақалоклик даврида ана шундай янги муҳитга мослашиш жараёни амалга ошади.

Гўдакнинг ҳаётини фаолияти ва тарихи уни қуршаган, парваришлайдиган катта ёшдагиларга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг барча эҳтиёжи ва талаблари фақат катталар томонидан қондирилади. Катталар гўдак учун яратган объектив ва субъектив шарт-шароитлар унинг ўсишини белгиловчи муҳим туртки вазифасини ўтайди. Атроф-муҳитнинг хусусият ва хоссаларини катталар гўдакнинг психик дунёсига сингдирадилар. Шиқилдоқларнинг шакли, ранги, хар-хил ўйинчоқлар ва хокозоларни боланинг диққатига хавола қилиш, унда жисмлар

тўғрисида тасаввур образларни яратади, гўдакнинг хиссий билиш органлари эса уларни акс эттиради. Ўзаро мулоқот жараёнида жисмларни ушлашга ўргатиш машқлари натижасида гўдак «Таниш» жисмларга талпинадиган уларга қўл узатадиган бўла бошлайди, унда ранг ва шаклни фарқлаш имконияти туғила бошлайди.

Тасаввур ўтказишнинг мураккаб босқичида бола катталар ёрдамида ўтириш, тик туриш, овқатланиш, қуролбўлардан тўғри фойдаланиш, узлуксиз ва мазмунли ҳаракатларни амалга оширишни ўрганади. Шунинг учун акс эттириш қайси босқичда бўлишидан қатъий назар, бевосита йўл билан амалга ошади. Умуман гўдаклик даврининг дастлабки босқичида оламдаги барча ашёлар, жисмлар тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлади. Мазкур даврнинг аксарият босқичларида гўдакда билим ва тажрибаларни, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш имкони бўлмайди.

Гўдаклик даврининг хусусиятларини ўрганган Л.С.Выготский «Гўдаклик даври» асарида боланинг воқеъликка муносабати дастлаб ижтимоий муносабатдек туйилиши, ана шу жиҳатдан жонзот дейиш мумкинлигини уқтиради. Гўдак табиий, биологик жиҳатдан онадан ажраган бўлса ҳам, аслида у билан ижтимоий боғлиқлигича қолади.

Гўдакнинг бир ёшгача давридаги психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар мавжуд. Шулар орасида Н.Л. Фигурин, М.П. Денисова, М.Ю.Кистьяковская, А.Валлон, Д.Б.Эльконин, Е.А.Аркин, С.Фаянс, Ш.Бюлер, Ф.И. Фрадкиналарнинг асарлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

С. Фаянс тажрибасида гўдакка чиройли ва жозибадор уйинчоқлар 9 см масофадан кўрсатилганда у бутун вужуди билан уларга интилан кейинчалик оралик 60 см бўлганда боланинг интилиши, қўл чўзиши сустлашган, ва ниҳоят улар 100 см дан кўрсатилганда болада интилиш, чўзилиши, ихтиёрсиз ҳаракати мутлақо сўнган. У ўйинчоқ билан бир қаторда турган катта кишига ҳам ана шундай бефарқ қараган. Масофа қанчалик қисқарса, боланинг унга интилиши, қизиқиши шунчалик кучайиб боришини кузатиш мумкин.

Юқоридаги тажриба материллари асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: гўдак қатнашаётган фаолиятни жонлантирадилар. Гўдакни қуршаб тўрган жисмлар борган сари унинг нигоҳини ўзига тортиб, мафтун қилиб, кўзғатувчи вазифасини бажариб, боланинг қидириш, мўлжалга олиш, чамалаш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқотчи А.В.Ярмоленко ярим ёшлик гўдакларда жозибали нарсаларнинг ўзаро қиёсий таснифини тадқиқ қилган. Муаллиф олган маълумотларга қараганда гўдак беҳисоб жисмлар орасида инсонни (катта ёшли одамларни) тобора аниқроқ, равшанроқ ажрата бошлаган. Шу билан бирга ҳаракатсиз кўрув кўзғатувчисига диққатни тўплаш 26 секунддан 37 секундгача ҳаракат қилмаётган одамга боланинг тикилиши, 34 секунддан 38 секундгача, ҳаракатдаги кўрув кўзғатувчисига қараши 41 секунддан 78 секундгача, ҳаракатдаги инсонга эътибор бериши 49 секунддан 88 секундгача ортган.

Тажрибада гўдакнинг ҳаракатланаётган одамга диққатини тўплаб туриши 4 маротаба ортгани аниқланган.

Гўдак жонсиз нарсаларга қараганда одамга диққатини барқарор қаратиши унинг катталарга муносабати ўзгарганидан эмас балки улар билан алоқага киришганда султ рецептор ўрнини фаолроғи эгаллаганидандир. Гўдакда фазовий тасаввурнинг бойишида жумлаларнинг идрок қилишидаги фарқлашнинг такомиллашуви муҳим восита ҳисобланади. Ҳаёт тажрибаси ортиб бориши машқлар натижасида жисмларнинг аломатлари ва белгиларни ўқуви пайдо бўлади.

Олиманинг фикрича 3- ойдан 6 ойликгача болада катта ёшдаги одамлар билан танлаб муносабатда бўлиши вужудга келади. Уч ойлик гўдак бегоналар орасидаги тукқан онасини ажрата олса, ярим ёшдан бошлаб эса бегоналар ичидаги қариндошларини ҳам фарқлай бошлайди. М.Ю.Кистаяковская маълумотида кўра, 5-6 ойликда у муомала қилаётган нотаниш шахсга бир оз тикилади, кейин ё кулимсирайди ёки ундан юзини ўгиради, хатто, кўрқиб йиғлаб юборади. Болада ўзини парвариш қилаётган яқин кишиларига боғланиб қолиши содир бўлади. Ана шу сабабли онасини ёки энагасини кўрса қийқириб қаршилайди, унга талпинади, қўлоёғини ихтиёрсиз типирчилатади. У ярим ёшга тўлганда атрофдаги яқин кишилари, қариндош-

уруғларига, хатто кўни -кўшиларга ҳам боғланиб (ўрганиб) кўникиб қолади. Таъминан 8-9 ойлигидан катталар билан дастлабки ўйин фаолиятини бошлайди.

Ўйин фаолиятидаги табассум, жонланиш, шодлик, туйғулари аввал фақат катталар иштирокида намаён бўлади, вақт ўтиши билан уйиннинг ўзи болага қувонч бағишлайди. Гўдак бир ёшга яқинлашган сари катталарнинг хатти-харакатларини изчил кузатишдан ташқари унда аста-секин уларнинг кўмак бериш иштиёқи туғилади. Натижада бола индивидуал фаолият туридан ҳамкорликдаги фаолиятга ҳам ўта бошлайди. Маълум, ҳамкорликдаги фаолият мулоқот кўламини кенгайтиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гўдаклик даврида катталар билан фаол алоқага киришиш эҳтиёжи туғилади ва бу алоқа нутқ давригача мулоқотнинг ўзига хос янги шакли сифатида боланинг ўсишида муҳим роль ўйнайди. Бир ёшгача даврда пайдо бўлган эҳтиёжнинг тобора чуқурлашуви билан нутқ давригача маълумот чекланганлигининг номутаносиблиги бир ёшдаги инкирозни келтириб чиқаради. Вужудга келган қарама-қаршилик ўз ечимини нутқ орқали мулоқот даврида топади. Ва бола ўтишнинг биринчи босқичида ўтаётганини ифодалайди. Гўдакнинг нутқ фаолияти такомиллашган сайин мулоқотнинг мазмуни бойиб, кўламини кенгайтириб боради. Натижада ҳақиқий маънодаги шахслараро муносабат вужудга келади, гўдакнинг шахсга айланиши ва ижтимоийлашувига кенг имкониятлар яратади. Мазкур даврда гўдакнинг ўсишини таъминловчи объектив ва субъектив шароитлар яратилиши боланинг фаоллиги ортиши учун психологик негиз бўлади.

Харакатнинг психологик хусусиятлари ва механизмларини қатор тажрибалар асосида ўрганган олимлардан Д.Б.Эльконининг ишонч билан таъкидлашича 2-3 ҳафталик гўдакда кўз конвергенцияси вужудга келса ҳам, ўз нигоҳини турли жисмларга қаратиб туриш жараёни жуда қийин кечади, ҳаётининг кейинги 3-5 ҳафталаарида эса унинг нигоҳи оз фурсат бўлсада, муайян объектга тўплана бошлайди. 4-5 ҳафталик гўдакда 1-1,5 метр наридаги жисмларни кузатиш кўникмаси ҳосил бўлади. Икки ойлик бола 2-4 метр узоқликдаги нарсани кузатишни ўрганади, у 3 ойлигида 4-7 метр оралиғидаги жисмларни ҳам пайқай олади, ниҳоят 6-10 ҳафталик гўдак хатто айланаётган предметларнинг ҳаракатини идрок қилиш имкониятига эга бўлади. Кейинчалик хиссий органларнинг кўз билан турли функционал алоқалар ўрнатиши қарор топади. Гўдак 4 ойлигида унинг жисмга тикилиши ва уни томоша қилиши нисбатан барқарор бўлади.

Юқоридаги фикрларга қарамай мазкур ёшдаги болаларда қўл ҳаракати беихтиёр хусусиятга эга бўлиб, жисмларни мақсадга мувофиқ ҳаракатлантиришдан анча узоқдир. Гўдак 4 ойлигидан бошлаб нарсага қўлини йўналтиради, аста-секин унда пайпаслаш укуви намаён бўла бошлайди. 5-6 ойлигида предметни ва уни ўзига тортиб олиш кўникмалари шаклланади. Ҳаракат ва тери туюш органлари сифатидаги қўл вазифасини ўтовчи кўриш қобилияти бир маромда ривожланишдан бир мунча кечикади. Бола 6 ойлигида унда туриш, ўтириш, эмаклаш, юриш, гапириш кўникмалари шаклланади.

Юқоридаги ҳолларнинг моддий асосини ўрганган Н.М.Шечелованов 2 ойлик болада бош мия ярим шарлари пўстлоғи ўз функциясини бошлашини, бу ҳол барча идрок қилиш органларида, жумладан, эшитув, кўрув, аппаратларида рефлекслар пайдо бўлганидан далолат беришини уқтиради. Олимнинг фикрича эшитиш, кўришнинг юксак анализаторлари хаттоки, уларнинг кортикал бўлимлари ривожланганидан кейин болада ҳаракат ва ҳаракатни идрок қилиш ходисаси ривожланади.

Гўдак бир неча марта натижасиз ҳаракат оқибатида кафт ва бармоқларини яқинлаштиради, шундай қулай ҳолат яратадики қўлининг учи жисмга тегиши биланоқ уни ушлаб олади. Қўл ушлаш ҳаракатининг вужудга келиши ҳам гўдаклик даврининг муҳим ривожланиш палласи ҳисобланади. Чунки, қўл билан ушлаш ҳаракати биринчидан, кўриш, ҳаракатини мувофиқлаштиради, иккинчидан, мазкур психологик ҳолат биринчи йўналтирилган ҳаракатни ифодалайди, учинчидан, жисмларни ушлашга интилишининг ўзи предмет билан турли ҳаракатларни бажариш (манипуляция) нинг энг қулай шартидир.

Р.Я.Абрамович-Лехтман гўдакнинг бир ёшгача даврида предметлар билан ҳаракат қилишни ўрганиб, уларнинг 6 та ривожланиш босқичидан иборат эканлигини айтади. Бўлар: а) фаол сергаклик (тетиклик) 2 ҳафталикдан 4-5 ҳафталиккача; б) сенсор фаоллик 1,5 ойликдан-

2,5-3ойликкача; в) ҳаракат олди 2,5-3 ойликдан 4-4,5 ойликкача; г) содда «сермахсул» ҳаракат 4 ойликдан 7 ойликкача; д) ўзаро боғланган (уйғун) ҳаракат-7-10 ойликкача; е) функционал ҳаракат 10-11 ойликдан 12-13 ойликкача давом этади.

Предметнинг хусусиятига қараб бола ҳаракатидаги ўзгаришларни М.Ю. Кистяковская, Д.Б. Эльконин, Е.А. Аркин, В.С.Мухина, Н.А. Менчинская ва бошқалар, репетитор фаолияти механизмларини И.П. Павлов ва унинг шогирдлари Ф.Р. Дунаевский ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг талқинига эмаклаш-гўдакнинг фазода мустақил ҳолда ўрин алмаштириши, ҳаракат қилишининг дастлабки кўринишидир. Мустақил юриш-гўдакнинг инсонларга хос йўсинда фазода силжиши, жойидан кўзғалишни амалга ошириш учун муайян даражада тайёргарликни тақазо қилувчи ҳаракатларнинг янги кўринишидир.

Шундай қилиб гўдакнинг жисмлар билан бевосита амалий алоқага киришувчи ва улар ёрдамида ҳаракатланиши нарсаларнинг янги хосса ва хусусиятларини билиб бориши, улар билан муносабатини янада кенгайтириш учун имкон яратади.

Ҳаётнинг иккинчи ярмида боланинг предметлар билан хар-хил ҳаракатларни амалга оширишдаги илдамлиги, ориентирлаштириш фаолиятининг мураккаблашуви, фазода ўрин алмаштиришнинг янги шакллари вужудга келиши уни катта ёшдаги одамларга бевосита боғлаб кўяди.

Гўдак ўсишининг мураккаблиги унинг хилма-хил фаолияти билан ўзаро боғлангандир. Шунинг учун катта ёшдаги одамлар бу даврда гўдакнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳаракат қилишлари керак. Шундагина уларнинг бола психикасига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиши бола бош мия катта ярим шарлари пўстининг фаолиятини такомиллаштиради.

Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлабқўйин фаолияти унинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди, кўриб ва эшитиб идрок қилиш уқувини ўстиради. Жисмларнинг ранги, шакли катта-кичиклигини ажрата олиш қобилиятини ривожлантиради. Ўйин фаолияти гўдакнинг борликни билишда ва уни акс эттиришда муҳим роль ўйнайди.

Катта ёшли кишилар товушига тақлид қилиш, гўдакнинг қуршаб тўрган одамлар нутқини идрок қилиш том маънодаги нутқ фаолиятини таркиб топтиради. Мулоқотнинг сўнги турлари гўдак ҳаётининг 2- ярим ойлигида кўзга ташланади. Унинг ўзини парваришлаётган, одамларга илиқ табассум, қувонч ва шодлик туйғуси билан боқиши фақат хуш кечинмаларидан эмас балки ички механизмларини ифодаловчи, муайян даражада ташкил топган ижобий таъсирланишни акс эттирувчи мулоқотдан ҳам иборатдир. Катта ёшли одамлардан таъсирланиш хис-туйғуси гўдакнинг ҳаёт фаолиятида бир неча йўналишда қарор топиб беради. Улардан биттаси қувонч ёки табассум туйғусида: бутун вужуди билан талпиниши тикилиб туриши, ҳаракатларни кўзгатувчи келган томонга буриши, ўзига хос товушлар чиқариши ёки ғўгулашида яққол кўринади. Таъсирланиш хис-туйғуси «жонланиш мажмуаси» билангина эмас, унинг алоҳида таркибий қисмларини (товуш, чехра ва ҳаказолар) таъсирида ҳам вужудга келади. Таъсирланиш туйғуси кейинчалик танловчанлик хусусиятини касб этиб, фақат айрим (яқин тушган) кишиларга нисбатангина хосил бўлади.

Таъкидланганидек таъсирланиш туйғуси аввал умумий хусусиятга эга бўлади. Кейинчалик 4-5 ойлик пайтларида кишиларни таниш ва бегонага ажратиш билан яқунланади. Яъни танишлар гўдакда чуқур ижобий кечинмалар хосил қилса, бегоналар қувонч ва табассум хисларини бутунлай тўхтатишга ҳам олиб келади. Таниш киши психик жараён сифатида боланинг психикасига алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан катта ёшдаги одамлар гўдак учун дастлабки таниш жараёнининг объектига айланадилар ва мулоқот давомида ижобий таъсирланиш туйғусини пайдо қилувчи кўзгатувчи вазифасини ўтайдилар.

Бола ҳаётининг 2 ярим йиллигида катталар нутқини идрок қилиш ва уни тушуниш жадал суръат билан ўсаверади. Чунки, она ёки тарбиячи парвариш қилиш ва тарбиялаш жараёнида хар бир ҳаракатни тушунчалар, сўз бирикмалари, атамалар билан бирга амалга оширади, ҳаракат билан предметнинг узвий боғлиқлигини ёритишга киришади. Маълумки, хар қайси предмет ва воқеа ўз номи билан ифодаланади, натижада бола учун онанинг ёки табиячининг нутқини тушуниш ва илғаб олиш бирмунча енгиллашади. Уларнинг барчаси бола билан катта ёшдаги одамлар ўртасида узлуксиз ҳамкорлик вужудга келишини тақазо қилади. Боланинг

хамкорликдаги (ота-она, энага, мураббия ёки туғушганлари иштирокидаги) ўйин фаолияти ҳам, хис-туйғуга берилиши ҳам нутқ ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Д.Б.Эльконин хулосасига кўра, нутқни тушуниш вужудга келишининг асосий шартлари куйидагилардан иборат: а) умумий ҳолатдан предметни ажрата олиш; б) предметга диққат-эътиборни тўплаш; в) фавқулотда ҳолатига қараб, англанидиган хис-туйғунинг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзгалар нутқини тушуниш кўрув идрокининг замирида вужудга келади. Боладаги ўзгаришлар нутқини тушунишга ўргатишда катта одам бирор ўйинчоқдан таъсирланишни ҳосил қиладиган кўзғатувчини уйғотади. Бунда жисм ва расмларга боланинг диққатини жалб этади, ёки унинг кўлидаги ёхуд стол устидаги объектларни кўрсатиб «Сурнай қани?», «Катта айиқча қани?» каби саволар билан мурожаат қилади.

Катталарнинг бола билан машғулотларни бир неча марта такрорлаши натижасида таллаффуз қилинаётган сўз билан предмет узвий боғланади ва бу боғланиш бир неча босқичларда намаён бўлади. Даставвал катталарнинг саволи болада ҳеч қандай таъсирланиш туйғуси кўзга кўринмайди, хатто гўдак ўша предметга қиё ҳам боқмайди. Иккинчи босқичда болада саволга нисбатан суст ҳаракатланиш ҳосил бўлади ва у предмет турган томонга диққатини йўналтиради. Нутқни идрок қилишнинг учинчи босқичида гўдак учун жисмнинг моҳияти ва мазмуни муҳим аҳамият касб этмайди, балки берилаётган саволнинг интонацияси, ритми, темпи, манتيкий урғуси бош мезон, асосий туртки вазифасини бажаради. Ўзгалар нутқини тушунишнинг охириги босқичида гўдак предметни англатувчи сўз билан предметни ўзаро боғлаш имкониятига эга бўлади, натижада бошқа жойлардан ҳам шу предметни топиш учун ижодий изланишга ҳаракат қилади. Нутқни идрок қилиш ва тушунишнинг охириги босқичи гўдакнинг 9-10 ойлигидан бошланади ва уни ўзгалар нутқини тушунишнинг илк шакли ва кўриниши деб айтилади.

Тадқиқотчи Ф.И. Фрадкина катталарнинг гўдакка қаратилган нутқида куйидаги таъсирланиш ҳолатларини кўриш мумкинлигини аниқланган. Бирдан бажаришга интилиш (7-8 ойликда), 3) Катталарнинг нутқ орқали кўрсатмаси бўйича оддий топшириқларни бажариш (9-1% ойликда), 4) Нутқ орқали кўрсатма бўйича зарур предметни танлаб олиш (10-11 ойликда), 5) «Мумкин эмас» деган такидловчи сўз таъсирида ҳаракатни тўхтатиш (12 ойликда ва хаказо).

Д.Б.Эльконин фикрича, бир ёшгача бола психикаси ўсишининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

1. Катталар нутқини тушуниш ҳамда дастлабки сўзларни мустақил талаффуз қилиш;
2. Предметлар билан хилма-хил ҳаракатларни уйғунлаштириб, иш-ҳаракатини бажариш;
3. Юришга ўринишнинг рўй бериши;
4. Хатти-ҳаракатни сўз билан бошқара олиш;
5. Сўз билан гўдакнинг идрок қилиш фаолиятини бошқара олиш ва хаказо.

Шундай қилиб, бир ёшгача гўдак эгаллаган энг қимматли хусусият пайдо бўлади ва у боладаги ижтимоий эҳтиёжнинг вужудга келишида ва унинг шу эҳтиёж орқали катта ёшдаги одамлар билан бевосита мулоқотга киришида ўз ифодасини топади. Шунинг учун жисмлар билан мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларни биргаликда амалга оширишда, билиш жараёнлари ва шакллари замирида мулоқотга эҳтиёж туғилади. Гўдакнинг ўсиши катталар билан мулоқотга киришиш натижасида рўй беради.

Демак, 3 ойлик гўдак гапираётган одамни ўз кўзлари билан топиш имкониятига эга бўлади, чунки, унда шу пайтгача товуш манбаини излаш укуви шаклланади. Шунга кўра бола товуш келган томонга қараб сўзловчига муносабатини хис-туйғуга ўраб ифодалай олади. Гўдакнинг борган сари диққат билан атроф-муҳит манзараларини ва хар-хил овозларни эшитиш ҳамда кўриш имконияти унинг умумий ўсишида алоҳида аҳамият касб этади. Таҷрибалар таҳлилидан кўринишича, кўриш, эшитиш анализаторлари гўдакнинг воқеълик ва борлиқ билан, катталар билан ўзаро мулоқотга кириши натижасида такомиллашади. Гўдакнинг ўз кўзлари орқали инсон ва жисмлар тўғрисида муайян маълумот олиши турмуш таҷрибаси ортиб бориши билан вужудга келади. Эшитиш анализаторлари ёрдамида товушларни идрок қилиш овозларни фарқлашдан иборат, шартли рефлексларнинг табиатига кўпроқ боғлиқдир. Шу сабабли, гўдак инсон билан мусиқанинг товушини ажрата билади, уларнинг кучсиз ва кучлилигини, ёқимли ва

шовқинлигини сезади. Унинг эшитиб тушуниши ва нутқини идрок қилишни кўпгина шартли боғланишларнинг сифати билан ўлчанади.

Инсон зотининг бир ёшгача даврини нутқгача давр деб аташ одат бўлиб қолган. Бу давр мобайнида гўдак бош мия ярим шарлари иккинчи сигналлари системаси фаолияти билан боғлиқ анчагина ишларни амалга оширади. Нутқни тушуниб идрок қилиш эса кун сайин ўсиб, такомиллашиб боради.

Гўдак икки ойлик бўлгунига қадар ғудурлашни ўрганади. Ғудурланиш ижобий ҳистуйғу, барқарор кайфиятнинг махсули сифатида бошланади. У аста-секин артикулгяр аппаратнинг такомиллашуви натижасида товушларни ўзаро фарқлай бошлайди. Юқорида айтилганларнинг барчаси, бола амалга ошираётган нутқ фаолиятининг нишонаси туғилаётганини кўрсатади.

Гўдак ҳаётининг анализаторлари ривожланиб, ориентерлаш реакцияси аниқроқ ифодалана бошлайди. Шартли рефлекслар кўлами тобора кенгайиши натижасида воқеликка ҳиссий муносабат такомиллашади. Гўдак ҳаётининг иккинчи ярмида эса у катталарнинг имошораларини тушуниб идрок қила бошлайди. Фаол аломатларнинг вужудга келиши билан гўдаклик даври тугайди ва илк болалик ёш дари бошланади.

Инсон онтогенезида унинг 1 ёшдан 3 ёшгача ўсиш даври алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу даврда инсон зотига хос энг муҳим сифатлар, характер ҳислатлари, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабат, хулқ-атвор, тафаккур ва онг каби психик акс эттиришнинг турли кўринишлари шаклланади. Бўларнинг барчаси қарама-қаршилиқлар кураши остида таркиб топади.

Боланинг юришга ўриниши, турли нарсалар билан овуниши ва машғул бўлиш имкониятлари кенгайиши, унинг катталарга бевосита тобелиги, уларга боғлиқлиги нисбатан камайишига олиб келади.

### **ИЛК БОЛАЛИК ДАВРИ**

Гўдаклик давридан сўнг ривожланишнинг янги даври илк болалик (1-3 ёш) даври бошланади. Илк болалик даври бола ҳаётидаги энг аҳамиятли, унинг келгуси психологик ривожини белгилаб берувчи давр ҳисобланади. Бу ривожланиш асосини боланинг тўғри юришини, мулоқотга киришини ва предметли фаолиятни эгаллагани ташкил этади. Тикка ва тўғри тик юра олиш имкони болани доимий равишда янги маълумотларни эгаллашга олиб келади. Бу ёшдаги бола ўз хатти-харакатлари жихатдан жуда фаол ва катталар билан мулоқотга киришиш учун интилувчан бўлади. 1-3 ёш бола шаклланишда психик ривожланишнинг ниҳоятда аҳамияти катталигини инобатга олган ҳолда айрим психологлар (м-н Р.Заззо) инсон туғилганидан то етуклик давригача бўлган психик ривожининг тахминан ўрталари 3 ёшга тўғри келади деган мулоҳазани берадилар. Бу ёшдан бошлаб болалар предметларни ўрганиш оламига кадам кўядилар. У энди катталар билан нутқ орқали муомала-муносабатда бўла олади ва элементар ахлоқ қоидаларига амал қила олади. Катталар билан бўладиган мулоқот орқали бола атроф ҳаёт ҳақида бошқа йўналишларга қараганда 10 хисса кўпроқ маълумот олади. Нутқ бу ёшда нафақат мулоқот балки тафаккурнинг ривожланиши ва ўз-ўзини шунингдек, билиш жараёнларни бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Илк давридаги болаларнинг етакчи фаолияти предметларни ўрганиш ҳисобланади. Гўдаклик давридаги болаларга нисбатан илк болалик давридаги болалар нарсаларга кўпроқ қизиқиш билан қарайдилар. Агар гўдак бола қўлига ушлаган нарсани оддий ҳаракатлантириб кўрса, 2-3 ёшдаги бола шу предмет қисмларини диққат билан ўрганганидан сўнггина ўз амалий фаолиятида ишлатади. Болани аввало шу предметнинг ишлатиш вазифаси қизиқтиради ва у ўз саволига жавоб олиш учун кўпинча катталарга «Бу нима?» деган саволни беради. 3 ёш арафасида предметларнинг вазифаларини тўла ўзлаштирган болалар ўз ўйинларида нафақат шу предметлардан фойдаланадилар, балки уларни ўз вазифаларига кўра ишлатадилар ҳам. Предметли фаолиятга киришиши боланинг турли лаёқатлари ва қўл ҳаракатларини ривожлантиради. Боланинг нутқи у то 1,5 ёшга етгунгача анча секин ривожланади. Бу давр ичида у 30-40 сўздан то 100 тагача сўзни била олади, лекин уларни жуда кам қўллайди. 1,5 ёшдан бошлаб эса унинг нутқи жадал ривожланади. Энди у нафақат предметларнинг номини айтишларини сўрабгина қолмай бу сўзларни талаффуз этишга ҳам ҳаракат қилади. Нутқнинг



ривожланиш даражаси жуда жадаллашади. 2 ёшнинг охирларига бориб бола 300 тагача, 3 ёшнинг охирлагига бориб эса 500 дан то 1500 тагача сўзни ишлата олади. Шунингдек сўзларни ҳам аниқ талаффуз этиб, жумлаларни тўғри туза оладилар.

Шуни алохида кўрсатиш жоизки 1,6-3 ёш бу нутқ ривожланиши учун сензетив давр хисобланади. Бу давр ақлий ривожланиш асосини идрок ва тафаккур харакатларининг янги кўринишлари ташкил этади. 1 ёшли бола хали предметларни кетма-кет, системали равишда кўриб чиқа олмайди. У асосан предметнинг қандайдир бир кўзга ташланиб турадиган белгисига ўз эътиборини қаратади ва предметларни шу белгиларига кўра танийди. Кейинчалик янги идрок харакатларини эгалланиши боланинг предметли харакатларини бажаришдан кўз билан чамалаб харакат қилишига ўтишда намоён бўлади энди у предметнинг бўлакларини ушлаб кўрмасдан чамалаб идрок эта олади. 2,5-3 ёшли бола катталарнинг берган намунаси рангин шакли ва катталигига кўра айнан шундай предметларни чамалаб идрок этган холда тўғри топа олади. Болалар аввал шаклига, сўнгра катталигига ва шундан сўнгина рангига қараб ажрата оладилар. Бу жараенда бола бир хил хусусиятга эга бўлган жуда кўп предметлар борлигини тушуна бошлайди. Лекин бола расм чизишни бошлаганида предметларни рангини эътиборга олмайди ва ўзига ёқадиган ранглардан фойдаланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишига 2,5-3 ёшли бола 5-6 та шаклни (доира, квадрат, учбурчак, тўғрибурчак, кўпбурчак) ва 8 хил рангни (қизил, ковоқ сариқ, сариқ яшил, кўк, сиехранг, оқ, қора) идрок этиши мумкин. Ранг ва шаклларнинг ишлатилиши жихатидан турли хил нарсаларда турлича бўлиши сабабли бу ешдаги болалар уларни идрок этганлари билан номларини аниқ билишлари ва ўз нутқларида ишлата олишлари бирмунча қийинроқ. Катталарнинг бу ёшдаги болалардан шу ранг ва шаклларни эслаб қолишини талаб этишлари нотўғри бўлиб, бунинг учун мос давр бу 4-5 ёш хисобланади. Бу ешдаги болалар сўзлардаги барча товушларни идрок эта оладилар.

Бола 3 ёшигача ўзлаштирган сўзлар асосан предмет ва харакатларнинг номларини билдиради. Номлар асосан унинг функциясини аңлатиб бу предмет ёки харакатнинг ташқи кўриниши ўзгарса ҳам унинг номи ўзгармайди. Шунинг учун ҳам бола предметларнинг номларини ишлатилишини функцияларига боғлаган холда тез ўзлаштиради.

Илк болалик даврининг бошларига келиб болада биринчи тафаккур операциялари юзага келади. Буни биз бирон бир предметни олишга харакат қила олганидан сўнг эса уни синчиклаб ўрганишида кўришимиз мумкин. Уларнинг тафаккурлари асосан кўрғазмали харакатли бўлиб, у атроф оламдаги турли боғлиқларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзидан узоқроқ турган коптокни бирон бир узунроқ нарса билан итариб юбориш мумкинлигини кўрган бола энди мустақил равишда диван тагига кириб кетган коптокни калтак ердамида олиш мумкинлигини тафаккур эта олади. Бу даврдаги болалар тафаккурида умумлаштириш катта ўрин тутаяди. Умумлаштиришда нутқ асос хисобланади. Масалан, соат дейилиши бола қўл соати, осма соат, шунингдек будильникни ҳам тушуниши керак. Лекин улар турлича бўлгани сабаб уларда умумийликни топиш бола учун бирмунча қийинроқ хисобланиб, бу борада фикрлаш ёрдамга келади ва умумлаштиришни ташкил этади. 2-3 ёшли болалар маълум бир предметларнинг ўрнига уларнинг ўрнини босиши мумкин деб хисоблаган бошқа нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, ўйин жараёнида бола чўпни қошиқ ёки термометр ўрнида, ёғочдан кроват ёки машина ўрнига фойдаланиши мумкин. Бир предметни бошқаси ўрнида қўллаш мумкинлигини билиш бола атроф оламни билиши, ўрганишидаги аҳамиятли бурилиш хисобланади ва у дастлабки тасаввурларни юзага келтиради. Бу ёшдаги болалар энди аста-секинлик билан катталар айтиб бераётган эртак, воқеа, ҳикояларни, шунингдек расмда чизилган нарсаларни тасаввур эта оладилар. Эртак эшитиш жараёнида бола эртак қахрамонларини кимгадир ўхшатишга харакат қилади, у ўзи мустақил эртак ёки ҳикояларни тўқий олиши ҳам мумкин. Илк болалик даврида хотира билишдаги асосий функция хисобланиб, у билишнинг барча кўринишларини ривожланишида иштирок этади. Бу даврда боланинг хотираси жадал ривожланади. Боланинг хаётий тажрибаларни ўзлаштиришида аввало харакатли, эмоционал ва образли хотира иштирок этади. Бу борада харакатли ва эмоционал хотира устунлик қилади. Хотира бу ёшда асосан ихтиёрсиз бўлади. Бу даврдаги болаларга кўп китоб ўқиб бериш натижасида улар узун эртак ва шеър ҳикояларни эслаб қоладилар, лекин бундай эслаб қолиш боланинг умумий ақлий ривожланишидан ҳам, хотирасининг индивидуал хусусиятидан ҳам

далолат бермайди. Бу илк болалик давридаги болаларнинг барчасига хос бўлган нерв системасининг умумий эгилувчанлиги натижасидир. Ўзи ва атроф хаёт хақидаги воқеа ва ходисаларда кетма-кетлик борлиги учун ҳам уларни хали тўлиқ равишда хотирасида сақлаб қола олмайди.

Бу даврдаги болалар асосан ўз хатти харакатларини ўйлаб ўтирмайдилар. Бу хатти-харакатлар уларнинг хохиш ва хиссиётлари асосида бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг хатти-харакатлари жуда ўзгарувчан бўлади. Масалан: боланинг йиглаши ҳам, йиғидан тўхташи ҳам жуда осон. Илк болалик даврда болада ўз яқинларига онаси, отаси, буви-бувалари, тарбиячисига нисбатан мухаббат шаклланади. Илк болалик даврида бу мухаббат бошқа шаклга ўтади. Энди бола ўз яқинларидан мактов, эркалаш олишга харакат қилади. Ота-оналар томонидан боланинг хатти-харакатлари ва шахсий хусусиятларига берадиган ижобий эмоционал бахолари уларда ўзига нисбатан ўз лаёқат ва имкониятларига нисбатан ишончни шакллантиради. У ўз ота-онасига ниҳоятда қаттиқ боғланган бўлиб, интизомли ва итоаткор бўлади. Ана шу боғлиқлик сабабли боланинг асосий эхтиёжлари қондирилади, хавотирлиги камаяди. Онаси ёнида бўлган болалар кўпроқ харакат қиладилар ва атроф мухитни ўрганишга интиладилар. Бу даврда бола ўз исмини жуда яхши ўзлаштиради. Бола доимо ўз исмини химоя қилади, уни бошқа исм билан чақиришларига норозилик билдиради. Катталарнинг бола билан қиладиган муомала муносабати уни ўзини алоҳида шахс сифатида англашининг бошланишига имконият беради. Бу жараён аста-секинлик билан амалга ошади. Катталарнинг бола билан қандай муомала қилишларига қараб ўз «Мен»ини англай бошлаши вақтлироқ ёки бир мунча кечроқ юзага келиши мумкин. 3 ёшли бола ўзини ўз хохиш ва эхтиёжларини қондириши мумкин бўлган манба деб билади ва бу унинг «Менга беринг», «Кўтаринг», «Мен ҳам бораман» каби талабларида кўринади. Уч ёшли болалар ўзларини ўзгалар билан таққослай бошлайдилар, бунинг натижасида болаларда ўз-ўзини баҳолаш вужудга келади. Шу даврдан бошлаб болаларда мустақил бўлиш эхтиёжи юзага келади ва бу уларнинг «ўзим қиламан» кабилидаги сўзларида номоён бўлади.

**3 ёш инқирози:** 3 ёшга келиб бола ўзини катталар билан таққослай бошлайди ва катталар қилиши мумкин бўлган (хукуқи бўлган), шунингдек улар бажара оладиган харакатларни қилишни хохлайди. «Мен катта бўлсам машина хайдайман», «Мен сизга катта торт олиб келаман», «Менинг юзта кўғирчоғим бўлади» каби хохишларини ўз тили билан ифодалайди ва у келаси замонда гапирса ҳам барча хохишларини бугуноқ амалга оширишга харакат қилади. Бу кўпинча қатъийлик ва қайсарлик билан номоён бўлади. Бу қайсарлик асосан катталарга қаратилган салбий хатти-харакат бўлади. Бола ўзини мустақил харакат қила олишини англаган вақтдан бошлаб унда «ўзим қиламан» бошланади ва бу яна қайсарлик ва ўжарлик билан кўринади. 3 ёш инқирози бола шахсининг маълум бир даражада ривожланганлиги ва катталар бажарадиган хатти-харакатларни қила олмаётганини билиши натижаси хисобланади. Инқироз даврида юзага келадиган хусусиятлар ирода, лаёқатлар ва бошқалар уни шахс бўлиб шаклланишига тайёрлайди.

Уч ёшгача болалар психик ривожланишидаги асосий янгиланишлар

Ёш	Билиш	Харакат	Мулоқот
3ёш	Нутқ шаклланиши.Образли тафаккурнинг биринчи белгилари.Атроф мухитдан ўзини ажратиш.Қатъийликни англаш	Қўл,предметли харакатларнинг ривожланганлиги.Ўз хатти-харакатларини иродавий бошқариш кўринишлари	Ўз-ўзини ангалшни юзага келиши нормалари.Биринчи ахлоқий қоидаларни эгаллаши
2ёш	Фаол нутқни тушуниши ва ўзида юзага келиши	Қўл ва оёқ функцияларининг аниқ белгиланиши	Характери асосларини шаклланиши
1ёш	Нутқни тушунишни биринчи биринчи белгилари	Мустақил холда тик туриш ва юриш	Нутқни қўллашнинг биринчи белгилари

10 ойлик			Боғлиқлик реакциясини юзага келиши бегона мухит ва бегоналар орасида хавотирлик
8 ойлик	Сенсомотор интеллектнинг юзага келиши	Таяниб юриш	Жест, мимика ва пантомимика, ёрдамида новербал мулоқот
7 ойлик		Ёрдам билан туриш	
5 ойлик		Ёрдам билан ўтириш	
3 ойлик	Кўриш қобилиятининг шаклланиши	Ён томонига ўгирилиши	Онанинг жилмайишига жавоб қайтариш
2 hafta	Онанинг товушини бошқа товушлардан фарқлаш		
1 hafta	Харакатларни кузатиш		

Мактабгача тарбия даври шахснинг хақиқий таркиб топиши (вояга етиш) даври бўлганлиги учун ҳам шундай муҳим бир даврдир. Ҳаётнинг биринчи йили мобайнида боланинг теварак -атрофдаги муҳитга муносабати жиддий равишда ўзгаради. Бола каталар билан алоқада бўлиши натижасида унинг ўргатишга қараб ўз ихтиёрларини қондирадиган нарса билан мустақил ҳаракат қила бошлайди. Дастлаб у катталар билан биргаликда, сўнгра уларнинг раҳбарлигида ҳаракат қилади, ундан кейин овқат ейиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга оид ишларни мустақил бажара олади. Ҳаётнинг 2 йилида катталар билан муносабатларда ўзгариш рўй беради. Мактабгача тарбия ёшида бола катта одамни ўз хулки-атвори учун ўрнак деб ҳисоблайди. Бола 1-ёшдан 3- ёшгача нарсалар, билан ҳаракатлар қилишни эгаллайди ўйин боланинг ҳаракатларини ривожлантириш ва такоимллаштиришга ёрдам қилади. Мактабгача тарбия ёшида бола фаолиятининг хилма-хил турлари ўйин, меҳнат режимини бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият ривожлана боради. 2 ёшдан бошлаб болалар ўйнайдиган бўлишади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг (4 ёшдан бошлаб) етакчи фаолиятларга бўлиб ўйналадиган, ижодий ўйиндир. Ўйин жараёнида бола муайян рольларни бажаришни ўз зиммасига олишади ҳамда ўйин шароитида одамлар фаолияти ва муносабатини эсга келтиришади. 3-4 яшар болаларда биргаликда ўйналадиган ўйинлар хали бўлмайди. Дастлаб буюм, ўйинчоқ рольини гўё эсга солгандай бўлади, сўнгра бола ўйинда ихтиёрий суратда ўз зиммасига маълум рольни олади. Мактабгача тарбия ёшида боланинг катталар томонидан уюштирилиб, муайян мақсадга қаратилган ижодий фаолияти унинг тараққиётга қанча таъсир кўрсатади. 2-ёшда бола расм сола бошлайди ва жон дил билан расм солади. Расм солиш жараёнида унинг идрок этиши аниқлашда у буюмнинг ранги ва шаклини яхшироқ ажрата бошлайди, кузатувчанлиги ривожланади. Бола тасаввурлаётган нарсани ўхшатиш мақсадида расмда акс эттириш зарур бўлган нарсаларнинг белгиларини атайлаб ажратиб кўрсатади.

Бола расм солар экан, расмни сўзлар билан тўлдириб, фаоллик билан ҳаракат қилади, у ўз тасаввурлари асосида кейинчалик катта ёш одамларнинг сўзига биноан расмлар яратмоғи мумкин-унда айрим нарсаларнинг образлари вужудга келади. Расм солиш билан лой ва пластиклардан шакллар ясайди, натижада, бола анализаторларининг ривожлантиришда ҳамда мослашган ва дифференцияллашган ҳаракатнинг таркиб топишидан ташқари унинг нарса шаклини, ҳажминини, бир ўлчовда бўлиши ва муносабатлигини идрок этиш такомиллаша боради. 3-4 яшар бола нарсалар ўртасидаги боғланишни фарқлаб олади ва ўз фаолиятини планлаштиради, бу фаолият аста-секин ижодий фаолиятга айланади.

Мактабгача тарбия ёшида боланинг анализаторли идрок этиш жараёни ҳам янада такомиллаша боради. Бола ҳаётининг 3- ёшида беихтиёр идрок мактабгача тарбия ёшидаги катта болада маълум бир мақсадга қаратилган, танланган идрокка айланади. Кузатувчанлик таркиб топади. Идрок этишда сўзнинг рольни оша боради бола нарсаларнинг белгилаб қўйган

сифатлари ва хусусиятларини айтиб кўрсатади. Идрок жараёни боланинг тафаккурини ўстиради. Идрок жараёни ўз фаолияти давомида ва тафаккур жараёнида тобора такомиллашади. Ўйин жараёнида 3-яшар болада дастлабки умумлаштириш юзага келадики, бу нарса боланинг оддий масалаларни ечишда имкон беради. Шу тариқа тафаккурнинг энг содда формаси боланинг нарса буюмларидан фойдаланиш фаолияти билан боғланган воситани амалий тафаккурни пайдо бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола тасаввурлари доираси кенгайиши ва билимнинг ошиши унинг ақлий фаолиятини характерини ўзгартиради. Нутқнинг ўсиш фаолиятининг кенгайиши янги тафаккур формалари учун шароит кўрсатади. Мактабгача тарбия ёшидаги 5-6 яшар бола тасаввурлайди кейин эса муҳокама қилади, умумлаштиради. Шу ёшдаги боланинг тафаккури конкрет образли эмоционал ва яққол тафаккур бўлади. Муҳокама бевосита нарса буюм билан боғланган. Бола умумлаштирилган тушунчаларни ўзлаштиради фикр юритиш операциялари фақат идрок этишгина эмас хаёлга ҳам асосланди.

Дастлабки (гарчи мукамал бўлмаса ҳам) ҳуқумлар, ҳулоса чиқариш ва яқун ясаш пайдо бўлади. Мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб боланинг катта ёшли қилиш ва уларга тақлид қилиб мустақил равишда ҳулосалар чиқаришда ва умумлаштирида. Боланинг нутқи катталар билан алоқа қилиш ва ўзаро муносабатларини даражасининг кенгайиши натижасида ривожлана беради. 7-ёшга кирганида оғзаки нутқнинг грамматик қўрилишини имло қоидаларини эгаллашда бу ҳоллардан оғзаки нутқда фойдаланилади. Бола 6 ёшга кирганида товушларини тўғри талаффуз қилишади улар тил хисси таркиб топади уларнинг нутқи тобора ривожлана боради. Бола фаол нутқининг ўсиши болалик даврининг муҳим томонидир. Бола дастлаб (1 ёш у 6 ойгача) катталарнинг нутқини тушуна боради. Ундан кейин эса шу тушуниш асосида боланинг фаол нутқи тобора ўсади. Ҳаётнинг 2- йилида бола катталарнинг нарса номлари билан боғлиқ бўлган ҳамма сўзларни тушунади. Боланинг нутқи тобора туша бориши унинг ҳулқ атворига сўз ёрдамида раҳбарлик қилишига имкон беради.

3 яшар болада ҳулқ атворининг асосий қоидалари фақат тақлид йўли билангина эмас балки катталарнинг оғзаки кўсатмалари ёрдами билан ҳам вужудга келади.

Дастлаб бола бир бўғинли гапларда сўнгра эса 2-3 бўғинли гаплардан фойдаланади. Бола ҳаётининг 3-ёшли охирига келиб унинг сўзлашув лексикасида боғча сўз турумларига таркибига қирадиган бу сўз учрайди. Болалар катталарнинг гапини эшитишни яхши кўради, кичик-кичик шеър, хикояларни эса саклашади, бу унинг нутқини ўстиришда ёрдам қилади. Ўсиб бораётган нутқ барча психик жараёнларга - хотира, тафаккур, хаёл ва шунга ўхшашларга катта таъсир кўрсатади. 3-ёшдаги болалар катталар билан биргаликда суратлар кўриб чиқишни ва суратлар асосида айтиладиган хикояларни эшитишни севади. Мактабгача ёшдаги кичик болага (1-ёшдан 5-ёшгача бўлган болада) ҳос беихтиёр (ихтиёрсиз) эса қолдириш хусусияти мактабгача тарбия ёшидаги катта болада тобора ихтиёрий (атайлаб) эса қолдиришга айлана беради. Боланинг тикловчи хаёли ўсади, сўнгра ижлдий хаёл пайдо бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг хаёли етарли даражада кучли тараққий этганлиги сабали кўпгина хаёлдаги нарса билан ҳақиқий нарсани аралштириб юборишади. Болалар идрокнинг фаол равишда ривожланишининг, теваарак атрофдаги муҳитга қизиқишининг олиб бориши туфайли унинг ихтиёрий диққати жадаллик билан таркиб топади. Катталарнинг таъсири ва унинг таркиблари билан фаолият жараёнида мактабгача тарбия ёшдаги 5-6 яшар катта болалар энди шахсга ҳос баъзи бир барқарор сифатли ҳулқ-атворнинг баъзи таркиб топган формаларини кўринади. Бў ёшдаги катта болаларда дастлабки ақлий тасаввур ҳам ўса боради. Мактабгача тарбия дарида боланинг ижтимоий, ақлий ва ахлоқий камол топтириш учун мактабда ўқишга тайёрлайди. Болаларни системали таълим олишга психологик жихатдан тайёрлаш, уларда ўқишга ҳавас билим олишга интилиш болалар муассасаларида ҳам оилада ҳам мактабгача тарбия ёшидаги катта болаларда ўқувчи бўлиш, ўқий бошлаш ва ўзи учун янги ҳаётга ўқувчи бола ҳаётига қўшилиш истаги намаён бўлади.

### **Мактабгача ёшдаги болалар психологияси.**

3-7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инobatга олган ҳолда 3 даврга (3-4ёш) кичик мактабгача даври, (4-5ёш)кичик боғча ёши, ўрта мактабгача давр (ўрта боғча ёши) 6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшлиларга ажратиш мумкин. Бола ривожланиш

жараёнида одамларнинг илгари ўтган авлодлари томонидан яратилган предмет ва ходисалар олами билан алоҳида махсус муносабатга киришади. Бола инсоният кўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, ҳамда улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди.

Боғча ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири уларнинг серҳаракатлиги ва таклидчанлигидир. Бола табиатинининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва бир томонламалигидан чарчаб қолади. Мана шу сўзлардан боғча ёшидаги бола табиатининг асосий қонуни бўлмиш серҳаракатлилигини ортиқча чеклаб ташламай, балки мақсадга мувофиқ равишда уюштириш кераклиги яққол кўриниб турибди.

Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ нормалари, кишиларни англаш, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Боғча ёшидаги бола энди ўз гавдасини жуда яхши бошқара бошлайди. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан ўзи билганларини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезади. Ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Боғча ёшидаги болалар эҳтиёжи ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу аввало кенг доирага чиқиш эҳтиёжи, муносабатда бўлиш, уйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидир.

Бу даврда болаларда ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли ҳам каттадир. Қизиқиш худди эҳтиёж каби боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ходиса деса бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти бу ўйиндир. Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолияти масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмокда. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олға қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари билангина эмас, балки катталарга мансуб бўлган ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фан-техника мислсиз ривожланган бизнинг ҳозирги замонамиздаги яратилаётган, хайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё бир мўжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яҳни аналогик тарзда) ҳар хил ҳаёлий нарсаларни уйлаб чиқарадилар (учар от, машина одам, гапирадиган дарахт каби). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шуни билдирадики, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳтиёжлари талаб қилаётган нарсаларни ҳам акс эттирадилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида ҳар хил ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: одамнинг (шу жумладан болаларнинг ҳам)

ташқи муҳитдаги нарса ва ходисаларни акс эттириш жараёнлари пассив жараён эмас, балки фаол ҳамда ижодий, яратувчан, ўзгартирувчан жараёндир.

Болалар ўйин фаолиятларининг яна бир ажойиб хусусияти шундан иборатки, ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган роллари кўпинча умумийлик характериға эға бўлади. Бунда бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатлариға эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси жуда чекланган кичик ёшдаги болалар (баҳзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадидлар. (Масалан, ойисини, адасини, акасини, тарбиячисини ва шу каби). Ўрта, катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эға бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ходисаларни билиш куроли бўлиши билан бирға юксак ижтимоий аҳамиятға ҳам эға. Бошқачарок қилиб айтганда, ўйин кудратли тарбия куролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яҳни юксак инсоний ҳислатларни тарбиялаш мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторлик ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадидлар. Сюжетли, ролли ўйинларда болалар асосан ўзлари ҳар куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти –ҳаракатларини акс эттирадидлар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоавий ҳарактерни ола бошлайди.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, хусусан уларнинг жамоавий ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларға муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадидлар. Шунингдек, жамоавий ўйинда болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётий фаолиятларини акс эттирадидлар.

Катта боғча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар ривожланади, лекин энди бу ўйинлар ўз мазусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фарқланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда лидерлик юзаға кела бошлайди, шунингдек ташқилотчилик кўникма ва малакалари ривожланади.

Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санҳатнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Боланинг тасаввур этиш характериға қараб унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради. Боғча ёшдаги болалар расм чизишға ҳам ниҳоятда қизикадидлар. Расм чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола аввало кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятға эға бўлиб, айнан шундай ўйинларда мувафакқиятға эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади.

Катта Боғча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятиға айланиб боради. Ўйинда бола элементар меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур ривожлана боради.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг ўйинчоқлари масаласиға ҳам тўхтаб ўтиш керак. Болаларға ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тараққиёт даражаларини ва айни пайтда уларни кўпрок нималар қизиқтиришини ҳисобға олиш керак.

Маълумки, 1-3 ёш болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирганлар. Улар ҳали ҳаттоки нарсаларнинг рангини, ҳажмини ва бошқа жиҳатларини яҳши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларға кўғирчок билан бирға ҳар хил рангли қийқим, лахтак матолар ҳам бериш керак.

Айниқса, қиз болалар ўз куғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ қиладилар. Ўғил болаларга эса, ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сиғадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таҳлим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданга ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаш учун одам аввало етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, укувлар ва элементар тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола ўйин фаолияти орқали эришади.

Боғча ёшидаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутқ, хаёл, ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола ранглари хали бир-бирдан яхши фарқ қила олмайди. Унга ранглarning фарқини билишга ёрдам қиладиган ўйинчоқлар бериш лозим. Бу ёшдаги болалар турли нарсаларни идрок қилишда кўзга яхши ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар ҳам, лекин чуқур таҳлил қилмайдилар.

Диққат ҳар қандай фаолиятимизнинг доимий йўлдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир. Боғча ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз бўлади. Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин жуда катта аҳамиятга эга. Ўйин пайтида болалар диққатларини бир жойда тўплаб, ўз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг олдига қўйилган янги талаблар асосида такомиллаша боради. Боғча ёшидаги болалар ўзларининг фаолиятлари учун қандайдир аҳамиятга эга бўлган, уларда кучли таассуротлар қолдирган ва уларни қизиқтирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар. Боғча ёшидаги болалар тафаккури ва унинг ўсиши ўзига хос хусусиятга эга. Тафаккур боланинг Боғча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, биринчидан, боғча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан кўпайиши, иккинчидан, бу даврда болалар нутқининг яхши ўсган бўлиши, учинчидан эса, боғча ёшидаги болаларнинг жуда кўп эркин мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлишларидир. Боғча ёшидаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашганлигидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди.

Одатда ҳар қандай тафаккур жараёни бирон нарсдан таажжубланиш, ҳайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо бўлади. Жуда кўп ота-оналар ва айрим тарбиячилар ҳам болалар ортиқрок савол бериб юборсалар, «кўп маҳмадона бўлма», «сен бундай гапларни қаердан ўргандинг», деб жеркиб ташлайдилар. Натижада бола ўксиниб, ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Аммо айрим пассив ва тортинчоқ болалар ҳеч бир савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машғулотлар ва саёҳатларда катталарнинг ўзлари савол беришлари ва шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим.

Ҳар қандай тафаккур, одатда бирон нарсани таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Шунинг учун биз ана шу таққослаш, анализ ва синтез қилишни тафаккур жараёни деб атаймиз. Саёҳатлар болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёҳатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар ва анализ ҳамда синтез қилиб кўришга интиладилар.

Боғча ёшидаги болалар нутқи ва унинг ўсиши жадал кечади. Агар 2 яшар боланинг сўз запаси тахминан 250 тадан 400 тагача бўлса, 3 яшар боланинг сўз запаси 1000 тадан 1200 тагача ва 7 яшар боланинг сўз запаси 4000 тага етади. Демак, боғча ёши даврида боланинг нутқи ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан анча такомиллашади. Боғча ёшидаги болалар нутқини ўсиши оиланинг маданий савиясига боғлиқ. Катталар болалар нутқини ўстириш билан шуғулланар эканлар, боғча ёшидаги болалар баҳзи ҳолларда ўз нутқ сифатларини тўла идрок эта олмасликларини унутмасликлари керак. Бундан ташқари, болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-бирдан фарқ қилиш қобилияти ҳам хали тўла такомиллашмаган бўлади.

Тили чучукликни тузатишнинг энг биринчи шартларидан бири бола билан тула ва тўғри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи бўлиб уларнинг таълим –тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, таклид қилиш жараёнида, шу билан бирга катталарнинг айниқса оналарнинг мақтови ва танқидлари орқали ўтади ва мустақамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовларнинг бола шахсидаги муваффақиятга эришишга ҳаракат хусусиятининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти, ҳамда касб танлашида аҳамияти жуда катта.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. У шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари бу –боланинг ташвишга солаётган ички муаммолари билан боғлиқ, ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста –секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгалаш билан боғлиқ бўлган ўқиш мотивлари қўшилади. Бу мотивлар илк болалик даврдан бошланиб юзага келадиган болаларнинг табиий қизиқувчанлиги ўрнида пайдо бўлади. Ўзини кўрсатиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён бўлади

Кичик ва ўрта боғча ёшида бола характерининг шаклланиши давом этади. У асосан болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб болада аҳамиятли ҳисобланган –ирода, мустақиллик ва ташаббускорлик каби аҳамиятли шахсий хусусиятлар ривожлана бошлайди. Катта Боғча ёшида бола атрофдаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқот ва муносабатларга киришишга ўргана бошлайди. Бу эса унга келажакда одамлар билан тил топишишда, иш бўйича ва шахсий муносабатларни нормал равишда ўрната олишида фойда келтиради. Бу ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида уларнинг ота –оналари ҳақидаги фикрлари ва уларга берадиган баҳолари ниҳоятда аҳамиятлидир.

Боғча ёшидаги болаларнинг ҳаёли, асосан, уларнинг турли-туман ўйин фаолиятларида ўсади. Бирок, шу нарса диққатга сазоворки, агар боғча ёшидаги болаларда ҳаёл қилиш қобилияти бўлмаганда эди, уларнинг ҳаёли ҳам хилма-хил бўлмас эди. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳаёллари турли хил машгулотларда ҳам ўсади. Боғча ёшидаги болалар ҳаёлининг ўсишига фаол таъсир қилувчи омиллардан яна бири эртақлардир. Болалар хайвонлар ҳақидаги турли эртақларни эшитганларида шу эртақлардаги образларга нисбатан маълум муносабат юзага келади

Боғча ёшидаги болаларда ёқимли ва ёқимсиз ҳис-туйғулар ғоят кучли ва жуда тез намоён бўлади. Боғча ёшидаги болаларнинг ҳис-туйғулари улар органик эҳтиёжларининг кондирилиши ва кондирилмаслиги билан боғлиқдир. Бу эҳтиёжларнинг кондирилмаслиги сабабли болада нохушлик (ёқимсиз), норозилик, изтиробланиш туйғуларини кўзғайди. Катта боғча ёшидаги болаларда бурч ҳисси – нима яхши-ю, нима ёмонлигини англашлари билан ахлоқий тасавурлари ўртасида боғлиқлик бор. Катта одамлар томонидан буюрилган бирон топшириқни бажарганларида мамнунлик, шодлик туйғулари пайдо бўлса, бирон тартиб қонидани бузиб қўйганларида хафалик, таъби хиралик ҳисси туғилади.

Боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабга тайёргарлик даражаларига боғлиқ. Бола аввало мактабга жисмоний жиҳатдан тайёр бўлиши керак. 6 ёшли болаларнинг анатомик-физиологик ривожланиши ўзига хос тарзда кечади. Бу ёшда бола организми жадал ривожланади. Унинг оғирлиги ойига 150- 200 гм дан буйи эса 0,5 см дан кўпаяди. 6 ёшли болалар турли тезликларда юра оладилар, тез ва енгил югура оладилар. Улар югуриб келиб сакраш, қонғида югуриш, чангида учиш, сўзиш сингари ҳаракатларни ҳам бемалол бажара оладилар. Мусиқа бўйича машгулотларда ҳам бу ёшдаги болалар хилма-хил ритмик ва пластик ҳаракатларни бажарадилар, турли машқларни ҳам аниқ, тез, енгил ва чаккон бажара оладилар.



Боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши нафақат унинг аклий ва жисмоний тайёргарлиги, балки шахсий ва ижтимоий-психологик тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Мактабга ўқиш учун келаётган бола янги ижтимоий мавқеини - турли мажбуриятлари ва ҳуқуқлари бўлган ва унга турли талаблар қўйиладиган - ўқувчи мавқеини олиш учун тайёр бўлмоғи лозим.

Бу даврда болаларда аввало билиш соҳалари сўнгра эса эмоционал мотивацион йўналиш бўйича ички шахсий ҳаёт бошланади. У ёки бу йўналишдаги ривожлашин образлиликдан то символлиликгача бўлган босқичларни ўтайди. Образлилик деганда болаларнинг турли образларни яратиш, уларни ўзгартириш ва уларни эркин ҳаракатга солиш, символлилик деганда эса белгилар системаси (математик, лингвистик, мантикий ва бошқалар) билан ишлаш малакаси тушунилади. Мактабгача ёш даврда ижодкорлик жараёни бошланади. Ижодкорлик лаёқоти асосан болаларнинг конструкторлик ўйинларида, техник ва бадиий ижодларида намаён бўлади. Бу даврда махсус лаёқатлар куртакларнинг бирламчи ривожланиши кўзга ташлана бошлайди. Билиш жараёнларида ички ва ташқи ҳаракатларнинг синтези юзага келади. Бирон бир нарсани идрок қилиш жараёнида бу синтез перцентив ҳаракатларда, диққатда ички ва ташқи ҳаракатлар ва ҳолатлар режасини бошқариш ва назорат этишда, хотирада эса материални эса сақлаб қолиш ва эса тушуришнинг ички ва ташқи тўзимасини боғлай олишда кўринади. Тафаккурда эса амалий масалалар ишининг усуллари битта умумий жараёнга бирлаштириш сифатида яққол номоён бўлади. Шунинг асосида инсоний интелект шаклланади ва ривожланади. Мактабгача даврда тасаввур, тафаккур ва нутқ умумлашади. Бу эса бу ёшдаги болаларда тафаккур қилиш омили сифатида ички нутқ юзага келаётганидан далолат ҳисобланади. Билиш жараёнларнинг синтези боланинг ўз она тилисини тўлиқ эгаллаши асосида ётади. Бу даврда нутқнинг шаклланиш жараёни яқунлана бошлайди. Нутқ асосидаги тарбия жараёнида болада элементар ахлоқий норма ва қоидалар эгаланилади. Бу норма ва қоидалар бола ахлоқини бошқаради.

Бола ва атрофидаги кишилар орасида хилма хил муносабатлар юзага келиб, бу муносабатлар асосида турли хил мотивлар ётади. Бўларнинг ҳаммаси боланинг индивидуаллигини ташкил этиб, унинг бошқа болалардан нафақат интелекти балки ахлоқий мотивацион жиҳатдан фарқланадиган шахсга айлантиради. Мактабгача ёшдаги болалар шахси ривожининг чўққиси бўлиб, уларнинг ўз шахсий сифатлари, лаёқатлари, муваффақият ва муваффақиятсизликларини англаш, ўз-ўзини англаш ҳиссининг юзага келгани ҳисобланади.

### **КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ДАВРИ**

Болаларнинг кичик мактаб ёшидаги даври 7 ёшдан 11 ёшгача бошланғич синфларда ўқиши йилларига тўғри келади. Боғча ёшидаги болалик даври тугади. Мактабга келиш олдин бола қуйидагига кўра ўз ҳаётини энг муҳим даврига яъни мактаб даврига томонида қўйиладиган турли туман талабларни бажаришга бошқача қилиб айтганда таълим олишга хали жисмоний ҳам психологик жиҳатидан тайёр бўлади. Бола расм чизиш машғулотларида мелғ ёки пластинкадан нарса яшаш ишларида ва энг оддий кўриш яшаш машғулотларида яққол намаён бўлади. Бола ўз диққатини бошқаришда ўз диққатини мустақил ташкил қилишида бир мунча тажриба ҳосил қилган бўлади. 7 ёш боланинг сўз хонаси ҳам етарли даражада бой ва мавҳум тушунчалар миқдори анча юксак бўлади. Бола эшитганларини етарли даражада кенг тушунади. Мутахассисларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича яхши ташкил қилинган таълим 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тафаккурини ривожлантиради. Улар содда машқлар ва масалаларни туза оладиган ҳамда еча оладиган бўладилар. Уларда бурч ҳисси ва жавобгарлик ҳисси эндигина намаён бўла бошлайди. 7 ёшли бола ўз ҳиссиётларини бошқариш тажрибасини эга бўларнинг ҳаммаси мактаб таълимига тайёргарлиги муҳим шартларидан бири юқорида айтганларининг ҳаммаси боланинг мактаб психологияси жиҳатидан тайёр эканлиги объектив тамойилларга мақулдир. Бошланғич синфларда педагог ишларни ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик физиологик хусусиятларини ижтимоий тараққиёт даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Д.Н. Левитов тўғри қайд қилиб ўтганидек ҳеч бир мактаб ёшида саломатлик ҳолатига ва ижтимоий тараққиётига кичик мактаб ёшидаги маҳкам боғлиқ бўлмайди. Бола 7 ёшдан 11

ёшгача жисмоний жиҳатдан нисбатан осойишта ва бир текисда ривожланади. Бўйи ва оғирлиги организмнинг тиниклиги ўпкасининг ҳаётини хажми анча текис ва пропалғционал ривожланади

Психолог Л.С.Славинанинг кўрсатишича бошланғич синфда билиш фаоллиги етарли даражада бўлмаган болалар учраши мумкин.

Бундай болалар интилувчан жиҳатидан нормал ривожланган бўладилар. Бу ривожланиш уларнинг ўйин ва амалий фаолиятларида намаён бўлади. Фаол фикр қилиш улар учун характерлидир. Бундай ўқувчиларига ўқитувчида алоҳида диққат билан қараш керак. Уларнинг фикр қилиши фаолиятига одатлантириб уларни ютуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши дастлабки пайтларда ўқув вазифаларини бажаришни ўйин ва амалий фаолиятни билан боғлаб олиб бориш керак.

**Муаммоли савол: Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг фаолияти етакчи фаолияти нимадан иборат?:**

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг барча ўқиш фаолияти қаттиқ равишда мақсадга мувофиқлаштирилгандир. Биринчидан, ўқувчилар ўқиш, ёзиш, ва ҳисоблаш малакасини эгаллашларини, арифметика, она-тили, тарих, география ва табиатшуносликдан геометриянинг элементар асосларидан анча катта хажмда билимни ортиришлари керак. Иккинчидан, боланинг билим даражаси ва билиш қизиқишлари кенгайди ҳамда ривожланади. Учинчидан билим жараёнларининг тараққиёти, ақлий ривожланиш юзага келади. Фаол мустақил ижодий фаолият учун қобилият таркиб топади ва ниҳоят ўқишга бўлган йўналиш ўқишга нисбатан махсулиятли муносабат ўқишни юксак омилларини топиши керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билим жараёнларини ва уларнинг фаолиятида тараққий этишини характерлаб берамиз.

**Идрок.** Кичик мактаб ёшидаги болалар идрокиннинг ўткирлиги софлиги билан фарқ қиладилар. Ўқувчиларнинг идроки ўзига хос билимга томошабин тариқасида берилганлик билан фарқ қилади.

**Диққат.** Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар диққатининг асосий хусусиятлари ихтиёрий заифлигидадир. Кичик мактаб ёшида диққатни ирода кучи билан мослаш ва уни бошқариш имконияти чекланган бўлади.

**Хотира.** Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хотира таълимининг таъсири билан икки йўналишда ривожланади. Сўз мантиқ хотирасининг ва маҳносига тушуниб эсда олиб қолишнинг ролғи ва унинг салмоғи кучаяди, тартибга солиш имкониятларига бўлади.

Биринчи сигнал системасининг фаолиятининг нисбатан устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сўз мантиқ хотираси деб аталган хотирага қараганда кўргазмали-образли хотира кўпроқ ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қоида ва тушунтиришларга қараганда конкрет маълумотларни, воқеликларни, қиёфаларни нарсаларни ва фактларни яхши тез эсда олиб қоладиган ва хотираларида мустаҳкам сақлайдилар.

**Ҳаёл.** Ҳаёл муҳим психик билиш жараёнларидан биридир. Ҳаёлнинг фаолияти ўқитувчи гапираётган ва дарсларда ёзилган нарсаларнинг тасаввур қилишни ҳамда кўргазмали образлар билан ишлашни билмай туриб, ҳеч қандай ўқув предметни чинаккам ўзлаштириши мумкин эмас.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ҳаёли унинг ўқув фаолиятининг таъсири ва талаблари билан таркиб топади. Шунинг билан бир қаторда бевосита таҳсуротлар (мўзей, виставкаларнинг бориб кўриш, кинокартиналарни кўриш, экскурсияларга бориш, мактаб ер участкасида ишлаш ва бошқалар) ҳам ҳаёлни ривожлантиради.

**Муаммоли савол; Кичик мактаб ёшидаги болалар шахсининг ривожланиши нималарга боғлиқ бўлади?:**

Гарчи кичик мактаб ёшидаги давр шахсининг тараққиётида ҳал қилувчи силжишлар даври бўлмаса ҳам бизнинг фикримизча бундай давр ўсмирлик давридир, шунга қарамай, бу даврда шахсининг таркиб топиши етарли даражада сезиларли юз беради. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, мактабга кириш боланинг ҳаётида бурилиш моменти ҳисобланади. Катталар

(ўқитувчилар) ва тенгдошлари (синфдошлари) билан янги муносабатлар майдонга келади. Болага бутун бир жамоавийлар системасига (умум мактаб, синф) қўшилади. Ўқитувчи ўз олдига бир қатор жиддий талабларни қўйган ўқишга янги фаолият турига қўшилиш ўқувчининг ўз ҳаётини қатъий тарзда ташкил қилишга, қоида ва режимга бўйсунушга мажбур қилади. Бўларнинг барчаси теварак-атрофдаги воқеяликка, бошқа кишиларга, жамоавийга таълимга ва унинг билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга нисбатан янги муносабатлар системасининг таркиб топтиришга ва мустаҳкамлашга қатъий равишда таъсир қилади ҳарактерни иродани таркиб топтиради. қизиқишлар доирасини кенгайтиради, қобилиятлар тараққиётини белгилайди.

Ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракатлар қоидаларини ўзлаштириш кичик мактаб ёшидаги даврда ахлоқий хати-ҳаракат пойдевори қўйилади, ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракат қоидалари ўзлаштирилади. Шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий онглари 1-синфдан 4-синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди. Бу ёшнинг охириги даврларига келиб ахлоқий билимлар тасаввурлар ва мулохазалари сезиларли даражада бойийди, анча англаган бўлади, турли тушунчаларга эга бўлади, умумлашади- 1 ва 2 синф ўқувчиларининг ахлоқий мулохазалари ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасида ва ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг конкрет кўрсатмалри ва тушунтиришларига асосланади. 3-4 синф ўқувчилари эса ахлоқий мулохазаларида ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасига ва катталарнинг кўрсатмаларига асосланиш билан бошқа кишиларнинг тажрибаларини ҳам анализ қилишга интиладилар бундай адабиётларни ўқишда болалар учун чиқарилган кинофилмларни кўриш анча катта аҳамият касб этади. Ахлоқий хатти-ҳаракатлар ҳам худди шундай таркиб топади. 7-8 ёшдаги болалар тўғридан-тўғри катталарни жумладан, ўқитувчининг кўрсатмалари билан ижобий бўладиган кўрсатмани кутиб ўтирмай, бундай ижобий ахлоқий ишларининг бошидан қанчасини ташаббуслари билан амалга оширадилар.

**Ҳарактер.** Кичик мактаб ёшдаги болаларда намаён бўлган ҳарактероғғоик хатти-ҳаракатларни ҳамма вақт ҳам муносабатлар амалга ошириладиган барқарор ва мустаҳкам хатти-ҳаракат формалари деб бўлавермайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳарактер жиддийгина таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги болалар ҳарактери, хатти-ҳаракатлари ўзининг беқарорлиги ва қарама-қаршилиги билан фарқ қилиши мумкин. Шу муносабат билан баъзан улардаги ўткинчи психик ҳолатларни хато ривишда ҳислатига қўшиб юбориш мумкин. Н.Д.Летовитов бу хатога шундай бир мисол келтиради. 1-синф ўқитувчиси ўз ўқувчи қизларидан бирини ҳар қандай ишни охиригача етказа оладиган, қийинчиликларни енга оладиган матонатли қиз деб ҳисоблар эди. Бироқ тажрибали психолог томонидан ўтказилган кузатишдан бу ҳусусият маълум шароитдагина майдонга келадиган вақтинчалик, яъни ўткинчи психик ҳолат эканлиги маълум бўлди. Ўқувчи қиздаги хатти-ҳаракатни кўрганда ва дугонасининг фаолияти муваффақиятли бўлганда намаён бўлган муваффақиятсизлик қизчани издан чиқариб қўйган.

**Қизиқишлар.** Мактаб таълимининг дастлабки йилларида қизиқишлар, ҳусусан билишга бўлган қизиқиш, теварак-атрофдаги оламни билишга бўлган қизиқиш кўпроқ билимга бўлган ташналик ва интеллектуал қизиқувчанлик жуда сезиларли равишда ривожланади. Психологларнинг таҳқидлаларига қараганда даставвал айрим фактларга, бошқа нарсалардан ажратиб олинган ёлғиз ходисаларга нисбатан қизиқишлар бўлади. Ундан кейин эса сабабларини, қонуниятларини, ходисалар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликларни билиб олиш учун бўлган қизиқишлар ривожланади. Агар 1-2 синф ўқувчиларини «бу нима?» деген савол қизиқтирса бирмунча каттароқ ёшдаги болалар учун «нима сабабдан», «қандай қилиб?» деган саволлар ташкил бўлиб қоладит. Ўқиш малакасини ривожланиши билан китоб ўқишга, қизиқарли бўлган муайян адабиётларни, эртақларни ўқишга, бундан ҳам сўнграқ қийин бўлмаган илмий фантастик ва сарғўзаштлар ҳақидаги китобларни ўқишга қизиқиш пайдо бўлади. Техникага айниқса, ҳозирги замон техникасига, ракеталарга, ой станцияларига, лунаходларга, энг янги типдаги автомобил ва самолётларга бўлган қизиқиш тез таркиб топади. Қишлоқ мактабларининг 3- 4- синф ўқувчилари қишлоқ хўжалигига нисбатан сезиларли даражада ўз қизиқишларини намаён қила бошладилар. Шунинг учун ўқитувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга нисбатан муносабатларида қизиқишлар ривожланишининг

қонуниятларини назарда тутиш зарурдир. Юқорида айтиб ўтилгандек хусусан ўқитувчининг тегишли баҳоси билан аниқланадиган боланинг ўқишидаги ўз муваффақиятларини, қўлга киритган ютуқларини ичдан ҳис қилиш катта хусусиятга эгадир.

**Бадий-эстетик ривожланиш.** Кичик мактаб ёшидаги даврда болалар бадий-эстетик ривожланишда катта имкониятларига эга бўладилар. Болалар одатда расм чизишга, лой ёки пластилиндан нарса ясаш ишларига, ашула айтиш ва мўзикага жуда қизиқадилар. Бундай фаолиятни тўғри тадқиқ қилиш бир томондан болаларга эстетик ҳисларнинг ривожланишига ёрдам беради, иккинчи томондан тегишли қобилият компонентларининг ривожланишига учун шарт-шароит яратади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Бирок шуни такидлаб ўтиш лозимки, ҳар қандай меҳнат ҳам шахсда ижтимоий жиҳатдан қимматли ҳислатларини тарбиялайвермайди. Меҳнат ўз шахсий манфаати учун бажонудил ва кўп меҳнат қилишга бўлган худбинни ҳам тарбиялайди.

Болалар ўз-ўзига хизмат қилиш ва ўзлари учун фойдали бўлган нарсаларни тайёрлаш билан шуғулланаётганларида уларда меҳнатсеварликни тарбиялашга хусусан зўр эҳтибор бериш керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни секин-аста кўпчилик фойдасига қаратилган, бошқалар учун бўлган ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш жуда муҳимдир. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафакат билиш жараенларининг юқори даражада ривожланиши балки шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун ҳам имконият яратади. Шунингдек бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари билан боглик бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини кондиришга, шунингдек тенгдошлари орасида уз урнига эга булишига имконият ҳам яратади. Айнан ана шу урин ёки мавкега эришиш учун ҳам бола яхши ўқиш учун ҳаракат қилиши мумкин. Бу ёшданги болалар доимий равишда узлари эришган муваффақиятини бошқа тенгдошлари муваффақияти билан солиштирадилар. Улар учун доимо биринчи булиш ниҳоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобакага киришиш мотиви табиий психологик эҳтиёж ҳисбланиб бу мотив уларга кучли эмоционал зуриқишни беради. Бу хусусиятлар аслида богча даврдан бошлаб юзага кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек ўсмирлик даврида ҳам яққол кузга ташланади. Кичик мактаб ёшидаги болалар катталарнинг у хақидага фикр ва баҳоларига қараб узларига узлари баҳо берадилар. Ўқувчининг узига узи берадиган баҳоси асосан тугридан тугри ўқитувчининг берадиган баҳосига ва турли фаолиятларидаги муваффақиятларига боглик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда уз узига берадиган баҳолари турлича – юқори, адекват, паст булиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, очиклик, ташқи таъсирларга берилувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлари уларни шахс сифатида тарбиялаш учун яхши имконият яратади. Кичик мактаб ёши даврини боланинг турли фаолиятларда муваффақиятга эришишини белгилаб берувчи асосий шахсий хусусиятларни юзага келиш ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топиш билан бир қаторда меҳнатсеварлик ва мустақиллик каби сифатлар ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик асосан ўқиш ва меҳнат фаолиятида ривожланади ва мустаҳкамланади. Меҳнатсеварлик болада уз қилаётган меҳнати унга завқ берган тақдирдагина юзага келади. Болада мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боглик. Агар бола хаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очик хусусиятли булса унда аста секинлик билан буйсинувчанлик мустақил бўла олмаслик хусусияти мустаҳкамлана боради. Лекин болани вақтли мустақилликга ундаш унда кулоқсизлик ёпиқликни шаклланишига олиб келади ва ҳаётий тажрибаларни асосан кимларгадир тақлид қилган ҳолда узлаштиради. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек шундай бир ижтимоий психологик муҳит яратиш керакки, унда болага бирон бир маъсул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари, катталар ва

бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин .Ана шу ҳис болада мустақил булишга ундовчи мотивларни юзага келтиради.

7-11 ёшли даврда болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Болани уз-узини англаши ҳам жадал ривожлана боради ва мустақамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларига янада кўпроқ аҳамият бера бошлайдилар ва уларнинг исмлари тенгдошлари ва атрофдагилар томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Болани ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашида аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айникса қизлар ўзларининг юз-тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атворни ва фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли ривишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришига, ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишининг қарор топишига ёрдам беради. Ўқувчи хулқ-атворининг мотивлаштириши ҳам ўзгаради. Бунда ўртоқлар ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйгулар ва шахснинг иродавий хусусиятлари шаклланади.

5-6 ёшли даврида болаларнинг кўзга ташланган хусусиятлари 4 йил давомида ривожланади ва мустақамланади ҳамда ўсмирлик даврининг бошларига келиб жуда кўп шахсий фазилатлар шаклланиб бўлади. Болаларнинг индивидуалликлари уларнинг билиш жараёнида ҳам кўринади. Бу даврда болаларнинг билимлари кенгаяди ва чуқурлашади, кўникма ва малакалари такомиллашади. 3-4 синфларга бориб кўпчилиб боаларда умумий ва махсус лаёқатлар кўзга ташланади. Кичик мактаб ёш даврида ҳаёт учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган муваффақиятга эришиш мотиви мустақамланади, бу эса ўз-ўзидан бошқа лаёқатларни жадал ривожланишига олиб келади.

Бу ёшдаги болаларда идрок, диққат, хотира, тафаккур ва нутқ тўлиқ шаклланиб бўлгани учун ҳам уларга таълим беришда катталарга қўлланиладиган услублардан фойдаланиш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болалар психик ривожланишига уларнинг атрофидаги одамлар, ота-онаси ва айникса ўқитувчи билан бўладиган муносабати орқали эришиши мумкин. 3-4 синфларга бориб бола учун унинг ўртоқлари билан муносабатининг ҳам аҳамияти ортади. Бу муносабатлардан катталар таълим-тарбия мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Бу ёшдаги болалар соатлаб ёлғиз холда севимли машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин ва шу асосда уларда меҳнатсеварлик ва мустақиллик фазилатлари шаклланади. Бу нарса ана шунинг учун муҳимдирки, биринчи синф ўқувчиларининг меҳнат фаолиятида шахсий мотивлар аниқ намаён бўлади. Биринчи синф ўқувчиси ўзи учун зарур бўлган нарсани катта кунт билан берилиб тайёрлайди. Бошқалар учун ишлашга эса, унда хали тажриба йўқ.

## **ЎСМИРЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ**

Ўсмирлик инсонни балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқ қилади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик дунёсида туб бурилиш нуктаси вужудга келади. Балоғат даврига 11-15 ёшли қизлар ва ўғил болалар кирадилар. Камолотнинг мазкур палласида жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади.

Ўсмирлик ёшида қизлар ва ўғил болаларнинг жисмоний қиёфасида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу даврнинг бошланишида қизлар ўғил болаларга нисбатан тезроқ ўсиб улғаядилар. Бу нарса қиз болаларнинг эртароқ жинсий балоғатга етишига боғлиқдир.

6, 7- синфларда новча, салобатли бўлиб кўринадиган бўйчанг қизлар билан ёнма-ён паст бўйли, серхаракат ўғил болалар тез ўсиб, қиз болалар билан тенглашиб оладилар. Юқори синфга ўтганларида эса улардан ўзиб кетадилар.

Ўсмирлик даврида ўғил болаларнинг бўйи 25-30см, қиз болаларнинг бўйи 18-20 см ўсади. Бу даврда тананинг интенсив ўсиши юзага келади.

Маълумки, бўйига ўсиш, найсимон суяклар ва умуртқа поғонасининг узайиши хисобига рўй беради. Бу даврда найсимон суякларнинг охириги таянч қисмлари хали етарли даражада суяклашмаган, юмшоқ бўлади. Бу хусусиятларни назарда тутиш, ўсмирнинг спортнинг мураккаб оғир турлари билан шуғулланишига йўл қўймаслик керак. Акс холда боланинг умуртқа поғонаси қийшайиб, бўйи ўсмай қолиши мумкин.

Ўсмирлик ёшининг иккинчи даврида юз суяклари, айниқса унинг умуртқа қисми (бурун, юқори жағ, ёноқ) жуда тез шакллана бошлайди. Юз кейинчалик қарийиб ўзгармайдиган муайян шаклга киради. Оғиз бўшлиғи ва халқум ўзгаради, бўғизда ҳам ўзгариш рўй беради: овоз пайлари узаяди ва кучаяди. Натижада ўсмирларнинг, айниқса ўғил болаларнинг овози йўғон ва паст бўлиб қолади. «Овознинг бузилиши» ёш болаларга хос ўткир, овознинг нисбатан паст, катталарга хос овоз билан алмашинувидир.

Бироқ бу овозлар орасига хали боланинг ўткир овози қўшилиб ҳам туради. Катталар хазил билан ўсмирлар овозини «хўроз овози» деб атайдилар. Овознинг ўзгариши ўсмирнинг ўзини таажубга солади. Қизларнинг овози кескин ўзгармайди. Шундай бўлса-да қизларга хос ўткир, жаранглаган овоз аста-секин қизларнинг майин, текис ва нозик, салгина пасайган овозига ўз ўрнини беради.

Ўсмирлик ёшида мускул системасининг ўсиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мускуллар тез ўсиб, мустахкамланиб боради. Оёқ ва қўл суякларининг ўсишдан орқада қолади. Ўсмирларнинг мускуллари хали ингичка, нисбатан кучсиздир. Натижада ўсмирнинг гавдаси номутаносиб, ҳаракатлари, юриши нотекис, бесўнақай бўлади. Оёқ товонлари тез ўсади. Оёқлар узун, мускуллар нозик бўлганидан ўсмир юришидаги бесўнақай бўлади. Ўсмирларда ўз мускулларини ўстиришга зўр иштиёқ туғилади. Улар оғир нарсаларни кўтардилар. Мускулларини ўстирадиган машқлар билан шуғулланадилар. Ўсмирлик даврида нафас олиш органлари жадал ривожланади.

#### **Муаммоли савол: Ўсмирлик давридаги жинс тафовутлари нималардан иборат?**

Ўғил болаларда 11 ёшда 1900-2000 мл; 15 ёшда 2600-2700мл шунинг учун нафас олиш ҳар дақиқада 2 марта камаяди. Ўғил болалар қорин билан, қизлар эса кўкрак билан нафас ола бошлайдилар.

Кислародга очлик ўсмирнинг психик фаолиятига таъсир этиб, мия мускул системасидан фарқли равишда кислароддан бир неча марта кўп истеъмол қилади. Ана шунинг учун ҳам яхшилаб шамоллатилмаган ва кўп ўқувчи ўқийдиган синфхоналарда ўсмирлар тез чарчайдилар ва иш қобилиятлар тез сусаяди. Натижада бола дарсга қулоқ солиб ўтирмаслиги, интизомга риоя қилмаслиги мумкин.

Ўсмирларнинг юракнинг хажми ва тириклик сиғими ҳар йили 25% катталашиб боради.

Мазкур даврда тананинг умумий хажмидан 7-8%ни қон ташкил қилади. Қон босими бирмунча ошади, симоб устунининг 110-115 мм даражасида бўлади. Юрак қисқаришининг частотаси бир қадар секинлашади. Масалан, 11 ёшда дақиқада 85-90 марта урган бўлса, 14-15 ёшларда 70 мартагача пасаяди.

Ўсмирларнинг жисмоний жихатдан ўсишида жинсий балоғатга етиш катта роль ўйнайди. Жинсий етилишнинг бошланиши кўп жихатдан иқлимга ва миллий-этнографик омилларга ва шу билан бирга индивидуал ҳаёт хусусиятларига (соғлигига, бошдан кечирган касалликлар, овқатланишга, меҳнат ва дам олиш режими, теварак-атрофдаги шароитга ва бошқаларга) боғлиқдир. Жинсий етилишнинг бошланиши даври ўғил болаларда 12-13 ёшга, қиз болаларда 11-12 ёшга тўғри келади. Кўпчилик ўғил болалар ҳозирги вақтда жинсий жихатдан 15-16 ёшда, қиз болалар эса, 13-14 ёшда етиляпдилар. Натижада бошқа жинсга кизиқиш ортади, орзу, хошиш, нозик туйғу, соғиниш, изтироб каби кечинмалар пайдо бўлади.

Ўсмирлар жинсий, етилиш сирларининг 17%ни ота-онадан, 9%ни ўқитувчилардан, 4%ни мактаб врачидан ва қолган яширин жихатлари, холатлари тўғрисидаги маълумотларни кўча куйдан, ўртоқлари ва дугоналаридан эшитиб билиб оладилар.

Шахснинг ахлоқий жихатдан интенсив таркиб топиши, хатти-ҳаракатларининг ахлоқий этник номаларини ўзлаштириш ўсмирлик ёшининг муҳим психологик характеристикаларидандир.

Ўсмирлик ёшида фақат жисмоний тарақиёт юзага келмай, балки боланинг шахси ҳам сезиларли ривожланади. Бола шахсининг ривожланиши теварак-атрофдаги воқеликнинг таъсири ортида мактабдаги, таълим тарбия жараёнининг таъсирида, коллектив ва тарбиячиларнинг ғоявий раҳбарлиги остида амалга ошади.

Ўсмирлик ёши хатти-харакатларида суяна бошлайдиган дунёқарашларнинг, маънавий эътиқод, принцип, қоида, идеаларининг, баҳолаш, мулохазалари системасининг таркиб топиши давридир. Агар кичик мактаб ёшидалиқ даврида у катталарнинг, яъни ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бевосита кўрсатмалари билан, ёки ўзининг тасодифий ва импульсив истақлари таъсири билан ҳаракат қилган бўлса, эндиликда унинг учун ўз хатти-харакатларининг принципи, ўзининг қарашлари ва эътиқодлари асосий аҳамият касб этади. Ўқитувчи ва тарбиячи шуни назарда тутиши лозимки, худди ана шу ёшда ахлоқий онг тараққиётига замин қўйилади.

Ўсмир турли нарсаларни мутлақо аниқ дифференциаллайди. Агар танаффус пайтида ўйнаб туриб стулни синдириб қўйса ва уни устахонада тузатиш лозим бўлса, бу жазо эмас. Агар ўзининг ифлос қилган жойини супуришга мажбур қилинса бу ҳам жазо эмас. Буларнинг мантиқи ўсмир учун равшан, яъни бу жазолаш эмас, балки хати-харакатларининг натижаларини тузатишдир.

Психологлар ўз олдларига ўсмирлар маънавий онгининг мазмунини, уларнинг ахлоқий тушунчалари ва тасаввурларини ўрганиш вазифасини қўйганлар. Тадқиқотлар умуман ўсмирлар маънавий онгининг юксак даражада эканлигини кўрсатади. Ўсмирларнинг кўпчилик қисми ёшларга муносиб маънавий тушунчаларни тўғри тушунадилар. Бир неча мисоллар келтирамиз; қатъийлик- «бу, одам энг қийин ишларни амалга оширишга киришганда, унинг ҳеч қандай муваффақиятсизликдан қўрқмай ишни охиригача олиб боришида кўринадиган хусусиятдир» (12ёш) «қатъийлик яхши одамда ҳам ривожланади, аммо ёмон одамда ёмон ишларга, яхши одамда эса яхши ишларга хизмат қилади.» (12ёш) ўсмирлик ёшининг охирига келиб чуқур англашлик даражаси, албатта, сезиларли ўсади. «Камтарлик-бу, ўзига оқилона баҳо бера билиш, ўз-ўзига ва хатти-харакатларига нисбатан танқидий муносабатда бўлишдир».

Эътиқод ва дунёқарашнинг таркиб топиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ўсмирларнинг ахлоқий идеаллари ҳам юзага кела бошлайди. Бу идеаллар етарли даражада чуқур, мазмундор, фаолдир ва бу идеаллар ўзига хос ахлоқий эталон бўлиб хизмат қилади, ўсмир эса ўз хатти-харакатларини ана шу эталон билан тенглаштиради. Кичик ёшдаги ўсмирлар учун одатда қандайдир конкрет бир киши идеал бўлади. Бу одам ўсмир юксак даражада баҳолайдиган сифатларни ўзида гавдалантирган бўлади. Кўпгина бундай идеал ота-оналар, ўқитувчилар ёки яхши кўрадиган китобидаги ва кинофильмидаги қаҳрамонлардир.

Ўсмирлар ўзларининг келажакдаги ҳаёт ва фаолиятларини ўз орзуларида лойихалаштирадилар. Катта ишлар ва қаҳрамонона касб кишилари фан ва меҳнат кишилари ўсмирларимизнинг ақл-хушини ўраб олгандир. Бу мамлакатимиз ҳаётидаги кенг ва чуқур ижтимоий ходисалар билан ҳозирги вақтдаги ҳақиқий қаҳрамонона ишлар билан боғлиқдир. Сўнгги йилларда ўсмирларнинг қаҳрамонлик ҳақидаги орзу ва умидлари тобора кўпроқ ўз ҳаётини фазони забт этишга, ракета техникасига, қувватнинг янги турларидан фойдаланишга, химия, физика, биология ва медицина соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш билан боғланмоқда. Ўсмирларимизнинг орзулари уларнинг мамлакатимиз ҳаётида, ижтимоий фойдали фаолиятда қатнашиши учун бўлган иштилишлардан дарак бермоқда.

Ўсмир ўғил болаларда жасорат кўрсатишига, олифталikka мойил бўладилар. Бу нарса баъзан хатто жиддий равишда интизомни бузишга олиб келади. Улар: жассурлик ёки дадиллик бу, ҳаётни хавф остида қолдириб ҳаракат қилиш, нима учун бўлишидан қатий назар, бари-бир одамнинг энг хавфли ишга киришидан иборатдир деб ҳисоблайдилар. Бунда энг муҳими кўрқмаслик ҳеч кимга кераги йўқ мардликдир, лекин ҳар ҳолда мардлик. Оқилона кўрқокликдан аҳмоқона мардлик яхшидир.

Бунга мисол тариқасида қўйидаги ҳаётий воқеани келтириш мумкин: мактаблардан бирида ўсмир болалар шундай бир машқни ўйлаб чиқаришган: тўртинчи қаватдаги балкондан

учинчи қаватдаги балконга сакраб тушишарди, улар қўлда осилиб туриб, у ёки бу ёққа тебраниб, сўнг сакрашади. Нима сабабдан улар бу ишни қилганларини билиш учун директор бу болаларни ўз кабинетига чақирди. Даставвал болалар уришиб беришади деб индамай туришди, лекин бир оздан сўнг дадилланиб, бу қилган ишлари «жасурлик аттестати учун имтихон» эканини гапира бошлайдилар. Ким бу ишни қилган бўлса, у жасур, ким бу ишни қилмаган бўлса, у кўроқ. Жуда кўп нохуш минутларни бошдан кечирган директор болаларга бундай дейди: «Мана бундай десак, сизларга қандай туюларкин, кимки бу ишни қилган бўлса, у ахмоқ, агарда ким қилмаган бўлса, у ақлли». Болалар бунга шундай жавоб қайтаришди: «Нима ҳам дер эдик, мени кўроқ дегандан кўра, яхшиси ахмоқ деб хисоблаб қўя қолинг».

Ўсмирлик ёшида, яъни одам шахс сифатида таркиб топаётган бир пайтда ўзини катталардек хис қилиши, катталарнинг иродаларга қарши тура олишини англаш муҳимдир. Катта ёшли ўсмирлардан бири ўқитувчининг олдида кечирим сўрашни талаб қилаётган директор билан бўлган суҳбатда мағрур равишда бундай дейди: «Мен принципиал одамман, мен ҳаётимда ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг олдида кечирим сўраган одаммасман!». Буларнинг ҳаммаси ўзига хос ахлоқий дунёқарашдан иборатдир. Психологлар ўсмирларнинг характеристикалари билан танишганларидан сўнг шу нарса маълум бўлдики, ўсмирларнинг характеристикалари хатти-харакатлари билан тўла мос келади, яъни уларнинг ахлоқий онги хатти-харакатлари даражасига «ўсиб чиқиб», хатти-харакатларни белгилайди. Сўнгги пайтларда Л.Н. Десев ўсмирларнинг ахлоқий тушунчалари мзмунини тадқиқот қилиб (А.Г. Ковалов раҳбарлиги остида), уларнинг ахлоқий категорияларни тушунишлари кўпинча юзаки, формал характерга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзини англаш эҳтиёжи ҳаёт эҳтиёжларидан ва амалий фаолиятларидан келиб чиқади. Ўзини англаш катталарнинг, гуруҳнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан белгиланади. Ижтимоий ҳаёт ва жамоага бўлган қизиқишнинг ривожланиши муносабати билан ўсмирларда ўз имкониятларига баҳо бериш, жамоада ўз ўрнини аниқлаш, хатти-харакатлари ва ўз шахсининг қандай хусусиятлари унинг олдида қўйиладиган талабларга юксак даражада жавоб беришга ёрдам бериши ёки халақит беришини англаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши уларнинг ўз хатти-харакатларини англашларидан бошланади. Дастлабки пайтларда ўсмирларнинг ўзини англаши асосида унинг ҳақида бошқа одамларнинг, катталарнинг (ўқитувчилар, ота-оналарнинг), жамоанинг ва ўртоқларининг мулоҳазалари ётади. Кичик ёшдаги ўсмир ўзига гўё атрофдаги одамларнинг кўзи билан қарайди. Ёш улғайиши билан ўз шахсини мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш тенденцияси бошланади. Ниҳоят, шахснинг кўп томонлама муносабатларини ифодаловчи мураккаб синтетик сифатлар (бурч хисси, кадр-қиймат, ва виждон хисси, принципиаллик)англанади. Шахсни тобора кенгайиб борадиган сифатларини англашдаги бундай изчиллик маълум ва уни осонгина тушунтириб бериш мумкин.

Ўсмирлик ёшига ўтиш ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятидаги муҳим қайта ўзгаришлар билан боғлиқдир. Ўқиш фаолиятининг янги ва юқорироқ босқичи унинг мустақиллик даражаси билан белгиланади. Д.Б.Эльконин, Т.В.Драгунова ва бошқа психологлар материалларининг кўрсатишича, ўсмирлик ёшининг дастлабки даврида ўқиш фаолияти тараққиётининг босқичларида жуда катта ҳар хилликни кузатиш мумкин. Мустақил ишларни элементар даражада ҳам ташкил қила олмайдиган, ниҳоятда паст, қуйи босқичдан бошлаб, мустақил ишлар факат уй вазифаларини бажаришда кузатиладиган қатор оралиқ шакллардан ўтиб, янги материаллар ва хатто билимларнинг янги соҳалари (астрономия, механика, радиотехника) мустақил ўзлаштириладиган энг юксак босқичларни кузатиш мумкин. Ўсмирлик ёшининг бошланиши ўқиш фаолияти энг юксак босқичининг таркиб топа бошлаши билан боғланади. Ўсмир учун билиш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мустақил билим орттириш тарзидаги ўқиш фаолиятининг маъноси секин-аста очила бошлайди.

Вокеликка бўлган онгли муносабатнинг умуман ўсиши билан ўсмирларнинг ўқишга бўлган онгли муносабатлари сезиларли даражада кучаяди. Ўзларининг ўқиш фаолиятларида улар секин-асталик билан шахсий маъно касб этадиган ҳақиқий, чуқур билимлар билан янги муносабатларда боғланган янги, юксакроқ босқичга кўтариладилар. Рус психологларининг тадқиқотлари шуни белгилаб бердики, ўсмирлар ўқиш фаолиятининг мотивлари мураккаб



тузилишга эгадир. Ўсмирлар ўқиш фаолиятининг мотивлари таркибига кенг ижтимоий мотивлар (билим орттиришнинг ижтимоий жихатдан муҳим эканини англаш, мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрланиш учун ўқиш зарурлиги), аслида муваффақиятга интилиш, иззат нафс билан боғлиқ бўлган билиш мотивлари ва шахсий мотивлар (болалар жамоасида обрў қозонишга интилиш ва раҳбарлик ролини ўйнаш) бирга кўшилиб кетгандир. Бунда баъзан қарама-қаршилиқ кузатилади. Билим орттиришга бўлган интилиш мактабдаги ўқишга бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлиш билан, мактабдаги баҳоларга «хушчақчақ-менсимаслик» (Д.Б.Эльконин) муносабати билан аралашиб кўшилиб кетиши мумкин. Бу ўқишдаги у ёки бу хилдаги муваффақиятсизликка, ўқитувчи билан бўлган низога нисбатан ўзига хос реакция бўлиши мумкин. Ўсмир одатда ўзининг ўқишдаги муваффақиятсизликларини қаттиқ ичдан кечиради, лекин унинг иззат нафси баъзан бу муваффақиятсизликка бўлган ҳақиқий муносабатни ниқоблаш хоҳишини туғдиради. Натижада ўқувчи ўқишдаги муваффақиятларга ўзини мутлақо бефарқдек ва бепарводек тутуди, ҳатто сохта мардлик кўрсатмоқчи бўлади.

Ниҳоят, ўсмир хотирасининг ўзига хос хусусияти анча мураккаб ассоциацияларни, янги материалнинг эскиси билан боғланишини аниқлаш, янги материални билимлар системасига киритишдир. Ю.А.Самарин ва унинг ходимлари билимлар тизимини таркиб топтириш жараёни ҳар хил даражадаги ассоциацияларни белгилаб олишга аосланишини аниқлаганлар. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги бола учун характерли бўлган айрим ассоциациялар (Ю.А.Самариннинг фикрича, локал ассоциациялар) ва алоҳида системали ассоциациялар (бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўладиган алоҳида масалаларга доир хусусий билимлар) ҳосил қилишдан анча юқори даражада-фанлар ичидаги (системалар ичидаги) ассоциацияларни (ўқув предмети ичидаги билимларини акс эттирувчи ассоциацияларни) таркиб топтириш даражасига ўтади, ўсмирлик ёшининг охирида энг юксак даражага-фанлараро (системалараро) ассоциацияларга ўтиш учун шароит яратилади. Бу турли ўқув предметларининг материалларини бир-бири билан боғлаш, ҳар хил фанлардан бериладиган билимларнинг умумийлигини, бирлигини тушуниш имконини беради.

Диққатнинг тараккий этиши маълум зиддиятлари билан: бир томондан, ўсмирлик ёшида барқарор, ихтиёрий диққатнинг таркиб топиши билан, бошқа томондан, ўсмирдаги таассуротлар, кечинмалар, жўшқин активлик ва импульсивлик кўпинча беқарор диққатга олиб бориши билан, унинг тез чалғиши билан ажралиб туради. Ҳамма нарса иш шароитига, материалнинг мазмунига, ўқувчининг кайфияти ва психик ҳолатига, унинг ишга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Диққатнинг танловчилик қобилияти, яъни унинг турлича характеристикаси ўша нарсага бўлган қизиқиш кўлами ва даражасига боғлиқ бўлиши ўсмирда жуда яққол ифодаланган. Бу дарсда (узи ёқтирмаган дарсда) эътиборсиз ва паришонхотир бўлиб ўтирган ўқувчи бошқа, ўзи яхши кўрган дарсда ниҳоятда, хушёр, фикрини бир ерга тўплаб олиб, ҳеч нарсага мутлақо чалғимасдан бемалол ишлаши мумкин.

Тадқиқотлар шуни курсатдики, ўсмирлик ёшида диққатнинг кулами, шунингдек, диққатни бир операциядан бошқа операцияга қаратиш, фаолиятнинг бир туридан бошқа турига жалб этиш қобилияти сезиларли даражада ортади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фаркли уларок, ўсмир учун одатда уз фаолиятини узгартиришга қандайдир алоҳида психологик тайёргарлик куриш талаб этилмайди.

Диққатни ташкил этишнинг энг яхши усули ўқитувчининг қандайдир алоҳида усулларни кулланишга эмас, балки ўқиш фаолиятини ўсмирда диққатни узоқ вақт мобайнида бирор нарсага чалғитиш учун на вақт, на истак ва на имконият қолмайдиган қилиб уюштири олишига боғлиқдир. Қизиқарли иш, қизиқарли дарс ўсмирни шунчалик қамраб олишга қодирки, у жуда узоқ вақт давомида зўр иштиёқ билан ишлайди. Шуниси ҳам борки, ўсмир учун қизиқарли бўлган нарса-ҳамиша ҳам шунчаки қизиқарли нарса эмас. Ишнинг бир туридан бошқа турига вақти-вақти билан ўтиб туриладиган мазмунли машғулотлар, актив билиш фаолияти, ана шу нарса дарсни ўсмир учун қизиқарли дарсга айлантиради, ана шунинг ўзи унинг диққатини уюштиришга ёрдам беради. Н.Ф.Добрынин ва унинг ходимларининг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ўсмирлар иродавий зўр бериш билан ушлаб туриладиган ихтиёрий диққатдан кейинги диққат деб аталадиган диққатга тобора кўпроқ ўтиб бормокдалар. Бу диққат олдиндан уйлаб қуйилган ва муайян мақсадга қаратилган диққат бўлиб, ишга «кашфиётлар»га бўлган

қизиқишнинг аста-секин ортиб боиши асосида юзага келади, шунга кўра ҳам бу диққатни тутиб туриш учун иродавий куч сарфлаш талаб этилмайди.

Ўсмирлик ёшида фикрлаш фаолиятида муҳим силжишлар юз беради. Кичик мактаб ёшида эришилган тафаккур таракқиётининг даражаси ўсмирга фан асосларини муваффақиятли ва системали ўрганиш имконини беради. Ўрганиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув курслари тузилишининг мантики билимларни узлаштиришнинг янги характерини, мустақил тафаккурга таянишни талаб этади, абстракциялаш ва умумлаштириш, таққослаш, мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш, исботлаш қобилияти зарур бўлади. Бирок, шуни назарда тутиш керакки, ҳамма ўсмирлар ҳам исботловчи тафаккурга осонгина утавермайдилар. Улардан баъзиларига, масалан, умумлаштирилган геометрик исбот гоёсининг узи тушунарли булмайди: узининг ҳақ ёки ноҳақ эканлигини куриб туриб ишонч ҳосил қилганидан кейин исботлаб утиришнинг нима керакки бор? Ўсмирлардан бири ҳайрон бўлиб, бундай деб жавоб берган: «Ўқитувчи доскага иккита тенг учбурчакни чизади ва уларнинг тенг эканлигини узок вақтгача тушунтириб утиради».

Умумлаштирилган ва муҳокамали тафаккурни тараккий эттириш учун математикани ўқитиш жуда муҳимдир. Алгебрани системали тарзда ўргана бошлаш умумлашмани умумлаштириш билан боғлиқ бўлган юқорироқ даражасига ўтишга ёки икки баравар абстракцияга ўтишга рағбатлантиради (арифметика предметидан сони абстракциялашдир). Геометрияни ўрганиш фикрлаш, исбот қила билиш, мантиқан қатъий асослаш кўникмаларини ўстиради.

### **ЎСПИРИНЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ.**

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган давр ўспиринлик давридир. Ўспиринлар 8-10 синф ўқувчилари бўлиб, улар олдида келгусида ким бўлиш, қандай фаолият тури билан шуғулланиш керак деган ташвиш туради.

Бу ёшдаги болалар ўсмирлардан фарқ қилади. Агар ўсмирликда ўқувчининг асосий фаолияти ўқиш бўлган бўлса, юқори синф ўқувчиларининг фаолияти ўқиш, билим олиш ва меҳнатга тайёрланишдан иборат бўлади.

Ўспиринлик даврида ўқув фаолиятининг мураккаблашиши, уларнинг янги жамоада тутган ўрни улардан кўп нарса талаб қилади. Ўспиринларнинг мактаб ҳаётида, оилада тутган мавқеи ўзгаради, яъни ўзидан кичикларга нисбатан бошлиқ, ташкилотчи ва тарбиячи бўлиш талаб қилинади.

18 ёшда катталиқка эришади. Организмнинг ўсиши тўхтаб қолмайди, «тинч» давр бошланади. Органларнинг таркиб топиши ва организм тўқималарининг такомиллашиши ниҳоясига етади. Жисмоний ривожланиш шахснинг баъзи бир хусусиятларини ва бундан кейинги ҳаётининг фаолиятини белгилашга таъсир кўрсатади.

Йигит ва қизларнинг 17-20 ёшларида организм нормал ривожланишига ва унга мос келадиган иш билан банд қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар организмдаги ўзгаришлар оғирлигига ва бўйига ҳос бўлиши билан бирга ўпка, юрак, қон томирларига, нерв системасининг фаолиятига ҳам таъсир этади. Ўспиринларда юрак чарчаши-харсиллаш, юракнинг тўхтаб-тўхтаб ишлаши каби холлар аста-секин йўқолиб беради. Бунинг учун жисмоний меҳнат, ақлий фаолият ва дам олишнинг тўғри йўлга қўйилиши катта аҳамиятга эга.

Бу даврда уларнинг нерв системаси ривожланади ва катта кишиларнинг мия пўстлоғи хусусиятига аста-секин яқинлашади. Бош мия пўстлоғининг атрофларида нерв боғланишларининг сони кўпаяди. Ўқиш ва меҳнат қилиш натижасида бош мия ярим шарларида аналитик ва синтетик фаолият ривожланади. Бу ҳолат ташқи таъсирни аниқ ажрата оладиган хусусиятни ўстиради. Фарқ қилиш характеридаги тормозланиш вужудга келтиради.

Бу даврга келиб ўқиш машғулотлари анча мураккаблашади: бир қатор янги фанлар ўқитила бошлайди, дарс мазмуни кенгаяди, мураккаблашади, билим, ҳаёт, амалий ишлар кўшиб олиб борилади, ўқувчилар ишлаб чиқариш жамоасида бўлади, экскурсияларга, кўрсатмалиққа, алоҳида эътибор берилади.

Бу даврда назорат билимлар, амалий ишлар билан кўшиб ўрганилади. Ўқувчилардан материални тушуниш ва уни ҳаётга тадбиқ эта билиш талаб этилади. Бола бу ёшда ўзини анча эслик хис қилади, тажриба ортади ва билимларини мустақил ҳаётга тадбиқ эта бошлайди. Бу

эса уларнинг дарсга бўлган муносабатларини ўзгартиради. Бу даврга келиб ўзларига маъқул бўлган бирор фанни танлайдилар. Бундай хусусиятларни ўсмирларда ҳам учратиш мумкин, лекин бунда алоҳида фанларга бўлган қизиқиш кўпроқ ўқитувчининг маслаҳати билан боғлиқ бўлса, юқори синф ўқувчиларидаги қизиқиш уларнинг эҳтиёжлари, интилишлари асосида таркиб топади. Баъзан улар шошма-шошарликка йўл қўядилар ва натижада ходисалар ҳақида нотўғри фикр юритиб, нотўғри хулосалар чиқарадилар.

Юқори синф ўқувчиларининг ўз атрофларини, ўраб олган воқеликни билиб олишга бўлган интилиши уларда дунёқарашнинг таркиб топишига шароит яратади. Улардаги назарий билимларнинг ортиб боришида синфдан ташқари ишлар, тўғарақлар ижобий таъсир кўрсатади.

В.А. Крутецкий, И.Н. Лукин юқори синф ўқувчиларининг билим эгаллашидаги ақлий индивидуал фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб, бу борада ўқувчиларни асосан 4 гуруҳга бўлади.

1) Юқори даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар. Булар билим олишда мустақиллик, ташаббускорлик кўрсатмайдилар. Ўқув материални дарсликдан ёдлаб оладилар, материални ўқитувчи сўраб қолганда жавоб бериш учунгина ўргандилар. Агар материал «қийин» бўлса, уни бутунлай ўрганмайдилар. Бу билимларни ўргана билмайдилар, ўқувчиларга ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган мактабларда ўқиш қийин бўлади. Бу гуруҳ ўқувчиларининг баъзилари 1X синфгача аълочи бўлиб келиб, кейин оғир ахволга тушиб қолади бундай ўқувчилар билан кўпроқ индивидуал иш олиб бориш лозим.

2) Ўқиш фаолиятида амалий қобилиятлари борлиги сезилиб турадиган ўқувчилар бўлиб, қийин масалани ўрганишга, уни амалда синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Дарслар тўғри йўналтирилса, бу гуруҳ ўқувчиларининг дарсга бўлган қизиқишини ошириш мумкин. Уларга хар-хил дарс усулларидан фойдаланиб амалиётда назарий билимнинг аҳамияти катта эканлигини тушунтириш керак.

3) Бу ўқувчилар назарияга жуда ҳам берилиб, амалий ишларга аҳамият бермайдилар. Улар кўп фикр юритади. Лекин ўз фикрларини амалда синаб кўришдан қочади. Уларнинг фикрлашларида умумлаштириш, абстракция қилиш устун туради, шунга қарамай конкретлаштириш хусусияти паст даражада бўлади.

Улар яхши гапиради, исботлаб беради, яқунлар ясайди, ақлий фаолият билан кўпроқ шуғулланади, ўз билимини мустақил кенгайтиришга ҳаракат қилади, лекин назарияни амалиёт билан боғлай олмайди. Бу гуруҳга ижтимоий фанларга қизиқувчиларни ҳам киритиш мумкин.

4) Бу ўқувчилар ўқиш фаолиятида назария билан амалиётни бирга қўшиб олиб борадилар. Уларнинг билими кенг бўлади, улар фикр юритишини, татбиқ қилишни билади, жамоат ишида фаолдир. Лекин бу гуруҳ ўқувчилари ҳамма нарсага баробар қизиқадилар-у, алоҳида бир нарсага чуқурроқ қизиқмайди.

Катта мактаб ёшида шахснинг маънавий кучлари интенсив ривожланади, унинг маънавий қиёфаси таркиб топади, характер хислатлари аниқ бўлади, дунёқараши шаклланади.

Катта мактаб ёшида шахснинг ривожланишига унинг мактабда, оилада, ижтимоий муносабатлар системасида тутаётган мавқеининг ўзгариши хал қилувчи таъсир кўрсатади. Мактаб ўқувчиси бўлган ўсмирнинг фаолияти асосан ўқиш фаолиятидан иборат бўлиб, у мактаб доираси билан чеклангандир. Ўсмирнинг ижтимоий фаолияти ҳам одатда мактаб ичида рўй беради. Катта ёшдаги ўқувчи эса бошқачароқ бўлади.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчи ўсмирдан фарқли ўлароқ ўзидаги оддий, сезиларли равишда намаён бўладиган шахсий сифатларнигина эмас, балки шахснинг кўп қиррали муносабатларини характерловчи анча мураккаб сифатларни англашга қодирдир. Ўсмир ўзининг ҳозирги ахволига мувофиқ равишда ўзига баҳо беради. Ўсмир ўзича «Мен мактаб жамоасининг аъзоси» сифатида қандайман деб савол беради. Катта мактаб ёшидаги ўқувчи эса ўзига «Мен келгуси мустақил ҳаёт учун қандайман? Мен яроқлиманми?» - деб савол беради.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини англаш асосида ўз-ўзини тарбиялаш одатда хатти-харакатлардаги айрим камчиликларга барҳам беришига ёки баъзи бир ижобий сифатларини ривожлантиришга қаратилибгина қолмасдан. Шу билан бирга шахсни умуман, йигит ва қизларда вужудга келадиган умумлаштирилган идеалларга мувофиқ равишда таркиб

топтиришига ҳам қаратилган бўлади. Олимлар айрим йигит ва қизлар физиологиясини, генетика назариясини ўрганар эканлар одам организми ва психикасидаги кўп нарсалар туғма бўлади, деган хулосага келадилар.

Албатта, агар ана шу йигит ва қизларга қарашларнинг хато эканлиги кўрсатиб берилмаса, ўқувчилар ўз-ўзини тарбиялашнинг қайта имкониятларини борлигига ишонтирилмаса, одам ўз-хатти-харакатлари учун ўзи жавобгар эканлигига ишонтирилмаса, уларни ўз-ўзини тарбиялашга ундаш қийин нарса, у натижа ҳам бермайди.

Шуни назарда тутиш керакки, катта мактаб ёшидаги ўқувчилар баъзан ўзларида бирон бир сифатни нотўғри усуллар билан ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Ўспиринлар сохта қўрқмасликлари билан ўзларини ботир қилиб кўрсатишга, беихтиёр хатарли хатти-харакатларга мойил бўладилар. Улар ўзларида қўрқмасликни, иродани тарбиялашмоқчи бўлиб, электр симининг очик, жойларини ушлайдилар баланд қирғоқдан дарёга сакраб ҳаётларини хавф остида қолдирадилар.

Катта мактаб ёшидаги ахлоқий ривожланишда эътиқоднинг, ахлоқий онгнинг роли кучайиб бориши билан ажралиб туради. Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг хулқ-атвори ўсмирлар хулқ-атрофига қараганда кўп даражада уларнинг ахлоқий тасаввурлари ва тушунчалари билан ахлоқий установакалар ҳамда эътиқод билан белгиланади. Худди ана шу ёшда турли шароит ва вазиятларда кишининг ўзини тўғри тута билиши таркиб топади. Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий онги уларнинг жамиятдаги ҳаёти ва фаолияти таъсири остида, жамоанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши таъсири остида ривожланади, одатда ўқувчилар ахлоқий категорияларнинг мазмуни ва моҳиятини анча чуқур тушуна бошлайдилар. Катта мактаб ёшидаги болалар кўпгина ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий жиҳатдан кўп маъноли эканлиги билан боғлиқ бўлган энг нозик томонларини ҳам севишга қодирдирлар. Бурч, виждон, шахсий ғурурлик ва ўзининг қадр-қимматини билиш туйғулари ҳақидаги энг мураккаб тушунчалар юқори синф ўқувчиларини чуқур ва ҳар томонлама тушуниб олиш етарлидир.

Катта мактаб ёшидаги нотўғри ва етилмаган ахлоқий тушунчалари тўғрисида турли вақтларда психологлардан А.С. Алякринская, В.И. Селиванов, И.М. Красноваев, Н.С. Лукин ва бошқалар гапириб ўтганлар. В.И. Браскийнинг берган маълумотларига қараганда бурч, виждон, уятсизлик, адоласизлик, фахрланиш каби ахлоқий тушунчаларнинг мазмунини текшириб чиқилган ва ўрта мактабни битирувчи ўқувчилардан 44,5% гина бу ҳисларни бир қадар тўғри ёритиб берган. Т.Н.Мальковскаянинг берган маълумотларига қараганда, юқори синф ўқувчиларидан 94% виждонлиликни маънавий фазилат деб юқори баҳолаганлари ҳолда ўқитувчилар ва ота-оналарни алдаш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Катта мактаб ёшидаги балоғатга етганлик туйғуси ўзига хос ўзгаришга учрайди. Бу туйғу чуқурроқ ва жиддийроқ бўлиб қолади. Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларининг балоғатга етганлигини ерга уришларига, ўзларига болалар каби муносабатда бўлишларига, ўсмирларга қараганда хали камроқ мураса қилишга мойилдирлар.

Катта мактаб ёшидаги болалар катта бўлиб қолганлик туйғуси ўзига хос характерга эга бўлади. Катта мактаб ёшида ўқувчиларнинг катталар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ҳақиқий равишда ёки сохталик билан тан олмаслик туфайли келиб чиқадиган низоларнинг кескинлиги биров йўқолади. 16 ёшда ўқувчи паспорт олади, унинг кино ва театрга боришидаги чеклашлар камаяди. Катта мактаб ёшидаги ўқувчи кўп ўтмай 18 ёшга тўлиб, сайлаш ҳуқуқига, никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу йигит ва қизларнинг катта бўлиб қолганлигини эътироф қилишнинг объектив белгиларидир.

Кейинги вақтларда психологлар қизиқарли фактни аниқладилар. Биринчидан, юқори синфдаги ўқувчи қизлар, ўсмир қизлар сингари, ўғил болалар ва ўспиринларга қараганда катталарнинг таъсирига кўпроқ берилишига мойилдирлар.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг таркиб топишига тенгдош жамоаси таъсир кўрсатади. Жамоа умумий мақсадни, жамоа ўзаро муносабатларини, шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни, шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўртасида ахлоқий муносабатларни ривожлантиришда муайян таъсир ўтказади.

Мустақил меҳнат фаолиятига ўтиш истиқболнинг таъсири остида катта мактаб ёшидагилар учун характерли бўлган келажак мақсадлар сари йўналиш таркиб топади. Катта мактаб ёши ҳаётда ўз-ўзини аниқлаб олиш ёши бўлиб, бу вақтда ўқувчи ўзининг меҳнатдаги истеъдодини жиддий равишда излай бошлайди, унда ўзининг келажакдаги касбини белгилаб олиш интилиши пайдо бўлади.

Хозирги энг долзарб муаммолардан бири олий ўқув юртлиридаги таълим-тарбия ишлари самарадорлигини кескин оширишдан иборатдир. Чунки Республикаимизнинг ривожини, равангига ва истиқболли кўпроқ олий мактаб тайёрлаётган мутахассисларнинг маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун ўқитишнинг илғор, фаол усуллари кўллаш, оқилонани воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртлиридаги таълим-тарбия жараёнларини самарали амалга ошириш учун талабалар билан ўқитувчилар ўртасида узлуксиз таъсир кўрсатиш ҳукм суриши лозим.

Ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорлигидаги фаолияти негизида тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш муаммоси ётади. Бу муаммо олий мактаб психологиясида жуда кам тадқиқ қилинган сабабли худди ана шу муаммо юзасидан кенгроқ мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларда талабалар деганда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришдаги ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид рольларни муайян қоида ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларининг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан (улар хох расмий, хох норасмий бўлишидан қатъий назар) мулоқотга киришиш учун муҳим имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръат билан рўёбга чиқишидир. Маълумки, ижтимоий етуклик (камолот) шахсдан зарур ақлий қобилиятини ҳамда ижтимоий турмушда бажариладиган турли рольларни эгаллашга (оила қуришга), фарзандни тарбиялашга, фойдали меҳнатда қатнашишга (масъул вазифада ишлашга) тайёрланишни талаб қилади. Мазкур жараённинг бош мезонлари ва кўрсаткичлари ўрта маълумотлилик, жамоатчилик, мутахассис бўлиш имконияти учун унга интилиш тўғрисида иродавий зўр бериш, ёш оталик ва оналик бурчи, жамоат арбоби вазифасини ўташ, ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтни ташкил эта олиш, тўғарақда қатнашиш ва ҳақозолардан иборатдир.

Талабалик даври ўсмирликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб 17-22 (25) ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади. Шу боисдан ўспиринлик даври шахсининг ижтимоий ва касбий мавқеини англашдан бошланади. Мазкур паллада ўспирин ўзига хос рухий инқироз тангликни бошидан кечиради, жумладан катталарнинг хар-хил кўринишдаги (унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъий назар) рольларни тез суратлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахсининг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Педагогик психология фанидан маълумки, ўрта мактаб ўқувчиларининг (биологик, физиологик, педагогик-психологик) жиҳатдан олий мактаб таълимига тайёрлайди ва уларда умумлаштириш, мавҳумлаштириш, системалаштириш каби қобилиятлари кўринадиган фазилатлари намаён бўлади. Шу билан бирга ўспиринларда ақлий, ахлоқий, эстетик, ғоявий сиёсий жиҳатидан муайян даражада ўсиш рўй беради. Шунга қарамай улар олдида ўқув юртида мутахассисликни эгаллаш билан боғлиқ янги вазифалар пайдо бўлади. Хозирги фан техниканинг ривожини бир томонлама барқарор қизиқишнинг йўқолишига олиб келади, чунки қатъийлик, ижодий изланиш, иродавий, зўр бериш ўрнини лоқайдлик, фаолиятсизлик эгаллайди. Бошқача айтганда улар тайёр ахборотларнинг қулига айланадилар, чунки компьютер, дисплей ЭХМ, калькуляторлар инсон ақлий меҳнатини енгиллаштиради, уларни ақлий зўр беришда халос қилади. Ана шулар сабабли олий ўқув юрти таълими олдидаги муҳим вазифа талабаларга дастурдаги билимлар мажмуасини беришдир.

Талабаларга мустақил билим олиш, ўз фаолиятини ўзи ташкил қилиш, ўзини-ўзи бошқариш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳоқозоларни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу

вазифаларни амалга оширишнинг асосий омили монологик маъруза шаклидан диологик (талаба ва ўқитувчининг мулоқотига асосланган) маъруза шаклига ўтиш зарур.

Психологлардан Б.Г. Ананьев, Н.В. Кузмина, Н.Ф. Тализина, В.Я.Ляудис, И.С. Кон, В.Т. Лисовский, А.А. Бодолев, А.В. Петровский, М.Г.Давлетшин, И.И. Илғясов, А.В. Димитрева, З.Ф.Есарова, А.А.Вербицкий, В.А. Токарева, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун жуда оғир кечади, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилятлари, хислатлари, сифатлари, такомиллашиш босқичида бўлади. Мазкур ёш давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Талабаларда ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суёт амалга ошса-да лекин хулқнинг энг муҳим сифатлари мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва хокозолар такомиллашиб боради. Шунингдек уларда ижтимоий-холларга, воқеликка ахлоқий қоидаларга қизиқиш, уларни ангалшга интилиш тобора кучаяди.

Психологларимизнинг тадқиқотлари шахс ҳаёти тажрибасини эгаллашида унда ўзлигини англаш вужудга келишини, жумладан, шахсий ҳаётининг мазмунини англаши, аниқ турмуш режаларини тузиш, келажак ҳаёт йўлини белгилаши ва хаказолар амалга ошишини кўрсатади. Талаба аста-секин микроғурухнинг нотаниш шароитларига кўникиб боради, ўзининг ҳаққи-хуқуқлари ва мажбуриятларини била бошлайди, шахслараро муносабатининг янгича кўринишини ўрнатади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда синаб кўришга интилади. Улардаги романтик хис-туйғулар воқеликка муайян ёндошишига бирмунча халақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятсизликнинг ижтимоий-психологик илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар.

Ёш физиологияси ва психологияси фанларида тўпланган материаллар таҳлилидан кўринадики, талаба 17-19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш фаолиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг асосланмаганлиги, узоқни кўра олмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳолатлар руй беради. В.Т. Листовскийнинг фикрича, 19-20 ёшларда айрим салбий хатти ҳаракатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ва интилиш ирода ва ҳарактердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки талаба шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қаттиқликни аралаштриб юборади.

Талабалик йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзини ўзи камолатга етказиш жараёни муҳим роль ўйнайди, лекин ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари (ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар) ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Идеал (юксак, барқарор, баркамол) «мен»ни реал «мен» билан таққослаш орқали ўзини-ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари амалий ифодага эга бўлади. Талабанинг нуқтаи-назарича, идеал «Мен» ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, шунинг учун улар гоҳо тасодифий, ғайритабiiий хис этилиши муқаррар, бинобарин, реал «мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир. Талаба шахснинг такомиллашувида бундай объектив қарама-қаршилиқлар ўз шахсиятига нисбатан ички ишончсизликни, ўқишга нисбатан эса салбий муносабатни вужудга келтиради. Жумладан ўқув йили бошида талабада кўтаринки кайфият, олий ўқув юртига кирганида завқу-шавқ туйғуси кузатилса, таълимнинг шарт-шароитлари, мазмуни, моҳияти, кун тартиби, муайян қонун ва қоидалари билан яқиндан танишиш натижасида унинг руҳиятида кескин тушқунлик рўй беради. Юқорида айтилган ички ва ташқи воситалар, омиллар таъсири оқибатида унинг руҳий дунёсида умидсизлик, руҳий парокандалик кайфияти, яъни истиқболга ишончсизлик, иккиланиш, ҳадиксираш, каби салбий хис-туйғулар намаён бўлади. Бизнингча олий мактабда тарбия ишларини режалаштиришда таълим жараёнида талабага ўзига хос муносабатда бўлиш мазкур даврнинг муҳим шартларидан биридир.

Юқорида айтилганидек йигит ва қизларни олий ўқув юртига қабул қилиш уларда ўз кучлари, қобилиятлари, ақл-заковатлари ички имкониятлари ва иродаларига қатъий ишонч туғдиради, ана шу ишонч ўз навбатида тўлақонлик ҳаёт ва фаолиятини уюштиришга умид ҳис-туйғуларини вужудга келтиради.

Ўспиринликнинг иккинчи даври хулққа, воқеликка баҳо бериш имкониятидан ташқари талаб қўйиш ва қатъиятлилиқ хусусияти билан фарқланади. Шунинг учун талабалар ҳар доим принципиал бўла олмайдилар. Баъзан қатъиятлилиқ салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши низоларни келтириб чиқаради.

Б.Г.Ананьев раҳбарлигида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, талабалар камол топишининг жинсий ва нейродинамик хусусиятлари уларнинг ақлий имкониятларини тўла ишга солиш ва сермахсул ўқув фаолияти ташкил қилиш учун муҳим имконият, шарт-шароит яратади.

Ю.А. Самариннинг таъкидлашича ўспиринлар руҳиятида ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Уларнинг моддий жихатдан ота-онага, олий ўқув юрти махмуриятига боғлиқлиги иқтисодий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу ҳол талабларнинг хошишлари билан мавжуд имкониятнинг номутаносиблиги туфайли содир бўлади.

Одатда талабалар II ва III курсларда олий ўқув юрти ва мутахассисликни тўғри танлангани ҳақида янада жиддий ўйлайдилар.

Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий таффақкур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларини тартибга солиш асосида хис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Талаба ҳукм ва хулоса чиқаришга ўрганади, ўз хатти-ҳаракатида қатъий туриб уларни химоя қилади, у ҳаётнинг турли соҳалари бўйича ҳар хил даражадаги кўникма ва малакаларига назарий билимлар, ижтимоий-психологик тушунчаларини амалий фаолиятига татбиқ этиш имкониятига эга бўлади.

Талабалар ўқув фаолияти муваффақиятининг муҳим шarti олий ўқув юртидаги таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, дискомфорт туйғусини бартараф қилиш, микромуҳитда юз берадиган зиддиятларнинг олдини олишдан иборат.

Одатда қуйи курслардаги талабалар ўқув фаолиятини мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга ҳаракат қиладилар, лекин уни бошқариш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Кўпинча улар ўқув фаолиятини бошқариш деганда, ўқув материалларини ўзлаштиришни режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш кабиларни тушунадилар. Талабалар варақа саволларига берган жавобларидан маълум бўлишича уларда ўқув фаолияти тизимини тасаввур этишдан ташқари, унинг айрим имкониятлари юзасидан муайян билимлар ҳам бўлади.

Айрим талабалар ўз жавобларида бирор хусусиятларига эга бўлмаган материални ўзлаштиришнинг усулларини ҳам ёзганлар. қуйи курс жавобларидан бири: «Мен аввал ўқув материалларини қисмларга ажратаман, сунг улар ўртасида мантиқий уйғунликни вужудга келтираман, муҳим ва бирламчи каломатларни топишга ҳаракат қиламан. Мазкур материалнинг олдингиси билан солиштирма ўхшаш ва фарқли жихатларни аниқлайман». Худди шунга ўхшаш талабаларнинг тўртдан бир қисмидан олиди. Уларнинг 85% ўқув фаолиятни бошқаришнинг айрим таркибий қисмларини ифодалай олганлар. Аммо кўпчилиги ўқув фаолиятини бошқаришнинг умумлашган усулларини таҳрифлаш, англаш, фаолиятнинг ҳаракатларини қандай тартибда амалга оширишни тасаввур қилишдан анча йироқдирлар. Шунга қарамай талабаларда таққослаш, режа тузиш, лекция ва бирламчи манбаларни конспектлаштириш бўйича маълум тушунчалар мавжуд. Бирок, бу борада ҳам айрим нуқсонлар учраб туради. Чунончи талабалар режалаштириш, конспектлаштириш, таълими усулларидан фойдаланишга қўйиладиган умумий талабларни аниқ кўрсатишда қийналадилар, муаммо доирасидан четлашадилар ва ҳаказо.

Мана шу қийинчиликларни моҳияти ва шаклига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Билишдаги қийинчиликлар: ўрта мактаб ва олий ўқув юртидаги ўқув материалларининг мазмун ва кўлами жиҳатидан кескин фарқланиши; олий ўқув юртида ўқитишнинг турли шакли усуллари (маърузалар, семинар машғулот, коллоквиум, синов, баҳс, амалий машғулот, махсус практикум, махсус семинар, масус курс ва ҳаказолар) мавжудлиги ўқув матни, маъруза ва семинар материалларининг мураккаблиги, муаммолилиги, илмийлиги, талабаларда мустақил билим олиш малакалари етишмаслиги:

2. Ижтимоий-психологик қийинчиликлар: атроф-муҳит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятининг барча жабхаларида мустақилликка ўтилиши: иродавий зўр бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича қатъиятсизлик масалан, сессияларида ўқишдан ҳайдалишдан чўчиш, кўрқиш, хавфсирашнинг пайдо бўлиши.

3. Касбий қийинчиликлар: олий ўқув юрти мутахассислигини танлашдан иккиланиш; олий мактаб шарт-шароитларига мослашиш жараёнини нотўғри тасаввур қилиш; таълим олиш усуллари ва воситаларини кўникма малака ва одатларнинг эгаллашида орқада қолиш, турли хусусиятга эга бўлган мутахассислик-ихтисослик амалиётидан унумли фойдалана олмаслик, назарий билимлар билан амалиётнинг ажралиб қолгани; талабаларнинг профессиограмма талабларига жавоб берадиган касбий фазилатларга эга эмаслиги.

Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги - таълим самарадорлигининг муҳим омили.

Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектининг бошқа одамлар билан алоқасини мавхумлаштиради. Лекин бу мавхумлаштириш нихоятда муҳимлигидан қатъий назар, ўрганилаётган ходисаларнинг бир томонлама ёритиш имконини беради.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигидаги фаолиятига доир тадқиқотларида, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилган ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни баён қилинган.

А.В.Петровский жамоадаги шахслараро муносабатлар фаолиятидан келиб чиқишини ўрганиб, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқотга эҳтёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материалларини ўзлаштиришнинг ҳам воситалигини таъкидлаган эди.

Ҳамкорликда махсулдор фаолиятни психологик жихатдан ўрганишни В.Я. Ляудис бошчилигидаги психологлар гуруҳи амалга оширди. Унинг асосий мақсади янги фазилатларнинг шаклланишида ўқитувчи билан талаба ролини ифодалаш эди. Ушбу назарияга биноан, ўқув фаолиятининг шаклланиши фан асосларини ўзлаштиришнинг негизи эмас, балки шахснинг ижтимоий-маданий кадриятларини эгаллаш жараёнидир. Мазкур назария асосида ўқув вазиятини талаба шахсининг ривожланишидаги «яқин камолот зонаси» нинггина эмас, балки «перцептив ривожланиш зонаси» ни ҳам яратадиган йўсинда, лойихалаш мумкин.

## **ЕТУКЛИК ДАВРИ ПСИХОЛОГИЯСИ**

Ёшлик даври 23-28 ёшлардан иборат бўлиб, бу даврнинг ўзига хос бўлиб, бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида камолга эришган шахс сифатида фаол иштирок қилиш ва ишлаб чиқаришда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборатдир. Ёшларнинг меҳнат фаолияти қуйидаги учта муҳим белгиси билан бошқа ёш даврлардан фарқланади:

1. Мутахассисликнинг моҳиятига, ишлаб чиқариш шарт-шароитига, меҳнат жамоаси аъзоларининг хусусиятига мослашиш (кўникма)- меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари (таъминан 1 йилдан 3 йилгача) жамоада ўз ўрнини топиш ва кадр қимматга эришиш;

2. Мутахассис сифатида ўзини такомиллаштириш учун ижодий изланишни амалга ошириш ёки касб-корлик маҳоратини эгаллаш;

3. Маҳорат сирларидан фойдаланиш, ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ижтимоий етукликни намойиш қилиш ёки ижод фаолиятидаги барқарор ижод босқичида бир текис 10 йиллаб ишлаб сифатли махсулот яратиш намунасини кўрсатиш.

Юқоридаги босқичлар барча касбкор эгаларига хос бўлса-да, лекин ишлаб чиқаришга эртароқ ва кечроқ кириб келган одамлар ўртасида ёш жихатдан тафовут мавжуд бўлади. Масалан, касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар ўз меҳнат фаолиятини олий маълумотли ёшлардан олдин бошлайдилар, бироқ улар ҳам мазкур босқичларни босиб ўтишлари шарт.

Хозирги мутахассисларнинг кўпчилиги ўқув юртларидаги назарий билимлар билан амалий кўникмалар ўртасида узилиш мавжудлиги сабабли мустақил фаолиятнинг дастлабки



кунларидан бошалаб қатор қийинчиликларга дуч келадилар. Бу қийинчиликлар ўз моҳиятига кўра 3 хилдир:

а) ижтимоий қийинчиликлар: нотаниш муҳитни шарт-шароитлари, шахслараро муносабатларлар, меҳнат жамоасининг савияси, ундаги кишиларнинг характер хислатлари, ишлаб чиқариш жамоасининг қадриятлари, маънавияти, анханалари ва хаказо;

б) билим ва билимга оид қийинчиликлар: махсус ўқув юртида олган билимларидаги узилишлар, савиянинг чекланганлиги, ижодий изланиш фаолиятининг заифлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги ва бошқалар;

в) мутахассислик билан боғлиқ ўзига хос қийинчиликлар, ишлаб чиқаришнинг моҳияти, хусусияти, технология, қурилмалар, асбоблар, амалий кўникманинг бўшлиғи ёки улар билан етарли даражада танишмаганлик, касбнинг иқтисодий негизини тўла англаб етмаслик, хавфсизлик техникаси муаммолари олдида лол қолиш.

Бу қийинчиликларни енгиш давридаги инсоннинг рухий ҳолатлари, жараёнлари, ва хусусиятларида миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари рўй беради.

Психофизиолог П.П.Лазаревнинг фикрича, эшитиш, кўриш, периферик ва кинестетик сезгирликнинг ўзгариши 20 ёшдан бошланади. Бу маълумотни чет эл психологлари Фульдс, Равен, Пако кабилар янада ривожлантириб ақлий ва мантиқий қобилиятнинг мезони 20 ёш деб ҳисобладилар. Б.Г.Ананьев ўзининг илмий тадқиқотларида ёшлик даврида йигит ва қизлардаги ўзгаришларни мураккаб шахс жиҳатларидан умумий рухий ҳолат, вербал ва новербал ақлий (мантиқий функциялар) содда жараёнларгача (организмдан иссиқлик пайдо бўлишдан метоболизм-модда алмашинувигача), хатто шахснинг хусусиятигача бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олишини математик усулларга аосланган илмий маълумотлар ва уларнинг чуқур сифат таҳлили орқали кўрсатиб ўтади. Кўзларнинг фарқлашдаги сезгирлиги инсон ёшига қараб ўзгаришини тадқиқ қилган С.В.Кравков кўриш сезгирлигининг ортиши 25 ёшгача давом этишини, барқарорлашуви эса 25 ёшдан кейин ҳам давом қилишини таъкидлайди. Б.Г.Ананьев лабораториясидан олинган натижалар инсон функционал даражасининг 23-27 ёшларидаги йигит-қизларда 44%, функционал ҳолатнинг барқарорлашуви 19,8%, функционал даражасининг пасайиши 36,2% тенгдир. Бу маълумотлар камолот босқичининг турли микродаврларида ўсиш жиҳатларининг ўзаро муносабати хар-хил кечишини кўрсатиб турибди. Ю.Н.Кулюткин катта кишиларнинг диққат, хотира, тафаккур, билиш жараёнларини биргаликда оралиқни текшириб, 22-25 ёшларда диққат ва хотира 100,5% тафаккур 102,5%(хотира 97,0 баллга тенглигини 26-29 ёшларда эса диққат 102,8 хотира 97,0 тафаккур 95,0 балл эканлигини исботлаб берди. Америкалик олим В.Шевчук вояга етган одамларда ижодий фаолиятнинг бошланиш нуқтасини тадқиқ қилиб, 11-20 ёшлар оралиғида 12,5%, 21-30 ёшларда эса 66% эканини аниқлади. Зиёлиларнинг илмий махсули динамикасини ўрганган З.Ф.Есарова унинг бошланиши математикларда 18-23, физикларда 24-27, биологларда 25-31, психологларда 27-30, тарихчиларда 27-32, филологларда 28-33 ёшларни ташкил қилишни кўрсатиб ўтади. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётда қатнашувини ўрганган В.Шевчук ижтимоий фаолиятга киришни энг юқори чўққиси 25 ёш эканини аниқлаб, бу ҳол одамларнинг 45,4% бўлишини маълум қилади. Унинг фикрича, қолган ёш даврларида инсоннинг жамоатчилик фаолияти нисбатан жуда кичик бирликни ташкил қилади, хатто у 45 ёшда 3% тенг бўлади.

Кишиларда кўриш майдони чегараси хусусиятини ўрганган Л.Н.Кулешова ва М.Д. Александровалар 18-35 ёшлардаги хайдовчиларда унинг уч хил: нормадан ортиқ 11%, нормада 47%, қолгаларида эталон бўйича нормадан кам бўлишини таъкидлайдилар. 23-28 ёшгача даврда қатор функциялар даражасининг ўзгариши, такомиллашуви: кўриш майдонининг кўлами, кўз билан масофани чамалаш, фазовий тасаввур, билиш даражалари; англаш, диққат ва идрокнинг яхлитлиги ҳамда ўзгармасликнинг ўсиши бошқа фаолият ва кўриш таъсирчанлиги, қисқа муддатли кўриш хотираси ёки мустахкамланиши намаён бўлади: 22-25 ёшларда 2 хил омиллар доираси вужудга келади ва улар мнемологик ва аттенционал мажмуасидан иборат бўлади.

Ёшлик даврида йигит-қизлар камолотига 3 та муҳим психологик механизм; меҳнат жамоаси, оила микро муҳити ва норасмий улфатлар таъсир кўрсатади. Масалан, меҳнат жамоасидаги психологик иқлим, маънавият олами, барқарорлик, ижтимоий онг, ижтимоий

қадриятлар, муайян анъаналар ва одатлар янги аъзонинг характерида ижобий ёки салбий ўзгаришни вужудга келтириш мумкин. Мазкур таъсир натижасида аста-секин умуминсоний фазилатлар таркиб топиши ёки муайян шахсий нуқтаи-назар йўқолиши мумкин. Мехнат жамоасига янги қўйилган аъзо унда ўз ўрни ва кадр-қимматини қарор топтириш учун бир қатор ён беришга, ўз маслагидан сал бўлса-да четлашишга мажбур бўлади. Бу йўл жамоасидаги психологик иқлимга мослашиш мақсадида ички рухий зиддиятларга, мурақаб кечинмаларга, унсиз туғёнга қарши қўйилган қадам ҳисобланади. Шунинг учун яқка шахс характери ни шакллантирувчи ёки унинг мустақил ички ришталарини емирувчи омил мехнат жамоасидаги ижтимоий фикрдир. Жамоага бўйсунуш ҳар бир аъзонинг бурчидир. Айрим ҳолларда кўпчилиكنинг тазйиқига учраган шахсда принципааллик, адолатлилик сингари хислар, шахсий нуқтаи-назар бўшашиб қолади., натижада унда иккиланиш туйғуси пайдо бўлади. Ёшлик гаштини сураётган йигит ва қизлар ота-онасига, бува-бувасига, опа-сингилларига, ака-укаларига, турмуш ўртоғига фарзандларига оқилона муносабатда, оила аъзоларининг ҳар бири билан тўғри мулоқотда бўлиши, муайян қоидага асосланган муомала қилиш шарт. Оиладаги шахслараро муносабатлар кўлами кенглиги сабабли бир нечта босқичли мулоқотга асосланиши шарт. Лекин оила тинчлиги, тотувлиги ва ахиллигига ҳалал бермаслик ниятида ёш йигит ва қизлар виждон амрига қарши хатти-ҳаракат қилишга ҳам мажбур бўладилар. Ўз маслаклар, фикрлари, шахсий қарашларига ҳилоф йўл тутадилар. Дилкашлик учун ҳар бир оила аъзоси билан умумий «тил» топишга интиладилар. Шунга кўра оила муҳити ҳам йигит қизларнинг рухияти ҳамда маънавиятини ўзгартирадиган омил вазифасини ўтайди.

Инсон учун психологик механизм ролини бажарувчи яна бир омил улфатлар даврасидир. Улфатлар одатда шахсий майли, қизиқиши, интилиши, орзу-истаги, мақсади, қарашлари, ёши ва ҳулқи бир-бирига мос тенгдошлардан иборатдир. Кўнгилчанлик, дўстлар раъйига қарши бормаслик туфайли ёшлар характерида хислар, барқарор эътиқод, илмий дунёқараш, ички кечинмалар, мустақиллик ва ташаббускорлик туйғулари намаён бўлади, яъни «Дўстинг учун захар ют» қабилида иш тугилади. Натижада махсулиятсизлик, лоқайдлик, иккиюзламачилик, бевафолик сингари иллатлар таркиб топа бошлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улфатлар даврасида янги фазилатларни ишбилармонликни, амалий кўникмаларни эгаллаш имконияти ҳам юзага келади.

Шу боисдан улфатчиликка фақат маишат нуқтаи-назаридан ёндошмай, унинг мазкур имкониятларидан фойдаланиш айна муддаодир.

Ёшлик даври инсоннинг куч-қувватга орзу ҳавасга, ижодий режаларига, излаш ва изланишларига, имкониятларга бой давридир. Келажак тақдири, мўлкўлчилик, фаровонлик, маданият ёшларга боғлиқ, шунинг учун уларнинг истиқбол режалари, яратган лойихалари, шаклланаётган маънавий ва рухий олами ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Камол топишнинг бу босқичига 28-35 ёшлардаги эркак ва аёллар кирадилар. Етуклик даврида одам ўзининг барча куч-қуввати, қобилияти, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз касбига ижтимоий фаолиятига, жамоат ишларига тўла сафарбар қила олади. Эркак ва аёлларнинг бу даврда мехнат ва ижтимоий фаолиятида муайян тажрибага эгаллиги уларни истиқбол сари етаклайди. Етук шахснинг бошқаларга муносабати, уларни баҳолаши, динамик стереотипда сезиларли ўзгаришни юзага келтиради. У энди фақат ўзининг хатти-ҳаракати учун эмас, балки бошқа одамларнинг қилмишлари, учун ҳам жавобгарлигини англай бошлайди, айниқса, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларнинг ўз фарзандларининг ҳулқ-атвори, юриш-туриши учун ҳам куйдиради, уларга имконият борица ёрдам беришга интилади.

Етуклик, катталиқ, донишмандлик, раҳнамолик, ғамхўрлик, хомийлик давридир. Бошқа ёш даврларидаги каби мазкур даврда ҳам муайян даражада инқироз бўлади. Бу даврда инсон қандай ишларни амалга оширишга, қайси имкониятлардан фойдаланмагани, айрим хатолар, тушунмовчиликлар сабабли, кўнгилсизликлар вужудга келганини англай бошлайли. Ўзига ўзи ҳисоб бериш шу даврнинг муҳим психологик хусусиятидир. Организмдаги айрим ўзгаришлар, умрнинг тез ўтиши, кишини қаттиқ ташвишга ва изтиробга солади. У бундан кейинги ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга қарор қилади. Айрим орзу истакларини амалга ошириш учун жисмоний ва рухий имкониятлари етишмаслигини англаш унинг психикасида «турғунлик» туйғусини вужудга келтиради. Бунинг асосий сабаби 33-35 ёшларда мнемологик-

аттенцион мажмуа тубдан қайта қурилишидир. Яхлит мнемологик марказнинг мнемик (хотира) ва мантикий (тафаккур) қисмларига ажралиши рўй беради. Аттенсионал ҳолатнинг омилири сақланиб қолади, лекин катта ёшдаги инсон интеллектида хотира ва таффакур муҳим ўрин тутати. Бироқ ўзгаришлар унинг рухий дунёсида, кечинмаларида, ҳис-туйғуларида чуқур из қолдирмайди, етук шахс хотирасида иллюзион хусусиятга эга бўлган тасаввур образлари (ёшлик туйғуси, кайфияти, орзуси, хом хаёли) сақланиб қолади. Етуклик босқичида жисмоний ва ақлий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлади. Бу ҳол бутун куч-қувват, ақлий, зўриқиш, ирода кучи, асаб таранглашуви ҳисобига эмас, балки муайян кўникма, малака ва маҳорат асосида рўй беради.

Етукликнинг турли даврларида камол топиш жабҳаларининг ўзаро муносабатини тадқиқ қилган Б.Г. Ананьев лабораториясида ходимлари 29-32 ёшларда функционал даражанинг ошиши 46,2 барқарорлашуви 15,8 функционал даражанинг пасайиши 38,0, 33-35 ёшларда 11,2, 33,3%, 55,5% ташкил қилишни аниқлашган

Ю.Н.Кулноткин тадқиқотининг натижасига қараганда, 30-35 ёшларда диққат 102,8, хотира 99,5, тафаккур 102,3 бирликка баровардир. Етуклик даври фаолиятининг махсулдорлигини ўрганган Г.Леман унинг чўққиси кимёгарларда 30 ёш, математикларда 30-34, геологларда 30-35 ёш эканлигини ва ўртача махсулдорлик чўққиси 37 ёшда бўлишни қайд қилган. Психофизиолог С.В.Кравчков кўзнинг фарқлаш сезгирлиги ёшга қараб ўзгаришини 4 ёшдан 80 ёшгача бўлган одамларда текшириб, сезгирликнинг ортиши 25 ёшгача, сезгирликнинг барқарорлашуви 25-50 ёшгача давом этиши мумкинлини аниқлаган.

З.Ф.Есарова олий мактаб ўқитувчилари ақлий фаолиятининг махсулдорлиги муаммосини тадқиқ қилиб, кандидатлик диссертациясини ёклашни математиклар-26, психологлар-32, филологлар-34, тарихчилар-31, физиклар-30, биологлар-32 ёшида амалга ошириш мумкинлигини аниқлаган.

Камолотнинг биринчи босқичидаги етук кишиларда ижтимоий фаолиятида қатнашиш истаги 30 ёшда 18,3%, 35 ёшда 6,2% ни ташкил этади. В.Шевчук демак, ижтимоий ташкилотлар фаолиятида қатнашиш кўлами торайиб боради. Бу даврда эркак ва аёлларнинг тафовутлари намаён бўлади: жисмоний, жинсий, рухий камолода аёллар илгарилаб келган бўлсалар, энди эркаклар олдинга ўтиб оладилар ва бу ҳол инсон умрининг охиригача сақланиб қолади. Етуклик даврида ижодий фаолиятнинг махсулдорлигини З.Ф.Есарова қуйидаги мезонлар билан ўлчашни лозим топади:

1. эълон қилинган илмий ишларнинг миқдори;
2. чоп қилинган асарлар ичида ўқув кўлланма, дарслик ва монографияларнинг мавжудлиги;
3. илмий тадқиқотда янги йўналишнинг очилиши;
4. илмий муаммони ҳал қилишда янги усулнинг кашф этилиши;
5. илмий мактабнинг ташкил қилиниши;
6. бошқа муаллифларнинг ишларига мурожаат қилиш ва илова бериш миқдори;
7. ўқитувчининг илмий маълумотларидан талабанинг мустақил ишларидан фойдаланиш кўлами;
8. ўқитувчи раҳбарлигидаги диплом ва диссертация ишларнинг миқдори ва сифати;
9. ўқитувчининг илмий фаолиятидаги муваффақият муносабат билан тақдирланиш;
10. доцент ва профессор деган илмий педагогик унвонларга сазовор бўлиш кабилар.

Мазкур ёшда шахсий ҳаётдаги ютуқлар, ғалабалар ёки муваффақиятсизликлар кишининг рухий дунёсига қаттиқ таъсир этади. Натижада унда такабурлик, мағрурлик ҳислари пайдо бўлади, ўзининг бошқалардан устун кўя бошлайди ёки аксинча, ҳаёт захматлари унда лоқайдлик туйғусини вужудга келтиради. Лекин ҳар иккала кўринишга эга бўлган рухий ҳолат ҳам оила аъзолари, тенгқурлари, меҳнат жамоаси, аъзоларининг таъсири орқали аста-секин муайян йўналишга тушиб қолади. Умуман, камолот босқичидаги одамлар истиқбол режаси билан ҳаракат қилади, воқеликка турмуш иқир-чиқирларига. Табиат, жамият коинот, ходисаларига бефарқ қарамайдилар, имкони борича хотиржамлик, тотувлик, тинчлик, дўстлик, дунё лаззатларидан оқилона фойдаланиш туйғуси билан яшайдилар.

Етуклик даври 36-55 (60) ёшлардаги эркак ва аёлларни ўз ичига олади. Мазкур даврда ижодий фаолиятни қайтадан баҳолашда ўз ифодасини топувчи янги хислат намаён бўлади. улар шу кунгача меҳнат фаолиятида миқдор кетидан қувиб юрган бўлсалар, энди меҳнат махсулининг сифати устида бош қотира бошлайдилар. Оилавий турмушга ижтимоий ҳаётга, яшашнинг мақсадига, инсон кадр-қиммати, теварак-атрофга, ўзларига ва бошқа одамларга янги мезон билан қарай бошлайдилар. Турмушнинг иқир-чиқирлари, ижтимоий-ҳодисаларга вазмин, сабр-тоқат билан ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда муносабатда бўладилар, ҳар бир нарсанинг нозик томони ёки ёмон оқибати ҳақида ўз фикрларини биладирадилар. Ҳаётда қўлдан бой берган имкониятлари, хато ва камчиликлари уларда етти ўлчаб, бир кес қабилида иш тутиш туйғусини вужудга келтиради. Шунинг учун улар умрининг бирор дақиқаси бекор ўтишига ачинадилар. Ёшлик йилларида йўқотганларини ақл-заковат, донишмандлик билан тўлдиришга интиладилар. Етуклик даврининг иккинчи босқичида қариллик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради, унинг бошланиш нуқтаси 45-50 ёшлардир. Лекин одамларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра бу чегара турлича, масалан, бу бир кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин. Шу сабабли ёш даврининг чегаралари фақат шартли белгиланади. Бу омил одамлар яшаётган оила муҳитига, тарихий-ижтимоий шарт-шароитга жўғрофий иқлим ва хокозоларга ҳам боғлиқдир.

Мазкур ёш даврининг ўзгарувчанлигини инсоннинг биологик, ижтимоий ва тарбиявий омиллари (ирсий аломат, ижтимоий муҳит, узлуксиз тарбиявий таъсир) белгилайди. Ю.Н.Кулюткин бир хил даврдаги одамларда ҳар-хил жараёнлар, ҳолатлар, хоссалар, хусусиятларнинг ўсиши, ўзгариши баравар эмас, балки уларнинг бировдан олдин хотира, кейин тафаккур, бошқа бировда аксинча, ривожланишни, бир психик жараённинг заифлашуви, иккинчисини жадал суръат билан ўстиришини ўқтиради.

Шахснинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиши фаолиятнинг барча турларида маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзини англашини янада такомиллаштирди. Етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг ўзлигини англашдаги «Мен» уч хил кўринишдан ифодаланади: «Мен» кўпинча «Мен-образ» шаклида ўзи томонидан талқин қилинади. Шахснинг «Мен-образи»

1. ретроспектив «Мен» дан иборат бўлиб, ўтмишдаги ўзлигини акс эттиради;
2. актуал «Мен» сифатида тасаввур этилиб, ўзининг ҳозирги даврини ифодалайди;
3. идеал «Мен» образи эса яқин келажакда ўзини қандай тасаввур қилиш билан боғлиқ ҳолда яратилади.

Шунинг учун ўз имкониятларини ҳаётда тўла сафарбар қилиш истаги ижтимоий турмушнинг барча жаҳаларида ўзининг ўтмиши образини ҳозиргиси билан солиштириб, шахсий идеал моделини вужудга келтиради, шахс мазкур моделига асосланиб, турмуш режаларини, хатти-ҳаракат мақсадини, усул ва воситаларини танлай бошлайди. Инсоннинг ўтмишдан ҳозирги кунда, ҳозирги кундан келажакка интилиши ўзини англашнинг бош мезони хисобланади. Ўзлигини англашнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуд бўлиб, ўзини ўзи баҳолаш, назорат қилиш, текшириш, қўлга олиш, ўзига буйруқ бериш қабиларда акс этади. Ўзини англаш кўпинча, ўзига бошқа кишилар:

А) ёши улуғ одамлар;

Б) тенгдошлар;

В) ўзидан кичик одамлар нуқтаи-назаридан қарашда кўринади.

Мазкур ёш давридаги одамларнинг кўриш майдонини ўрганган Л.Н.Куленова ва М.Д.Александровалар 36-50 ёшли эркакларда кўриш чегараси қуйидагича эканини аниқлаганлар:

Нормадан ортиқ 4%, нормада 53%, қолганлари нормадан кам. Ю.Н.Кулюткин 36-40 ёшли синалувчиларда диққат, хотира, тафаккурнинг 0-130 гача шкалада 94,8, 93,7, 99,0 бирлигига эга эканлигини исботлаб берди. Б.Г.Ананьев эса мазкур ёшдагиларда шаклни идрок қилишни бипопуляр ва мопопуляр йўлларида муайян даражада тафовутлар юзага келишини айтади.

Қатор олимлар (Клапаред, Майле, Беллис, Филипп) мазкур ёшдагиларнинг товуш ва ёруғликдан таъсирланиш вақти ўзгаришини ўрганганлар. Олинган маълумотлар амалий аҳамиятга эга бўлиб, ўз қимматини ҳозиргача сақлаб келмоқда. Фулде, Равен, Пако каби тадқиқотчилар интелектниң қобилятини текшириб, 30 ёшда 96, 40 ёшда 87, 50 ёшда 80, 60 ёшда 75% бўлишни аниқлаганлар. Уларнинг ижтимоий фаолиятига кириш хусусиятини фаоллик нуқтаи- назаридан В.Шевчук 35 ёшидаги одамларнинг 6,2% бу фаолиятда қатнашиш истагини билдирса, 40 ёшда 2,2% қатнашишини хоҳлайди, 2,8% эса ундан чиқишга қарор қилади. Аҳвол шундай давом этади.

З.Ф.Есарова олий мактаб ўқитувчиларининг ижодий фаолиятини хусусиятларини ўрганиб, докторлик ишларини ёқлашни математиклар 33, психологлар 46, филологлар 46, тарихчилар 47, физиклар 37, биологлар 40 ёшда амалга оширишни аниқлаган. Умуман етуклик даврининг иккинчи босқичига мансуб кишилар бир томондан, бутун имкониятини меҳнат ва ижтимоий фаолиятларига бағишланади, иккинчи томондан, ижтимоий фаолликлари сусайиб боради. Чунки, инсоннинг кексайиши ҳам қувончли, ҳам ўтинчли дамларга, кечинмаларга, хис-туйғуларга сероблиги билан бошқа ёш даврдаги одамлардан ажралиб туради. Хотиржам дам олиш истаги билан ижтимоий фаолиятдан узоклашиш туйғуси ўртасида инқироз вужудга келади. Қандай қарорга келиш, яъни меҳнат жамоаси билан алоқани узмаслик ёки мутлақо ижтимоий фаолиятдан чекланиш муайян ҳолатлардаги мотивлар курашига боғлиқдир. Ҳозирги замон кишиларининг ўртача умр кўриши XX аср бошларидагига нисбатан қарийиб 1,5, 2 марта узайганлигини, етуклик давридаги эркак ва аёлларнинг ижтимоий бақувватлиги, маънавияти ва руҳияти текислиги ижтимоий фаолликни сусайтириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Демак, уларнинг ишчанлиги, ақлий қобиляти, касбий маҳорати, турмуш тажрибаси, онгининг юксаклиги, маънавиятининг бойлиги, руҳиятининг софлиги янги зафар, меҳнат қувончлари сари дадил қадам ташлашга тўла қафолат беради.

## ПСИХОГЕРОНТОЛОГИЯ

Психогеронтология психология фанининг таркибий қисми эканини илмий жихатдан С.Холл асослаган бўлса-да, лекин бу йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида Цицерон («Қатта Катон ёки кексайиш ҳақида» асарида), И.И.Мечников («Оптимизм этюдлари» китобида), Ўрта Осиё алломалари донолик, донишмандлик ҳақидаги дурдоналарида фалсафий фикр ва мулоҳазаларни билдирганлар. Америкалик психолог С.Холл (1846-1924) «Кексайиш» монографиясида амалий ва методик аҳамиятга молик қатор гоҳларни илгари сурган.

Йигирманчи асрнинг 30-йилларидан бошлаб кексалик даврига оид тиббий биологик тадқиқотларнинг кўпайиши, шунингдек, инсон камолотига шахс сифатида ёндошишнинг пайдо бўлиши психогеронтологиянинг ривожланишига алоҳида жараён сифатида ёндошишнинг пайдо бўлиши психогеронтологиянинг ривожланишига бирмунча таъсир кўрсатади.

Ана шу тариқа кексайишнинг тиббий, ижтимоий жихатидан ёндошиш билан бир қаторда психологик жабҳаси жихатидан ёндошиш ҳам вужудга келди ва психогеронтологиянинг тадқиқот соҳаси кенгайиб борди, шу соҳа бўйича инглиз тилида маҳсус журналлар чиқа бошлади.

Илмий изланишларнинг аксарияти кексайиш давридаги одамлар шахсининг хусусиятлари, диққати, хотираси, тафаккури, ақл-заковатига бағишланган бўлиб, бошқа психик ҳолатлар жараёнлар жуда кам тадқиқ қилинган. Ҳозир кексайиш психологияси ҳамда психогеронтологияни ҳам ёш психологияси соҳасига таалуқли деган икки хил илмий назария мавжуд. Ваҳоланки, улар ўзаро боғлиқ бўлиб бир-бирини доимо илмий ахборот ва маълумотлар билан бойитиб туради.

Психогеронтология фанида геронтология, инволюция, гериатрия, герегигиена, гетерохронлик каби илмий тушунчалар мавжуд.

Гериатрия эволюциянинг тескараси бўлиб, ўсишдан орқага қайтишини ифодалайди. Герегигиена-кексайган одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидир.

Герогигиена кекса одамларда асаб, рухий касалликларнинг олдини олиш учун хизмат қилади. Гетерохронлик-бир хил ёшдаги одамларда рухий жараёнларнинг турлича ( хар-хил вақт ва муддат) намаён бўлишидир.

Психогеронтология фанида геронтогенезнинг эволюцион омиллари қаторида И.В.Давидовский наслий, экологик, биологик, ижтимоий аломатларини киритади. Д.Бромлей инсонни қариши цикли учта босқичдан иборат бўлишини таъкидлайди:

1) «ишдан хизматдан узоклашиш» (истехфо)- 66-70 ёш:

2) кексалик (70ва ундан катта ёш),

3) мункиллаган кексалик (хаста кексалик ва ўлим)- максимум 110ёш.

Шу билан бирга кексайишнинг қонуниятлари ҳам кашф қилинган, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Гетерохронлик(хар-хил вақтлик)қонуни;

2. Ўзига хослик қонуни;

3. Хилма-хиллик қонуни.

И.В.Давидовский «Кексайиш нима?» номли асарида таъкидлаганидек, инсон 50-60 ёшга тўлганда ёки, ундан ошган чоғида етукликнинг кечиккан даврига кириб келади. Шу ёшдаги одамларининг ўлимини XVIII асрдаги тенгдошлари билан таққосланса, уларнинг яшаш ва меҳнат қилиш имконияти 75 ёшгача узайиши мумкин. Чунки хозирги кунда нафақани белгилаш хақиқий биологик қариш ёшидан 15-20 йил илгарилаб кетган. Бу хол ақлий меҳнат билан шуғулланган зиёли одамларда яққол кўзга ташланди. И.В.Давидовский фикрича, узок умр кўрувчилар асосан озгина, фаол, харакатчан одамлар бўлиб, хаводан эркин нафас олишни жуда ёқтирадилар, организм фаолиятига дахлдор тинка қуритар кассалликлардан холис бўладилар.

Тадқиқотчи П.П.Лазерев 1928 йилда умр ўтиши билан кўрув аппарати марказий этнологиясининг хиралашувини айтган эди.

Кейинчалик, 1967 йилда америкалик психолог Грегори бу фикрни тажрибадан ўтказди ва инсон кексайиши билан рецептор аппаратининг оптик функцияси заифлашади, кўрув сезгиси ва идрокени хирилаштиради, деди. Кўзнинг рангни сезиши ёш улғайиши билан ўзгариб боради, хатто, рангни ажратиш қобилияти сезиларли даражада пасаяди.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, ранг ажратиш, спектр нурларининг ёйилиши Ибн Сино томонидан тушунтириб берилган, фан оламида гетерохроник хусусият касб этиб, спектрнинг қисқа ва тўқис қисмида (кўк ва қизил рангда) аниқроқ акс этади.

Психогеронтологик нуқтаи-назардан сезиш вақтини тадқиқ қилган Е.Н.Слколов, Е.И.Бойко, А.Р.Луриялар сезиш вақти ёки даврининг информацион функциясидан бошқа нарса эмас дея хулоса чиқарадилар.

Улар сезиш вақтининг эгри чизикли кўрсаткичларини схема тарзида ишлаб чиқиб, кексалик даврига хос иккита хусусиятни чуқур таҳлил қилдилар. Худди шунга ўхшаш маълумотлар Д.Биррон, Д.,Ботвинник тажрибаларида ҳам олинган.

Психогеронтологияда кекса эркак ва аёлларнинг психологик хусусиятларини ўрганишда кўпроқ тест (синов) дан фойдаланилади. Тестлар ўз мақсади, мохияти ҳамда тизимига биноан бир неча кўринишга эга:

1)мақсадга йўналтирилган, билим хажмини аниқловчи стандарт тестлар; имтихон, синов варақаси;

2)инсоннинг ақл заковатини ўлчашга мослаштирилган ақл тестлари; 3)инсон шахсининг фазилатларини текширишга мўлжалланган тестлар;

4) инсон истеъдоди, иқтидори ҳамда қобилиятининг даражасини аниққлашга қаратилган тестлар.

Кексайиш даврида одамлар психологиясини ўрганиш тестлар ёрдамида амалга оширилишининг синалувчиларда иродавий куч қувват сарфлаш, ақлий зўриқиш, асабдан тежамли фойдаланиш имкониятини яратади. Шу билан бирга тестлар кишиларда (ранг-баранглиги учун) кизиқиш, табиий майл, шуғулланиш хис туйғусини уйғотади. Тестлар билан ишлашда вақт чекланганлиги сабабли айрим нуқсонларга йўл қўйилади, лекин уларни айнан синалувчиларда муайян вақт ўтганидан кейин такрор ўтказилса, камчиликлар барҳам топиши мумкин.

Кексалар психологиясини тадқиқ қилишга оид тажрибаларда психогеронтологиянинг айрим усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Нафақа ёшига тўлган кишиларнинг ишни давом эттириш истаги ва улардан фойдаланиш эҳтиёжи тиббиёт ва рухият илми олдида бир қанча талаблар қўяди. Бу талаблар М.Д.Александрова ва унинг шогирдлари таъкидлаганидек, 60 ёшдан ошган одамларнинг соматик сихатлиги уларнинг ишлаб чиқаришида қатнашишига қанчалик имкон беришини, инсоннинг рухий саломатлиги ишлашда қай даражада ёрдамлашувини, соғлом кекса одамнинг психофизиологик функциялари, психик жараёнлари шахсий хусусиятлари ва касб корлик учун мос келиш-келмаслигини аниқлашдан иборатдир.

Шуларнинг сўнги қисмини тадқиқ қилиш бевосита психологларнинг зиммасида бўлиб, ёш улғайиб боришига қараб физиологик функцияларнинг ўзгаришини психометрия маълумотларига таяниб муайян усулда ўрганиши лозим. Бу усулда бир қанча элат, жамоа, худуднинг худди шу ёшдаги ахолиси билан солиштирилади. Тадқиқотнинг бу усули айрим рухий жараёнларнинг ёш динамикасини аниқлашга хизмат қилади.

Асаб системасининг қаришини В.Д.Михайлова И.А.Лукашева, М.М.Александровская каби олимларнинг физиологик ва гистологик тадқиқотларида кексаларнинг асаб системаси, бош мия тузилиши ўзгариши ўрганилган бўлиб, бу хол макросопия маълумотлари асосида ифодаланган.

Макросопия маълумотларига кўра: а) кексалик дариди миянинг оғирлиги 20-30 % янгилашади:

б) бир даврнинг ўзида мия калла суягининг хажми ўртасида кучаяди; в) кексайиш даврида мия бурмалари камаяди ва ариқчалари кенгаяди; қўзғалади, булар айниқса мия қобиғининг пешона қисмида яққол кўринадиди ва етук одамларга қараганда 3-4 та йўл қисқаради; г) миянинг зичлиги ортади.

Микросопиянинг натижаларига биноан: 1) нерв хужайраларининг умумий миқдори камаяди, бу ўзгариш қобиғининг 3 ва 4 зоналарида аниқ билинади;

2) Пуркинъе хужайраларининг миқдори кескин камаяди, хужайраларнинг йўқолиши етук кишиларга нисбатан 25% кўп бўлади; 3) нерв толалари йўғонлашади; 4) хабар олиб борувчи йўлда миелин толалари миқдори озаяди. Сенсор-перцептив функцияларининг қариши.

Кўриш функциясининг ёш даври динамикасига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд бўлиб, америкалик психологлар кўриш тадқиқотининг маълумотларига қараганда, агар вақт ҳеч бир чекланмаса, кўрув стимуллари идрок қилиш 20-50 ёшли одамларда бир текис, аниқ ва тўғри амалага ошиши мумкин. Мабодо вақт чекланган бўлса, идрок қилинаётган жисм қисқа вақт намойиш қилинса, қўзғатувчининг кучи ўзгариб турса, ёшлар билан катталар ўртасида кескин фарқ вужудга келади.

Оддий турмушда бу хол жисмларга узоқ муддат термилиш имкониятини ва сунъий кўришдан фойдаланиш кўрув идроки пасайишининг олдини олади ва муваққат нерв узилишига барҳам беради. Л.Е.Биррона, Л.Ботвинник, қуйидагича хулоса чиқардилар: сенсор информацияни қайта ишлаш ва стимуллари баҳолаш учун кекса кишиларга бир неча кун вақт керак. Кўриш пасайишининг иккита сабаби бўлиб, биринчиси кўз гавхарининг торайиши, иккинчиси кўз аккомодациясининг ёмонлашувидир.

С.Паконинг фикрича идрок қилинаётган объект ва унинг стимуллари қанчалик мураккаблашиб борса, тажрибада ёш даврининг фарқлари шунчалик ортиб боради.

Бир гурух психологларнинг ўқтиришича, идрок функциясидаги ёш даврига боғлиқ пасайишининг асосий сабабларидан бири мия нуктасининг геностик зонасидаги нейронлар миқдорининг камайишидир. У Майлс ва А.Уелфорд унинг пасайишини айтганлар.

Эшитиш. Эшитиш қобилиятининг энг юқори даражасини 14-15 ёшларга тўғри келади, ундан кейинги камолот даврларида биров пасайиш юз беради. Кўпгина олимларнинг фикрича, инсон ёшининг улғайиши билан эшитишнинг заифлашуви мўътадил хисобланиб, организмнинг биологик қариши билан узвий боғлиқ равишда кечади.

Ишлаб чиқаришдаги кучли шовқин одамнинг эшитиш қобилиятини ёмонлаштиради. Эшитиш ўқувини йўқотиш эркакларда аёлларга қараганда кўп учрайди.

Таъм билиш сезгисида ҳам ёш ва кексалик туфайли айрим ўзгаришлар вужудга келади. Масалан, нордон, ширин ва аччиқни сезиш 50 ёшгача кескин ўзгармасда, лекин ундан кейинги даврда маза сўргичлари миқдорининг камайиши эвазига сезги чегараларининг кенгайиши содир бўлади. Ҳид сезгиларининг ўзгаришига асосий сабаб нерв учлари ва толаларида қарахтлиқнинг бошланишидир.

Бундан ташқари, ҳид билиш сезгирлиги камайишининг сабалари хавонинг ифлосланиши, захарли ва қўланса ҳидли моддалар билан нафас олиш, чекиш, озик-овқатда А витамин етишмаслигидир. Кексайганда оғриқ ва тери –туйиш сезгилари ҳам пасаяди. Тебраниш сезгилари ҳам ёш ўтган сари ёмонлашади, орқа миянинг орқа қисмларидаги вегетатив ўзгариш ана шу ҳолатни келтириб чиқаради.

Кексайиш даврига 61 (56)-74 ёшли эркак ва аёллар кирадилар.

Бу даврдаги кишилар хилма-хил хусусиятлари, шахслараро муносабатлари билан бошқа даврлардагилардан ажралиб туради.

Мазкур ёшдагиларни шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

а) мутлақо исхтефога чикқан, ижтимоий фаол бўлмаган эркак ва аёллар;

б) нафақахўр эркак ва аёллар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу жабхаларида фаолият кўрсатаётган кексалик аломатлари босаётган одамлар. Уларнинг хис-туйғулари яшаш тарзига мувофиқ намаён бўлади.

Уларнинг хис-туйғулари вужудга келиши жихатидан икки хилдир: 1) барқарор кайфият, хотиржамлик туйғусига эга бўлган, ўз қадр –қимматини сақлаётган нуфуз талаб эркак ва аёллар:

2) кайфияти барқарор, осойишта хулқ-атворли, оила муҳитининг сардорига айланган, табиат ва жамият гўзалликларидан бахраманд бўлаётган ижтимоий фаолиятдан қарийиб узоқлашган, қарилик гаштини сураётган кишилар.

Уларнинг бир гуруҳи моддий бойлик билан қаноат ҳосил қилган эркак ва аёллардан иборатдир.

Мазкур ёшда юзага келадиган инқироз заифлашуви психик жараёнларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Рухий кексайиш аломатлари аёлларда эртароқ пайдо бўлади.

Эркак ва аёллар ўртасида фарқлар борган сари яққол кўзга ташлана бошлайди.

Бу фарқларни билиш жараёнлари(сезги, идрок, хотира, тафаккур), ахлоққача (фаросатлилиқ, хушёрлик, хозиржавоблик, топқирлик) ва ақл заковат (ақл, билим, ижтимоий тажриба, махорат, ижодий фаолият, барқарор малака) каби рухий ҳолатларда ўз аксини топади.

Аёлларнинг заифа деб номланиши ҳам бежиз эмас, чунки жисмоний заифликдан ташқари бошқа рухий кечинмаларда ҳам беқарорлик сезилиб туради. Кўз ёши қувончдан бўлса ироданинг заифлигини кўрсатади, ғам-ғусса, ўкинч, туйғу сабабли бўлса хис-туйғуни бошқариш имконияти йўқлигини кўрсатади.



Аёлларнинг табиий азобдан (туғиш, бола тарбияси) ташқари хизмат, оила ташвиши, юмуши, меҳр-мухаббатга оташлиги, нозик қалби ташқи кўзғатувчиларга тез жавоб берувчанлиги жихатдан эртароқ қаришга олиб келади (асаб системасининг бузилиши, иродавий зўриқиш, ақлий танглик ҳолатлари).

Психологлар кексайиш давридаги эркак ва аёлларнинг рухий дунёсини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Америкалик В.Шевчук мазкур ёшдаги одамларнинг ижтимоий фаолиятида қатнашиши хусусиятини текшириб, 65 ёшлиларнинг 24,1% 70 ёшлиларнинг 17,4%, 75 ёшларнинг 7,7% ижтимоий фаолиятдан воз кечганлигини аниқлаган.

Олий мактаб муаллимларининг илмий махсулдорлиги М.Д.Александрова математика, физика, биология, психология, ва бошқа соҳаларнинг вакиллари ўртасида кексайишнинг биринчи босқичида (61-66 ёшларда) бир оз мавжуд бўлса-да, унинг иккинчи босқичида (67-72 ёшларда) ўша тафовут ҳам йўқолиб боришини таъкидлайди. Л.И.Захарова эса кексайиш давридаги эркак ва аёлларнинг олий нерв фаолиятини текшириб, уларда рангларни кўриш майдонининг чегараси учун қуйидагилар муҳим роль ўйнашини уқтиради:

1. Кўриш йўллари анализатори чекка қисмларининг ҳолати;
2. Марказий нерв системасининг умумий фаоллиги;
3. Инсоннинг ёши;
4. Кўриш анализаторларининг фаолият кўрсатиш шароити;
5. Инсоннинг жинси.

Америкалик психолог Д.Векслер кексайишида ақлни ўлчаш учун 1939 йилда махсус тест ишлаб чиққан ва «Катта кишилар ақлини ўлчаш ва баҳолаш» номли китобида тест ўтказиш услубиятини батафсил баён қилган.

Д.Векслер тавсия қилган формулага биноан ҳар қандай ёшдаги шахснинг ақлий камолот даражасини мазкур ёшга муносиб тарзда ишлаб чиқса бўлади.

Бунинг учун муаллиф ақл коэффиценти атамасидан фойдаланилади:

Д.Векслер шкаласи бўйича АД-ақлий кўрсаткичини, КД-(кексайиш даражаси) эса шахснинг календар ёшини англатиб келади.

«Векслер батареяси» 11 та субтестдан иборат бўлиб, улардан 7 таси вербал сўзлардан тузилган, 4 таси новербал (аломатлардан иборат) дир.

Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижага 15-25 ёшлилар, бошқа маълумотларга кўра 26-29 ёшлилар эришадилар: кейин 40-45 дан аста-секин пасайиш бошланади: 60-65 ёшларда бу кўрсаткич куйига тушади.

Д.Векслер кескин ўзгарувчан ва кам ўзгарувчан ёш даври функцияларига алоҳида эътибор беради.

Биринчисига қисқа муддатли хотира, ўхшашлик, символлар, Косс кубчалари: иккинчисига-луғат бойлиги, умумий маълумотлилик, расм тузиш (тартибга келтириш маъносида), тугалланмаган расмларни идрок қилиш киради.

Мазкур вариациялардан фойдаланиб, экспериментал психологияда янги кўрсаткич киритишни таклиф қилади, у детериорация коэффиценти деб атайди, (детериорация-ёмонлашув, бузилиш, демакдир): барқарор кўрсаткич,

Ёш одамларда мазкур коэффицент 5%дан ошмайди, кексаларда эса 20%га яқинлашади.

Кўриниб турибдики, ёш улғайиши билан номутаносиблик даражаси ўсиб боради.

Д.Векслер тести тўғрисида ҳар-хил танқидий мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, лекин муаллифнинг ёшларга татбиқ қилган тести уларнинг ақлий тайёргарлиги даражасини, ўқишга ўқувчилигини билдирса, кексаларда у ҳаётий тажрибаларга асосланган донишмандликни англади, деган фикр тўғридир.

Кексалик даврига 75-90 ёшдаги эркек ва аёллар (бува ва бувилар) киради ва бундай одамларнинг бошқа ёш дарларидаги одамлардан кескин фарқланадиган хусусиятлари яққол кўзга ташланади.

Кексаларни жисмоний ва ақлий фаолиikka мойил ҳамда пассив турмуш тарзига кўниккан қариялар гуруҳларига ажратиш мумкин.

Ижтимоий фаоллик фахрийлар жамоасида, касбий жамоалар фаолиятида қатнашишида ўз ифодасини топади.

Кексалик даврида фоний дунёдан умидсизлик туйғуси пайдо бўлади ва бу хол фаолликни, истиқбол режаларини тузишга интилишни сусайтиради.

Лекин «Ўғлимни уйлантирсам, дунёдан армоним йўқ» кабилидаги мулоҳазалар доимий одатга айланиб қолган.

Кексаларнинг иккинчи муҳим хусусияти бетобликда, васият қилиш, қариндош уруғлардан рози-ризолик тилашишдир. Жисмоний ҳаракат имкониятига эга бўлган қариялар меҳнат қилишга интиладилар, бироқ унинг махсулидан кўнгиллари сира тўлмайди. Улар тарихий воқеаларни типик сифатида батафсил баён қилиб берадилар.

Нутқдаги жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда (айрим мантиқий боғланишдаги нуқсон, талаффузнинг бузилиши) кенг кўламдаги ахборотларни ўзгаларга узатиш имкониятига эга.

Биологик қариш психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, ва хатти-ҳаракатларда кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Аксарият сезги органлари заифлашади, асаб системаси кучсизланади, маълумотларни қабул қилиш (хотира) ва уларни қайта ишлаш, моҳиятини англаш (тафаккур), у ёки бу ҳолатларга нигоҳини тўплаш ва унда муайян муддат тутиб туриш (диққат) қийинлашади.

Ироданинг кучсизланиши оғриқ сезгиларига нисбатан бардошлилик туйғусини емира бошлайди. Натижада ташқи таъсирни қабул қилишда диққатни саралаш хусусияти ўз аҳамиятини йўқотиб бориши сабали қари одам бола табиат, аразчан, кўнгли бўш, ҳиссиётга берилувчан характерли бўлиб қолади.

Шунинг учун улар билан мулоқотга киришишда мазкур шахснинг сифатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Хотиранинг заифлашуви қарияларга хаёлпарастлик иллатини келтириб чиқаради кўпинча эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва эсага тушириш ўртасида кўпгина сабабларга кўра номутаносблик туғилади, натижада унутиш жараёни кучаяди. Диққатни муайян объектга тўплай олмаслик оқибатида бирон фаолият тури устида узоқ машғул бўла ололмаслик вужудга келади. Нарса ва жисмларни нотўғри идрок қилиш, яъни иллюзиялар кўпроқ ўрин эгаллайди.

Шунинг учун кексайганда «жон ширин бўлиб қолади». «Кексаликда эр-хотин муносабати янада мустаҳкамланади, янги шакл ва янги сифат касб этади. Мулоқот кезида барча тахассуротлар, маълумотлар, кечинмалар, хис-туйғулар юзасидан фикр алмашадилар. Бир-бирларини кўмсаш, ҳамдардлик каби юксак туйғулар янада мустаҳкамланади.

Кексалик даврининг яна бир хусусияти бошқа кишиларга, бегоналарга ҳам хайрихолик билдиришдир.

Ана шу юксак инсонпарварлик ҳисси туфайли улар ер юзидаги жамики инсон ҳаётига яхшилик тилайдилар.

Бу сўнги юксак туйғу байналминалчиликнинг табиий кўринишидир. Қариялардаги раҳмдиллик, поклик, орасталик, мулойимлик, самимийлик сингари туйғуларнинг ифодаланиши бошқа ёш давридаги одамлар туйғусига асло ўхшамайди. «Шунинг учун қари билганни-пари билмас», -деган нақл бор.

Йирик жахон психологлари С.Пако, Г.Оффоре, Л.Бине, У. Майнот, Э.Медавир, А.Камфорт, И.В.Давидовский, Б.Г.Ананьев, Н.В.Нагорний, Е.Д.Александрова ва бошқалар узок умр кўриш сирларини экологик омиллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Аксарият олимларнинг фикрича, экологик омиллар инсоннинг яшаш шароитига, камол топишига, бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган омиллардир.

Инсоннинг ижтимоий муҳити шароитлари ичига касб меҳнати, турмуш тарзи, маданияти ва маънавияти кабилар киради.

Жахон фани тўплаган маълумоларга кўра очиқ заводда ортиқча зўриқишсиз жисмоний меҳнат билан шуғулланган одамларда ҳаракатнинг тезлиги, қад-қоматининг тиклиги, маънавий тетиклик, рухий фаоллик сақланади. Мана шу ҳолат жисмоний тарбия билан доимий шуғулланувчи кишиларда ҳам бўлади.

«Умрни ўзайтириш муаммолари » номли (1952) китобида доғистонликларда узок умр кўришнинг асосий сабаблари қуйидагилар экани таъкидланган:

1. республиканинг тоғли қисмидаги иқлим шароити ва жўғрофий омиллар;
2. Суткасига 3-4 марта истеъмол қилинадиган гўштли, ўсимлик ,мойли ва сутли озиқ-овқатлар, чекишнинг, ичиш ва ортиқча жинсий алоқанинг тақиқлангани;
3. Авлоддан-авлодга асрлар давомида ўтиб келаётган маданий анъаналар, ўзига хос турмуш тарзи ва унинг хусусиятлари;
4. Гигиенанинг барча қонун ва қоидаларига риоя қилиниши ва бутун умр бўйи жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;
5. Бир маромда ҳам пассив, ҳам фаол хордиқ чиқариш;
6. Аҳоли турмуш даражасининг моддий-маиший жихатидан яқинлашиши ва хоқозолар.

Умрининг узайишига, шахсда ижодий фаоллик узлуксиз давом этишига ёрдам беради, ақлий меҳнат билан доимо шуғулланувчи кекса одамларда мантиқий хотира сақланади.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т 1997.
2. Н.М.Амосов. Преодоление старости. Москва, 1996.
3. В.Г.Асеев. Возрастная психология. Иркутск, 1989.
4. Э.Ғозиев. Ёш даврлар психологияси. Тошкент, 1996.
5. В.М.Каримова, Ф.А.Ақромова. Психология. Тошкент, 2000.
6. Э.Ғозиев. Умумий психология. I-II том. Тошкент, 2002.
7. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлар психологияси). Тошкент, 2002.
8. Ғозиев Э.Ғ. Дифференциал психофизиология. Тошкент, 1999.
9. Крайк Г. Психология развития. Москва, 2000.
10. Рўбалко Е.Ф. Возрастная и дифференциальная психология. Москва, 2001.
11. Голубева Э.А. Способности и индивидуальность. Москва, «Промитей», 1994.
12. Клаус Г. Дифференциальная психология обучения. Москва, «Прогресс», 1984.
13. Егорова М.С. Психология индивидуальнўх различий. Москва, 1997.
14. Теплов Б.М. Проблемў индивидуальнўх различий. Москва, 1986.
15. Брушлинский А.В. проблемў психологии субъекта. Москва, 1994.

#### **Мавзу юзасидан интернет тармоғи бўйича веб-сайтлар рўйхати:**

1. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
2. [www.psychology.all.ru](http://www.psychology.all.ru)
3. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)
4. [www.psy.piter.com](http://www.psy.piter.com)

